

4 (430)  
X 74.

К. ХОНАЗАРОВ

УХРАНЕНИЕ

**ТНЛ  
ВА  
ДНЛ**



Книга должна быть  
возвращена не позже  
указанного здесь срока

Количество предыдущих  
выдач \_\_\_\_\_

Л. АНОХ

И (438) 433

X 74 Командаров

Тисел ва

0111.

11. 1991

1

U (435)  
X 74

Қ. ХОНАЗАРОВ

С. 18  
Р. 1

# ТИЛ ВА ДИЛ

Фундаментальная
6 кл.
Формы
ИНВ. № 433
19 г.

ТОШКЕНТ  
"ЎЗБЕКИСТОН"  
1991

81.2  
X 74

К. ХОНАРАЛОВ

Муҳаррир: К. Бўронов

ISBN 5-640-01096-7

X 4602000000-140 91  
351 (04) 91

© "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти. 1991 й.

## МУҚАДДИМА

Маълумки, тил ўзига хос ижтимоий воқеа бўлиб, ўзининг ички қонунларига биноан аста-секин, йилдан-йилга, асрдан-асрга ўзгариб, бойиб, такомиллашиб боради. Бу қонуниятни инкор қилиш миллий тиллар равнақига жиддий путур етказди. Октябрь инқилобидан кейинги етмиш йиллик давр ичида мамлакатимизда миллий тиллар мисли кўрилмаган даражада кўп ўзгаришларни, ижтимоий пўртаналарни бошдан кечирди. Миллий тилларнинг ўзига хос тараққиёт қонунларини сиёсий раҳбарият кўпинча назар-писанд қилмади. Натижада миллий тилларга жуда жиддий зарар етказилди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун биргина ўзбек тилининг бошига тушган "кулфат"ларни санаб ўтишнинг ўзи kifоя. Аввало асрлар давомида халқимиз фойдаланиб келган араб ёзуви улоқтириб ташланиб, илмий жиҳатдан чуқур асосланмаган ҳолда, ташвиқот ва тарғибот даражасидагина муҳокама этилиб, лотин алифбоси киритилди. Бунинг оқибати ўлароқ ўзбек миллатининг янги авлоди ўз халқининг бой маданий-маърифий меросидан ўзилган ҳолда ўса бошлади. Орадан ўн-ўн бир йил ўтар-ўтмас, лотинча ҳам бекор қилиниб, русча алифбо (кириллица) жорий этилди.

Йигирманчи йилларнинг ўрталаригача миллий тилларнинг ривожланиши кўпчиликнинг саводсизлиги ва маданият ўчоқларининг сийрақлиги туфайли секинлашган бўлса, ундан кейин то эллагинчи йилларнинг бошларигача совет тилшунослигида Н. Я. Маррнинг ғайриилмий назарияси ҳукмрон бўлиши натижасида, миллий тиллар яқинлашиш-бирлашиш сари йўналтирилди. Бу эса миллий тилларни илмий заминдан жудо қилди, уларнинг тараққиётини секинлаштирди; Н. Я. Марр "таълимоти" эллагинчи йилларнинг бошларидигача миллий тилларга ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келди.

Миллий тилларнинг эркин ривожланишига кўп жиҳатдан халақит бериб келган жиддий сабаблардан бири Сталиннинг

ВКП(б) XVI съездида (1930 йил) олға сурган социализм мустақамлангани сари миллатлар ва миллий тилларнинг яқинлашиб, қўшилиб кетиш "назарияси" бўлди.

Сталин вафотидан сўнг ва маррчиликка қақшатгич зарба берилгандан кейин миллий тиллар соҳасида ижобий ўзгаришлар юз бера бошлади. Лекин, умуман олганда, маъмурий-бўйруқбозлик социализми даврида эски қоида ва эски қолиплар ҳукмрон бўлиб қолаверди. Бу эса ўз навбатида аста-секин ички қарама-қаршилиқларнинг йиғилиб боришига сабабчи бўлди. Қайта қуриш давридаги миллий муносабатлар соҳасидаги кескинлик ва тўқнашувлар, норозилиқлар ана шу қарама-қаршилиқларнинг илдиэлари қанчалик чуқур эканлигини намоиш қилди.

Юқорида санаб ўтилган ноқисликлардан Совет ҳокимияти йилларида миллий тиллар қанчалик оғир синовлардан ўтганини кўриб турибмиз. Барча миллий тилларнинг фожиаси шундан иборат бўлдики, бир томондан, уларни тенг ҳуқуқли ва барча тараққиёт имкониятларига эгадир деб эълон қилдик ва, иккинчи томондан эса миллий тиллар мумкин қадар тез суръатлар билан қўшилиб кетиши керак, деб уларнинг йўлини тўсиб қўйдик. Ана шу сабабли ўтган етмиш йил давомида миллий тиллар ҳақиқий эркинлик муҳитида ривожлана олмади. Совет жамиятининг ўтмишини таҳлил қилар эканмиз, ана шу ички қарама-қаршилиқни албатта кўзда тутишимиз тўғри бўлади.

Тўғри, совет ҳокимияти йилларида миллий тиллар маълум ютуқларга эришди. Лекин бу социализм миллий тилларга яратиб бериши лозим бўлган шароитларнинг ўндан биридир, десак янглишмаган бўламиз. Шу жиҳатдан мамлакатимиз халқлари ўз миллий тилларини ривожлантириш, бойитиш ва такомиллаштиришнинг бошланғич палласидадир, дейишимиз ҳақиқатга яқинроқдир.

Юқорида айтиб ўтилган фикрлар масаланинг бир томони. Масаланинг яна бир жиддий томони шундан иборатки, сталинизм ва турғунлик йилларида халқимизнинг тил маданияти ва, шу жумладан, нутқ маданияти ниҳоятда сохталашиб, ҳақиқий ҳаёт талабларидан орқада қолиб кетди. Нутқ маданиятининг бу даражада оёқ ости бўлиб, барбод бўла бошлаши, аслини олганда, миллий тилларнинг қўшилиб кетиши сиёсатини амалга ошириш йўлларида бири эди. Яъни, миллий тиллар қўшилиб кетсин учун улар аввало ўз қирралари, ўзларига хос томонларидан айрилиб, бир-бирларига яқинлашиб, ўхшаб боришлари керак эди. Бу жараённинг жумҳуриятимизда намоён бўлиши шундан иборат бўлдики, ўзбек миллий зиёлилари ва, биринчи навбатда, давлат ҳамда партия маҳкамаларида хизмат қилувчилар ўз миллий тилларидан аста-секин узоқлаша бошладилар. Улар орасида ўзбек

миллий тилида эркин сўзлашадиганлар салмоғи йил сайин камайиб бораверди. Ҳатто улар ўзбекча сўзлаганда ҳам миллатлараро тилдан таржима қилиб гапираётганлари билиниб турадиган бўлди. Шундай қилиб, ҳақиқий ўзбек миллий тили ўрнига "янгича"— сунъий расмий тил пайдо бўла бошладики, бундай айнишнинг олдини олиш ва асл халқ оммаси сўзлашадиган миллий тилни тиклаш, бойитиш ва такомиллаштириш энг асосий вазифаларимиздан бири бўлиб турибди. Шуниси ачинарлики, бу жиддий камчилик ва улкан нуқсонга диққатни жалб қилиб, миллий тилда саводли ёзиш ва нотикликка чақиришнинг ўзига сиёсий тус берилиб, бу миллатчилик ва миллий чекланганликнинг кўринишларидан бири, деб баҳолана бошлаган эди. Аста-секин ҳамма миллий тиллар, украин тилидан то ўта кам сонли Шимол халқларининг тилларигача, ўз мавқелари ва ҳаётдаги ўринларидан жудо бўла бошладилар, иккинчи ва учинчи даражали тилларга айланиб қолдилар.

Албатта, бу сўзларни ўқиган китобхон, эътироз билдириб, ҳар бир миллий тилда, шу жумладан ўзбек тилида Совет ҳокимияти йилларида кўплаб газета ва журналлар, китоб ва рисоалар чоп этила бошлаганлигини, радио ва телевидение ишлаб турганини ва ҳоказоларни айтиши мумкин. Биз бу фикрга қўшиламыз ва айни вақтда эътироз ҳам билдириб, ютуқ ва муваффақиятларимиз ҳаёт талабларига нисбатан жуда кам, деймиз. Ўзбек миллий тилининг ҳозирги аҳволини оқлаш, хаспўслаш ҳаётимиздаги жиддий камчиликлардан кўз юмиш ва қайта қуриш ишининг моҳиятини тушунмасликдир.

Сталинизм ва турғунлик йилларида ленинча миллий сиёсатнинг моҳияти бузилди, тилнинг ниҳоятда бой ички ҳаёти ва бу ҳаётга куч бағишловчи халқнинг фикри-зикри, яратувчилик ғайрат-шижоати олдиндан белгилаб қўйилган йўл-йўриқларга бўйсундирилди. Маълумки, Лениннинг Совет давлати шароитларида миллий тилларнинг ривожланиши ва истиқболи қанчалик жиддий хавф остида қолиши тўғрисидаги муҳим фикрлари деярли ўттиз беш йил давомида Сталиннинг пўлат сандиғида қолиб келган. Афсуски, ундан кейин ўтган ўттиз беш йил давомида ҳам Лениннинг бу фикрларини юзага чиқариб, уларнинг маъносини очишга етарли эътибор берилмади ва бу нарса миллий тилларнинг янада камситилишига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, миллатлараро муносабатлардаги кескинликларнинг асосий сабабларидан бири бўлди.

Миллий тилларнинг эркин ривожланиш масаласини жамиятимиздаги яккаю-ягона ва асосий масалага айлантириш тўғри бўлмайди, албатта. Лекин, шу нарса ҳам инobatга олиниши керакки, тил инсон ақли-заковати, фикри-ўйи, барча интилиш-

лари ва мақсадларини ифода этиш воситасидир. Инсоннинг бутун маънавий бойлиги, ўз халқига ва бошқа халқларга муносабати, дилидаги энг самимий ва чуқур фикрлар тил орқали ўзининг ифодасини топади. Миллатнинг қанчалик тараққий этганлиги унинг тил маданиятида жуда яққол намоён бўлади. Буни жаҳондаги юзлаб миллатлар мисолида кўриш мумкин. Аммо бундай фикрларни айтиш, юқорида таъкидлаганимиздек, яқин-яқинларда ҳам миллатчиликнинг илк кўриниши, деб қараларди. Миллий тилларнинг қўшилиб кетиши "назарияси" бундай нотўғри хулосаларга олиб келиши табиий эди.

Шу нарса диққатга сазоворки, К. Маркс, Ф. Энгельс ва В.И. Ленин тиллар масаласида ниҳоятда эҳтиёткор бўлганлар, миллий тилларга нисбатан қўпол ва бсандиша муносабатда бўлиш учун ҳеч қандай ўрин қолдирмаганлар, чунки улар тилнинг ўзига хослигини, тарихий илдизларини, нозик ва кўп қиррали томонларини умуман тўғри фаҳмлай олганлар.

Тил, бу — инсон онгининг намоён бўлишидир. Инсон онги эса табиат ўзининг кўп миллион йиллар давомидаги тараққиёти натижасида юзага келтирган олий маҳсулидир. Бу жиҳатдан тилни онгининг ва онгимиз орқали дилимизнинг ифодаси сифатида борлиқдаги ҳеч бир бошқа нарса, ҳодиса, воқеа, жараён ва категориялар билан қиёслаб бўлмайди.

Миллий тил миллат онгининг, инсон дилининг ифодаси ва намоён бўлишидир. Миллий тилни давлат томонидан "жиловлашга" ҳаракат қилиш миллатнинг фикрлари, қобилиятлари, интилишларини чеклаш, "жиловлашга" тенгдир. Лекин, табиийки, ҳар бир ижтимоий воқеа ва ҳодиса сингари, тил ҳам турли қарашлар, фикрлар, нуқтаи назарлар кураши жараёнида ривожланади, сайқал топади. Тил тараққиёти эркинлиги бебош ва беҳад бир нарсани билдирмайди. Биз айтиб ўтган фикрлар кураши охир оқибатда тилнинг ички қонунларини ривожлантиради, янги йўналишларини шакллантиради.

Тил учун кураш бу фақат тилнинг ички ҳаётига тегишли қоида, йўналиш ва тартиблар учун, уларнинг аниқлиги, тиниқлиги, асосланганлиги учун кураш масаласигина эмас. Тил учун кураш, бу — айни вақтда тилнинг жамиятдаги ўрни учун ҳам курашидир. Жаҳондаги байналмилаллашув жараёнлари фан-техника ютуқлари кўпайгани сари шу даражада тезлашиб бормоқдаки, уларнинг тазйиқи, шиддати ва босимига кўп миллий тиллар чидаш беролмай, тарих шоҳ кўчасининг уватига чиқиб қолмоқдалар. Бундай воқеалар шундан далолат берадики, жамиятшунослар орасида фан-техника ютуқлари олдида тиз чўкувчилар ва шу сабабли ҳалитдан миллий тиллардан воз кечишга тайёр турганлар бор. Кўп жиҳатдан шундай унсурларнинг ҳаракати билан мам-



лакатимизда миллий тиллар соҳасида турғунлик йилларида бўҳрон ҳолати юзага келтирилди. Шундай экан, фан-техника ривожланишини миллий тилларга қарши қўйиш бутунлайин нотўғри ва сиёсий хато йўлдир.

Байналмилалашув тўғрисида сўзлар эканмиз, шу нарсани диққатимиз доирасида тутишимиз керакки, ҳозирги замон халқлар, мамлакатлар, қитъалар, давлатлар, ҳудудлар ўртасидаги мулоқот ва муносабатларнинг жадаллашиб бориш давридир. Ҳеч бир халқ ўзича, бошқа миллатлардан узилган ҳолда яшай олмайди. Улар доимий иқтисодий ва маънавий муносабат ва мулоқотларда бўлишлари давр талабидир. Бундай муносабат ва мулоқот халқларнинг ривожланишини, ўсишини тезлаштиради, илм-фан, техника ва саноат, маънавий-маданий соҳалардаги янгиликлар, кашфиётлар билан тезда танишиш ва ўртоқлашиш йўлини очиб беради. Бу эса ўз навбатида бошқа халқлар тилларини ўрганишни тақозо этади.

Тил масаласи умуман жуда мураккаб ва кўп қиррали масала. Айниқса, миллий тиллар қанчалик кўп муаммоларни ўртага ташлаганини ҳозирги кунда кўриб турибмиз. Қуйида шу мураккабликларни ва қийинчиликларни билган ва тушунган ҳолда, бу улкан ва нозик соҳанинг баъзи бир муҳим томонларига диққатни жалб этишга уриниб кўрилди.

Миллий тил халқ оммасини қанчалик ҳаракатта келтира оладиган зўр куч эканини қайта қуриш йиллари давомида ҳаммамиз кўрдик. Ҳз она тили камситилганини кўриб ва сезиб турган омман ҳеч қандай қарши куч тўхтатолмас экан. Миллат Ҳз тилини ҳудди Ҳз фарзандидек, Ҳз юртидек ва ватанидек иккиланмасдан, шубҳаланмасдан ҳимоя қилар экан.

Бу ҳол кўлчилик олимлар ва назариётчиларни, фирқа хо-димлари ва раҳбарларни гоаят мураккаб бир аҳволга солиб қўйди. Негаки бу воқеа ва ҳодисалар биз узоқ йиллар давомида ўрганган, қилган ва бошқаларга ўргатган қонун, қоида, қарор ва тўхтамларга тўғри келмас эди. Чунончи, илгари биз проле-тариат назарияси бўйича сабоқ берар эканмиз, жамиятда, ҳаётда ҳал қилувчи омил, бу — ижтимоий синфлардир, яъни синфий жипслашишгина ишчилар синфига ва унинг раҳбарлигидаги деҳқон ҳамда зиёлиларга озодлик, эркинлик, тенглик ва фаро-вонлик келтиради, деб уқтирардик. Бу оламшумул кураш му-ваффақиятли бўлсин учун, бутун дунё пролетарлари, эзилганлар, йўқсуллар бирлашишлари лозим; бунинг учун эса, барча миллат ва элатлар умум мақсадга бўйсунушлари мақсадга мувофиқдир, ҳар бир инсон ўзидаги миллий ҳис, тушунча ва шу қабиларни мумкин қадар четга суриши ва иложи борича инкор этиши тўғри бўлади, деб тушунириб келдик биз. Миллий масалани ёритиш-даги асл мақсадимиз шу эди. Лекин, бу масалани очик айтиш ўрнига, биз уни баландпарвоз мафкуравий гаплар билан ниқоблаб келдик.

Кейинги тўрт-беш йил ичидаги кескин ва фожиали воқеалар шу нарсани кўрсатдики, мамлакатимиздаги миллатлар ва элатлар қалбида жуда кўп норозилик, ғазаб ва нафрат йиғилиб қолган экан. Қаердан бунча нафрат, норозилик ва ғазаб пайдо бўлди, деган савол туғилади. Ахир, ўттизинчи йилларнинг ўрталаридаёқ бутун жаҳонга мамлакатимизда халқлар дўстлиги мафкураси тантана қилди, СССРда социалистик миллат ва элатларнинг ажралмас оиласи пайдо бўлди, деб жар солдик. Ундан кейинги ўтган ярим аср давомида мамлакатимизни бутун жаҳонга ўрнак ва намуна қилиб кўрсатмоқчи бўлдик. Лекин жамият тараққиёти-нинг қонунлари аста-секин ҳамма нарсани жой-жойига қўйди. Яъни зўравонликка суянган жамиятда миллатларнинг эркин ривожланиши, миллий тилларнинг озод тараққиёти охир оқибатда инкор этилмасдан иложи йўқ. Миллат ва элатларни зудлик билан дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро аста-секин яқинлашиб бориш сиёсатига бўйсундириш, уларни маълум бир-миллий маданиятни ва миллий тилни ўрнак қилиб олиб, ривожланишга мажбур

этиш, шу "қондалар"ни етарли тушуна олмаган ёки онгли равишда қабул қилмаган кишиларни жамият ва миллат қаторидан четлаштириш сиёсатини амалга ошириш,— буларнинг ҳаммаси мамлакатимиздаги барча миллат ва элатларни норози этмасдан иложи йўқ эди. Агар бу норозилик очикдан-очик намоён бўлиши учун ярим асрдан ошиқ давр керак бўлган бўлса, бунинг сабаби шундаки, расмий раҳбар ташкилотлар тарихда мисли кўрилмаган даражада кўп ва ниҳоятда изчил равишда бўлаётган зўравонлик, қонунсизликларни оқлаш учун, "илмий асослаш" учун марксизм-ленинизм, Маркс, Энгельс, Ленин, коммунизм, ўроқ ва болға дўстлиги деган сўзларни ишлатдилар, инсонийликдан чекинишларни келажак бахтимиз учун муқаррар керак нарсалар, деб тушунтирдилар. Шунинг натижасида эр куррасининг олтидан бир қисмини эгаллаб турган жаҳондаги энг улкан мамлакат халқи алданди, энг фожиали ва таҳдиқали йўлга "илмий асосда", "марксизм-ленинизмга суянган ҳолда" бошлаб борилди.

В. И. Ленин вафотидан сўнг, айниқса, кейинги "социализм тантана қилган ва ривожланган давр"даги миллий сиёсат миллат ва элатларнинг эзгу фикрлари, интилишлари, ўзларига хос томонларига шу даражада зид эдики, бу номутаносиблик миллатлараро муносабатлар соҳасида катта портловчи кучнинг йиғилиб қолишига сабаб бўлди. Бу куч қанчалик қувватга эга эканлигини биз Болтиқ бўйи жумҳуриятларида, Молдовада, Кавказорти жумҳуриятларида, Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистонда кўрдик. Масаланинг мураккаб жоёи шундан иборатки, шунча намоён, тўқнашув, қонли воқеалардан сўнг биз энг оғири ва энг мушқули орқада қолди, дея олмаймиз. Миллатлараро муносабатлар соҳасида зимдан кечажатган жараёнларни биз билмаймиз, билсак ҳам уларни сезиларли даражада ўзгартира олмаймиз. Ҳаттоки, махсус тайёрланган ҳарбий қисмлар ҳам бундай вазиятларда ўзларининг ожизликларини кўрсатмоқдалар.

Албатта, кўпмиллатли давлатимизда бўлаётган миллий асосдаги ғалаёнларнинг илдиэлари ҳали кўп йиллар давомида чуқур ва ҳар томонлама ўрганилади, уларнинг ҳақиқий сабаблари аниқланади. Лекин, бир нарсани аниқ ва шубҳасиз: биз миллатларни, уларнинг тарихини, ички ҳаётини, миллий онгини, миллий психологиячи ёмон, юзаки ўрганганмиз. Юзаки ўрганишнинг сабаби шундан иборатки, биз жамиятта, жамиятни ташкил қилувчи инсонларга уларни ҳақорат қиладиган даражада жўн қараганмиз. Яъни, гўёки ҳар бир киши фақат қорничи, нафсини ўйлайди, яшаш шароитлари уни қониқтирса, у миллатини ҳам, миллий тилини ҳам, миллий маданиятини ҳам унутиб, жаҳон

социализми ҳақида азият чекиб, улардан воз кечишга тайёр эмиш.

Ана шу жиддий хатоларни кўзда тутиб, миллат ва миллатлараро муносабатлар назариясини қайтадан, бутунлай бошқа асосда ишлаб чиқишимиз аниқдир. Миллатлар ва миллатлараро муносабатлар назарияси ва амалиёти шу даражада мушкул, қийин, кам ўрганилган ва мураккаб соҳа бўлиб чиқдики, ҳатто партиянинг XXVIII съезди бу масалага тил тегизишни ортиқча деб билди, чунки миллий муносабатлар воқелиги ҳар куни ва ҳар дамда бутунлайин кутилмаган жойда ва номаълум кунда тўсатдан янги бир миқёсдаги кескинликни ўртага ташлаши мумкин. Ҳозиргача биз бу нарсаларни тушунтиришда ва таҳлил қилишда етмиш йил давомида айтилавериб, сийқаси чиқиб кетган қонда, хулоса ва умумий гапларни қайта-қайта таъкидлаш билан чекланмоқдамиз.

Тил масаласида ҳам худди ана шундай аҳвол ҳукм суриб келди. Гап шундаки, мамлакатимизда миллий тиллар расмий-юридик жиҳатдангина тенг ҳуқуқли деб эълон қилинган эди, холос. Аслида эса миллий тиллар тенг ҳуқуқли эмас эди. Лекин биз қироатхонларга ўхшаб, кўзимизни чирт юмиб олиб, СССРда тиллар тенг ҳуқуқли деявердик. Яъни, биз билатуриб ёлгон гапирганмиз, тазйиқ кўрсатиб, одамларни шу ёлгонни рост деб қабул қилишга мажбур қилиб келганмиз.

Миллатлараро тенглик ва тенгҳуқуқлилик тўғрисидаги қонда амалда ҳар қадамда бузиларди. Бу эса хунук салбий оқибатларга олиб келиши табиий эди. Маълумки, украинлар рус халқи билан туғишган халқ. Лекин шундай бўлишига қарамай, украин халқи мавжуд миллий сиёсатимиздан жуда норози бўла бошлади. Нима учун? Чунки, Европа қитъасидаги йирик миллатлардан бири бўлмиш украинлар совет воқелигида бошқа миллатларга ва, биринчи навбатда, рус миллатига қўшилиб кетиш хавфига юзма-юз дуч келдилар. Тарас Шевченко ва Леся Украинка тили йил сайин кенг истеъмолдан чиқа бошлади. Асрлар давомида миллионларни мафтун қилиб келган хушоҳанг украин тили ўз жумҳуриятида бегона тилдек эшитиладиган бўлди. Бунга чидаб бўладими? Йўқ, албатта! Ўз она тилининг ҳар қаламда камситилиши украинларни миллий сиёсатимиздаги бузилишларга кескин равишда қарши чиқишга ундади.

Миллий сиёсат соҳасида йўл қўйилган қўпол хатолар молдавляларнинг ҳам сабр косасини тўлдириб юборган эди. Шу боисдан улар қайта қуриш асосида жиддий ўзгаришлар бошланиши биланоқ, миллий сиёсат соҳасидаги ўткир муаммоларнинг, биринчи навбатда кейинги элик йил давомида кучли тазйиқ остида бўлган молдаван тилининг тақдирига дахлдор муҳим

масалаларнинг тезроқ ижобий ҳал этилиши учун астойдил кураш олиб бордилар. Натижада молдаван тили жумҳуриятда давлат тили, деб эълон қилинди, шунингдек, биратўла рус алифбосидан илгари миллий алифбо сифатида қўлланилган лотин алифбосига қайтилди.

Эстония, Литва, Латвия, Молдова ва бошқа қатор жумҳуриятларда миллатларро муносабатлар ва, биринчи навбатда, миллий тиллар атрофида бўлган баҳс-мунозаралар, тушунмовчиликлар ва тўқнашувлар миллий сиёсатимиздаги яна бир жиддий камчиликни кўрсатди. У ҳам бўлса байналмилал тарбия соҳасида узоқ йиллар давомида йўл қўйиб келинган бир томонламаликдир. У шундан иборатки, байналмилал тарбия миллий тарбиядан узилган ҳолда олиб борилган, ҳатто байналмилал ва миллий тарбия бир-бирига қарши қўйилган, миллий тарбияга миллатчиликнинг бошланиши, деб қаралган.

Ҳолбуки, байналмилал тарбияни миллий тарбияга қарши қўйиш, миллий тарбияга жамиятда зарур ўрин ажратмаслик бизнинг таълимотимизга, унинг асосий фалсафий заминларига тубдан зиддир. Байналмилал тарбия миллий тарбиясиз бўлиши мумкин эмас. Миллий тарбия эса байналмилал тарбияни инкор этса, у ҳам миллат манфаатларига зиддир.

Лекин ҳозирги даврда миллий тарбия масаласи биринчи ўринда туриши керак. Чунки стмиш йил давомида фақат байналмилал тарбияга эътибор берилавериб, миллий тарбиянинг ҳаддан ташқари камситилишига йўл қўйилди. Байналмилал тарбия миллий тарбиядан узиб олиб борилгани учун у бир томонлама бўлди, миллат ва элатларнинг ҳаётидаги энг нозик томонларини инобатга ололмади, охир оқибатда уларнинг энсасини қотира бошлади. Кейинги йилларда байналмилал тарбияга бағишланган лекциялар, кечалар, учрашувлар ана шундан далолат беради. Миллий тарбия масаласи яна бир жиҳатдан олдинги ўринда бўлиши мақсадга мувофиқдир. Гап шундаки, янгиланаётган социализм биринчи ўринга инсон ва унинг манфаатларини қўяди. Инсон эса мавҳум бир нарса бўлмай, у аслида ўзбек, туркман, қорақалпоқ, украин ёки бошқа муайян миллатнинг вакилидир. Шундай экан, инсоннинг талаблари, эҳтиёжлари айни вақтда миллий тусга эга, унинг миллий томонларини акс эттирмай иложи йўқ.

Байналмилал тарбияга фақат миллий тарбия орқалигина бориш мумкин. Шу вақтгача амалга оширилган байналмилал тарбиянинг яна бир катта камчилиги шундан иборатки, у фақат норус халқларга қаратилган эди, шу сабабли миллатларнинг нотенглигини янада чуқурлаштириб юборди. Бунинг натижасида юқорида биз санаб ўтган жумҳуриятларда кўп кескинликлар

шаҳар аҳолисининг кўпчилигини ташкил қилувчи рус тилида сўзлашувчи аҳоли ерли миллат ва жумҳурият манфаатларини яхши тушунамслиги ёки тушунишни истамаслиги, байналмилалчиликни бир томонлама тушуниши натижасида пайдо бўлди.

Миллатлараро муносабатлардаги кескинликлар, тарихий фактлар шуни кўрсатиб турибдики, бу кескинликлар ҳамма вақт ва ҳамма жумҳуриятларда миллий тил масаласидан бошланар экан. Бунинг учун Таллинн, Кишинев, Боку, Душанбе, Тошкент ва бошқа шаҳарларни эсласак бас. Вақт ўтгани сари миллатлараро муносабатлар соҳасида ўртага қўйилган масалалар кун сайин кенгайиб ва кўпайиб бормоқда. Лекин, тил масаласи кун тартибидан четга чиқиб қолмаяпти, балки ҳамма вақт халқнинг диққат маркази доирасида турибди.

Бу нарсани тушуномак учун биз тилнинг моҳиятини чуқурроқ очишга ва кенгроқ англашга ҳаракат қилиб кўришимиз тўғри бўлади.

Ҳар бир миллатнинг миллий онги давр, муҳит, ҳукмрон тузум таъсирида шаклланади, яъни миллатнинг ўз ҳаётий тажрибаси асосида атроф олами, жамиятни, тарихни, кишининг ички кечинмаларини талқин этиш йўллари ва ўзига хос услублари ташкил топади. Миллий онг ўз навбатида ўзининг махсус кўриниши — миллий ўз-ўзини англашга йўл очади. Миллий ўз-ўзини англаш миллатнинг етуклигини кўрсатувчи энг муҳим омиллардан биридир. Миллат учун моддий борлиқни, жамият ҳаётини тушунтириб бера олиш етарли эмас. Шу нарсалар билан бир қаторда миллий ўз-ўзини англаш, яъни ўз-ўзини ҳурматлаш, ўзининг қадрига ета билиш, ўз моҳиятини тушуна олиш ва бошқа миллатларга тушунтира билиш керак.

Миллатларнинг тиллари кўп асрлик тарихни, халқ ҳаётини, унинг яратувчилик даҳосини, буларни ифода этиш учун фойдаланилган сўзларни ўзида сақлаб қолган. Тил миллатнинг бутун ички ва ташқи, моддий ва маънавий ҳаётини ўзида акс эттиради. Тилнинг сўз бойлигини ўрганиб, шу тилда сўзлашувчи халқнинг бугунги ҳаёти, турмуш тарзи, ишлаб чиқариш кучларининг тараққиёт даражаси, унинг ўтмишини жуда аниқ билиш мумкин.

Миллат тили элат тилинин: давомидир. Айни вақтда у элат тилидан тубдан фарқ қилади, чунки умуммиллий миқёсда кучга эга бўлган қоидаларга бўйсунди, миллатнинг замон даражасида иш кўришига хизмат қилади. Шу билан бир вақтда, миллат тилини элат тилига қарши қўйиш ҳам нотўғридир. Элат тили турли-туман шеваларда намоён бўлади, шевалар эса умуммиллий адабий тил учун чексиз сўз ва иборалар хазиналаридан биридир.

Миллий тил миллатнинг энг катта бойлиги ва ифтихоридир. У миллатнинг энг эзгу фикр ва ниятларини, унинг дилини намоён этиш воситасидир. Миллий тилнинг моддий бойликдан туб фарқи шундан иборатки, уни моддий бойлик билан қиёслаб бўлмайди. Чунки миллий тил миллатнинг ҳар бир вакилининг онгидан ўрин олган нарсадир. Демак, тил — маънавий бойликни ташкил этади. Аммо, маънавий бойлик бўлатуриб, айна вақтда у маънавий бойликлардан баланд, чунки маънавий бойликларнинг ўзи тил ёрдамида намоён бўлади, яъни тил миллатнинг барча маънавий бойликлари учун ягона воситадир. Шу омилларни кўзда тутиб, биз айтаемизки, тил инсонни, унинг моддий маҳорати ва бойлигини, маънавий дунёсини юзага келтиради. Тил ёрдамида биз китоб, газета, журнал, турли қўлёзмаларни ўқиб, бошқа билим ва маъумотлардан фойдаланиб, жуда кўп нарсаларни ўрганиб оламиз.

Миллий тилнинг ҳаётдаги ўрнини баҳолаш ва аниқлаш жуда оғир масалалардан биридир. Миллатнинг ўзига бўлган муносабати ва ўзга миллатларнинг шу миллатга ҳурмати миллий тилнинг жамиятдаги ўрни билан белгиланади. Миллат ўз тилига қанчалик бефарқлик билан қараса, унинг кўп миллатли жамиятдаги обрўси, ўрни ҳам шунчалик дағажда паст бўлади. Тил учун кураш — миллат учун, унинг жамиятдаги ўрни, обрўси ва келажаги учун курашдир. Миллий тилнинг мавқеи баланд бўлса, миллат ўзини бақувват сезади. Миллий тил белга куч беради. Халқ ибораси билан айтганда, миллий тил халқнинг ишонган боғи ва суянган тоғидир. Миллий тилни "она тили", дейишимиз бежиз эмас: у бизни онадек ўстириб, катта йўлга олиб чиқади. Аммо бу фикр ҳақиқатнинг бир томонини акс эттиради. Ҳақиқатнинг иккинчи томони шундан иборатки, ҳар биримиз миллий тилнинг фарзандигина бўлиб қолмай, айна вақтда унинг яратувчиси, бойитувчисимиз.

Қайта қуриш ҳар биримизнинг миллий тил ҳаётида фаол қатнашишимиз учун кенг имкониятлар очиб берди. Ўзбек тилининг тарихида янги саҳифа очилди. Ўзбек миллий тилини бойитиш; ривожлантириш, сайқал топтириш ишига ўзбек миллатининг ҳамма табақа, тонфа, қатлам ва гуруҳларини тортиш зарур. Ҳар бир қишлоқ ўқитувчиси, ҳар бир талаба, шогирд ва ўқувчи, ўзбек тилининг ҳар бир жонкуяри ўзбек тилини бойитиш ишига ўз улушини қўшиши шарт; бу нарса ҳам фарз, ҳам қарзидир. Бунинг учун эса жумҳуриятимиздаги барча рўзнома ва жаридалар ўз саҳифаларида янги сўзлар, янги иборалар бурчаги ("сандиғи")ни очишлари мақсадга мувофиқдир,

шу йўсинда миллий тил тараққиётига ҳамдард ва ҳамнафас бўлишлари керак.

Миллий тил — миллатнинг бойлиги, айна вақтда шу миллатнинг фарзандларини яратиб, вояга етказувчи қудратли куч ва, учинчидан эса миллатнинг даҳоси билан бойитиладиган асосий мулоқот воситасидир. Уч кўринишда ҳам миллий тил миллатнинг ҳар бир вакили, ҳар бир фарзанди учун бебаҳо нарсадир. Аждодларнинг асрлар давомидаги узлуксиз меҳнати туфайли ўзбек миллий тили деган янги бир олам пайдо бўлди. Миллий тилимизни ҳурмат қилар эканмиз, биз аждодларимизнинг меҳнатини, ақлу заковатини ҳурмат этган бўламиз. Миллий тилимизни ҳурмат қилар эканмиз, айна вақтда ўз фарзандларимизнинг келажаги тўғрисида қайғураётганимизни билдирамиз, чунки тил йўқ бўлиб кетса, авлодларимиз ҳам тўзиб кетади, деган сўздир. Ва, табиийки, миллий тилимизга ҳурмат билдирарканмиз, биз биринчи навбатда ўзимизнинг ким эканлигимизни, билимимиз, ақл-идрокимиз, таълимотимизга содиқлигимиз қай даражада эканлигини намойиш этган бўламиз.

Миллий тил учун курашда ҳал қилувчи давр келди, десак бўлади. Сталиннинг миллат ва миллий тилларнинг қўшилиб кетиши ҳақидаги "назария"сининг асоссиз ва илмий заминсиз эканлиги умум қабул қилган ҳақиқатга айланмоқда. Миллатлараро мулоқот воситасининг миллий тилларга муносабати масаласи ҳам аста-секин изчил илмий қарашларга биноан тўғри йўлга чиқмоқда.

Ўзбекистон ССР Олий Совети қабул қилган "Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисида"ги Қонунга суянган ҳолда, "ярим асрдан ортиқ давр ичида камситилган тилимизни замон талаб қилган даражага кўтариш ўн йиллиги" эълон қилишимиз ва бу ишда ҳаммамиз фаол қатнашишимиз зарур. Шу йўсинда ҳар биримизни миллий тилга боғлайдиган ришталар ўсади.

Бу ришталар миллий тилнинг жозиба кучини юзага келтирувчи биринчи манбалардир.

Миллий тилнинг жозиба кучини яратувчи иккинчи манба — миллий тилнинг тарбиявий таъсиридир. Дунёга келган гўдак ҳали ўзининг ким эканлигини англамайди. У "ўзбекман" дейиш учун биринчи навбатда ўзбек тилини билиши керак. Миллий сўбат соҳасидаги ўзбошимчаликлар ва хато тушунчаларни тарқатиш йилларида, ҳар бир одамнинг қайси миллатга мансублиги билан миллий тили орасидаги узвий боғлиқлик кўпинча шарт эмас деган ғоя ҳам тарғиб этилди. Албатта, ҳаётнинг ҳар бир соҳасида ҳам истиснолар мавжуд. Бу қоида тилга ҳам тегишли. Яъни



маълум бир миллатга мансуб бўлган ҳолда шу миллатнинг тилини билмаслик ҳоллари учраб қолиши ҳам мумкин. Аммо, шу нарса аниқки, бундай аҳвол истисно сифатидагина учраши мумкин. Қоида эса шундан иборатки, ҳар бир инсон ўз миллий тилини билиши мақсадга мувофиқ. Ўз миллий тилини билиш — бу, биринчи навбатда, ўз миллатига нисбатан ҳурматнинг намойишидир. Иккинчидан, бу — авлод-аждодларга, қавму қариндош ва ёр-биродарларга ҳурматни билдириш. Учинчидан эса, ўз миллий тилини билиш — бу дунёни, инсонни, муайян кишиларни, борлиқни, унинг ранг-баранг ва чексиз гўзаллигини билишнинг янги самарали воситасига эга бўлишдир.

Бошқа тилни она тили дёб билувчиларнинг кўпчилиги учун ўзбек тили қандайдир ночор, камбағал, имкониятлари чекланган тил бўлиб кўринади. Бундай тушунча ҳаётимиздаги энг кўпол хато ва янглишишлардан биридир. Афсуски, ҳозирча миллий тилимизнинг жуда оз қисмини ўзлаштирганмиз. Оғзаки ва ёзма нутқимизнинг бойиб боришига эришиш — энг муҳим вазифалардан биридир. Иккинчи тилни мукамал билиш — яхши. Масалан, рус шеъриятининг султони бўлмиш А. Пушкин ўз севгилиси Наталья Гончаровага биринчи юрак сўзларини француз тилида йўллаганлиги ҳаммамизга маълум. Рус адабиётининг яна бир йирик намояндаси И. С. Тургеневнинг француз аёли Вивалдига ёзган хатларини ўқисангиз, қалбингиз шавқу-завқ билан тўлади. Ҳолбуки, бу хатлар француз тилида битилган.

Ҳар бир инсон ҳаётдаги биринчи қадамлариданоқ оламни, ўз юртини, одамлар орасидаги муносабатларни ва ҳоказоларни тил орқали ва тил ёрдами билан қабул қилиб олади, ўз онига сингдиради. Шу тарзда у ўз-ўзини ҳам англайди, ўзининг жамиятдаги ўрнини аниқлайди, умумий ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий ҳаётдаги ўз иштирокини белгилайди.

Инсон қанчалик кўп сўз билса, у шунчалик ҳаётнинг қирраларини, кўринишларини, жилваланишларини, пасту баландликларини яхшироқ, тўлароқ, мукамалроқ билади, деган хулоса келиб чиқади. Тил инсоннинг моҳиятини билдирувчи, унинг дилидаги фикрларни намойиш этувчи кўрсаткичлардан биридир. Киши билан биринчи марта танишганингизда унинг аслида ким эканлигини сўздан, гапидан, жумла тузишидан билиб оласиз.

Ҳар бир инсон ўсиб, улғайиб боргани сари ўз сўз бойлигини ошириб боради. Ҳар бир сўз, асл моҳияти билан олганда, янги тушунча, бизга оламнинг янги қиррасини очиб берувчи поғонадир ёки кичкинагина янги зиначадир. Сўздан-сўзга, тушунчадан-тушунчага кўтарилиб, биз аста-секин юксакликка яқинлашамиз.

Шу йўсинда атрофимиздаги оламни янада кенгроқ кўра бошлаймиз, дунёқарашимиз мукамаллашиб боради. Ҳозирги олам шундай тузилганки, ана шу билиш жараёни умуман мавҳум бир тарзда эмас, балки муайян ва аниқ бир миллий тилда амалга ошади. Илмий кузатишлар ва қиёсий далиллар шуни кўрсатадики, оламни билиш жараёни ҳамма халқларда, умуман олганда, бир хил. Шу билан бир вақтда, билиш жараёни ҳар бир халқда ўз миллий тили асосида, шу муайян миллий тилнинг бевосита таъсирида амалга ошади. Демак, миямиздаги ҳар бир из, ҳар бир бўрттик миллий тилдаги тушунчалар, ўзига хос бирикмалар, сўз бирликлари, жумла тузилиши муаммоларини ўзида акс эттиради. Шундай экан, ҳаётимиз миллий тил, миллий муҳит, асрдан асрга ўтадиган миллий кадриятлар таъсирида бизнинг тафаккуримизни шакллантиради.

Бу мулоҳазаларни ўқиган баъзи кишилар, умумий қабул қилинган нуқтаи назарлардан чекиниш бор-ку, дейишлари табиийдир. Гап шундаки, совет фанида ҳозиргача қабул қилинган тўхтамларга биноан, имкони борича умумий томонларни бўрттириб кўрсатиш, миллий томонларни эса мумкин қадар орқага суриш, эътиборсизроқ қолдириш лозим кўриларди. Айниқса тафаккур, яъни фикр юритиш масалаларида миллий ўзига хосликлар таъсири бўлиши мумкин, дейиш жуда ҳам қораланарди. Ҳаёт ва амалиёт бундай қарашлар бир томонлама ва нотўғри эканлигини кўрсатди. Бизни ўраб турган дунёда миллатлараро умумийлик ва миллий ўзига хослик бирга мавжуддир, уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас.


Хулоса шуки, миллий тил шу миллатга мансуб ҳар бир инсонни ҳаётдаги биринчи қадамлариданоқ то ҳаётининг сўнгги дақиқаларигача тарбиялайди, унинг ички ва ташқи оламини, бу оламни тушунишнинг такомиллаштиради. Бинобарин ўзбек тили ҳам ўзбек миллатига мансуб ҳар бир кишининг дунёқараши шаклланишида, ҳаётга муносабати, атрофдагилар билан мулоқоти, ўтмишни билиши ва келажакни фараз қилишида унга беқиёс даражада кўп қиррали таъсир кўрсатади.

Тил дилга йўл очади. Битта миллий тилда сўзлашувчилар бир-бирларини тез тушунадилар, бир-бирларига ишончлари тезроқ пайдо бўлади. Бундай вазиятларда икки томон учун тушунарли миллий тил бамисоли рухсатнома бўлиб хизмат қилади. Кундалик мулоқот ва муносабатлар воситаси бўлмиш миллий тилда ҳар қадамда сўзлашиб, фикрлашиб, ўзимиз учун хулосалар ясаб, биз аста-секин руҳан ўсамиз, маънавий бойиймиз, мустақил ақлий ҳаёт учун заминни мустаҳкамлаб борамиз. Ана шу йўсинларнинг ҳаммаси биргаликда миллий тилнинг жозиба кучини ташкил қилувчи учинчи манбадир.

Миллий тилимиз бизни яна шунинг учун ўзига ром қиладик, унинг равнақ топишида, такомиллашувида ҳар биримиз қатнашамиз, бу савобли ишга ўз ҳиссамизни қўшамиз. Модомики, тил — ҳар бир инсон учун мулоқот ва муомала воситаси экан, турмуш ва меҳнат жараёнида ҳар биримиз уни амалий талабларимизга мослаштиришга ҳаракат қиламиз, янги сўз, янги ибора, янги сўз бирикмаларини топишга интиламиз.

Халқнинг тилни бойитишдаги иштироки айниқса шеваларни ўрганишда жуда яққол маълум бўлади. Бир мисол келтирайлик. 1962 йилда чоп этилган "Ўзбек тилининг қисқача имло лугати" (филология фанлари кандидатлари Фахри Камолов ва Зокир Маъруфов таҳрири остида)нинг 81-бетида "илигузилди" деган сўзни учратдик. Бу анча диққатга сазовор мисол, десак бўлади. 1976 йилда профессор Собиржон Иброҳимовнинг илмий раҳбарлигида ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Шоназар Шоабдурахмонов таҳрири остида чиққан "Ўзбек тилининг имло лугати"нинг 187-бетида худди шу сўз қайтарилган, лекин "этнографик сўз" деган изоҳ берилган. Демак, этнографик, яъни маҳаллий сўз. Лекин, ўйлаб кўрсак, бу сўзнинг замирида кўп маъно ётибди. Илигузилди — Ўзбекистон шароитида йилнинг маълум бир даврига хос воқеа. Бу нарсани инобатга олмасак, ишимизда ва кишилар билан муносабатларимизда ўзимизни қийин аҳволга солиб қўйишимиз мумкин. Гап шундаки, илигузилди — киши организмнинг маълум бир фаслдаги ҳолатидир. Бу нарсани биринчи навбатда тиббиёт ходимлари, сўнгра эса меҳнат жамоалари раҳбарлари, ота-оналар билиб қўйишлари керак. Шу томонларини инобатга олсак, "илигузилди" сўзи умуммиллий лугатларга киритилса ёмон бўлмасди. Афсуски, бундай эмас. 1959 йилда босилиб чиққан "Ўзбекча-русча лугат"да ҳам, 1988 йилда чоп этилган "Ўзбекча-русча лугат"да ҳам бу сўз йўқ.

Миллий тилимизни ривожлантиришда ҳар биримиз қатнашамиз. Лекин бу иштирокимизни кўпинча ўзимиз ҳам сезмаймиз. Худди инсон ўз фарзандига қилаётган меҳрибонлигини сезмагандек, биз ҳам тилимизга нисбатан хизматимизни кўпинча сезмаймиз, эътибор бермасликка ҳаракат қиламиз, ҳаётнинг энг оддий ва табиий кўриниши деб қабул қиламиз. Кундалик ҳаётда янги вазият, янги вазифа, умуман янгилик ва бошқалар муносабати билан янги сўзга талаб пайдо бўлади. Шу сўзни вазият таҳозосига кўра тезда топиб, ишлатиб юборамиз. Уни бировлар илиб оладилар, маъқул кўрадилар ва ёзма ва оғзаки мулоқотда ишлата бошлайдилар. Қарабсизки, сиз биринчи бўлиб топган ва фойдалана бошлаган сўз кенг тарқалиб, умуммиллий сўз даражасига кўтарилиб қолибди. Мана бир мисол. 1976 йилда



чиққан "Ўзбек тилининг имло лугати"да ва 1988 йилда чоп этилган "Ўзбекча-русча лугат"да "раҳбарият" сўзи йўқ. Бу сўз кейинги 2-3 йил ичида матбуотимизда пайдо бўлди ва тез орада умуммиллий сўзга айланди. Эҳтимол, бу сўзни биринчи бўлиб журналистларимиздан бири ишлатгандир. Лекин, ким, қачон, нима муносабат билан, дегаз саволлар туғилади. Яна қанча-қанча сўзлар тўғрисида шундай саволларни қўйиш мумкин, чунки тил ижоди тўхтовсиз давом этган, давом этмоқда ва давом этажак.

Юқорида айтиб ўтилган мисоллардан кўришиб турибдики, миллий тил, шу жумладан ўзбек миллий тили, ҳаммамизнинг меҳнатимиз, қайси бир жойда эса жонқуярлигимиз туфайли тараққий этиб, тобора такомиллашиб борган ва бормоқда. Ҳаётда босиб ўтган йўлимизни қадамба-қадам эсласак, она тилимизни ривожлантириш учун қачондир, қасрдадир кичкина бўлса ҳам, унчалик сезиларли бўлмаса ҳам, хизмат кўрсатганимизни кўз олдимишга келтиришимиз мумкин.

Шундай экан, миллий тил бизнинг устозимиз ва мураббийимизгина эмас, балки айни вақтда у умумий меҳнатимиз натижаси, маҳсули ҳамдир. У ҳар биримизнинг яратувчилик ва ижодий, маънавий меҳнатимиз туфайли камол топиб бораётган халқ даҳосидир. Шундай экан, миллий тилимизнинг жозиба кучини тушуниш қийин эмас.

Миллий тиллар тўғрисида айтилаётган ушбу фикр-мулоҳазалар бу жиддий ва диққатга сазовор масаланинг фақат баъзи томонларинигина акс этдиради, холос. Қолбуки, ҳар бир миллий тил, шу жумладан, ўзбек тили тўғрисида ўнлаб ва юзлаб тадқиқотлар, рисоалар, асарлар ёзиб, шу тилда сўзлашувчиларга бу тилнинг тарихи, бойлиги, ибораларининг кўплиги, ички имкониятларининг чексизлиги ҳақида сўзлаб беришимиз керак. Афсуски, ўзбек миллий тили тўғрисида ёзилган илмий-оммабоп ва публицистик асарлар жуда кам десак янглишмаймиз. Ачинарлиси шуки, тақтид учун, ўрганиш учун, ижодий ўзлаштириш учун ибрат бўларли асарлар деярли яратилмади. Масалан, умумфалсафий нуқтаи назардан миллий тилнинг жозиба кучи ва унинг манбалари тўғрисида нима дейиш лозим ва қандай тарзда шу фикрларни изҳор қилмоқ тўғри бўлади,— бу саволларга жавоб топиш амри маҳолдир. Бу фикрлар шунинг учун диққатга сазоворки, сталинизм ва турғунлик йилларида ташвиқот ва тарғибот машинаси битта энг кўп сонли миллатдан ташқари ҳамма миллат ва элатларда ўз тилига, ўз миллатига нисбатан бефарқлик ҳиссиётини тарбиялашга ҳаракат қилди. Мафкуравий ишнинг бундай йўналишга эга бўлиши у шароитларда табиий эди.

Ҳар бир миллий тил сингари, ўзбек тили мадҳияларга арзийди. Миллатимизни ривожлантириш ва юксалтириш учун унинг тилига бўлган ҳурмат, муҳаббат ва жонкуярлик ҳиссини тарбиялашимиз керак бўлади. Қийинчиликлар қанчалик бўлмасин, ўзбек миллий тили, унинг бой ўтмиши ва порлоқ келажаги ҳақида мумкин қадар очиқ ва кенг сўзлашимиз, миллатимизнинг ўз она тилига бўлган муҳаббатини мустаҳкамлашимиз зарур. Ўзбек тили тўғрисида тор академик тарзда эмас, балки ҳақиқий инқилобий руҳда фикр юритишга ўрганмоғимиз ва халқни ҳам шунга ўргатмоғимиз лозим. Бу масалалар ва муаммолар ҳақида ишончли равишда, иккиланишларсиз сўзлашиш даври келди. Чунки, қайта қуриш бошлаган иш йил сайин ва ой сайин кенгайиб, чуқурлашиб бормоқда. Аста-секин шу нарса аниқ бўлдики, энди қайта қуриш бошлаган ишни тўхтатиб бўлмайди. Демак, миллий тилларга бўлган муносабат йил сайин ижобий равишда ўзгариб боради. Ҳозирги пайтда энг дадил фикр ва таклифларни ўртага ташлаш ва ҳал этишга эришиш учун қулай шароит юзага келди. Даврнинг моҳиятини тўғри ва ҳар томонлама тушунадиганлар шундай хулоса ясадилар.

Аммо, маъмурий-буйруқбозлик социализми даврида онгимизга ва турмуш тарзимизга, фасолият йўсинимизга сингдириб келинган ҳадиксираш, юқорига қараб иш тутиш, мустақилликни қулларча тушуниш, биринчи навбатда ўз лавозими ва иссиқ ўрни ҳақида азият чекиш — буларнинг ҳаммаси бизнинг оёқ-қўлимиздаги кишандир. Кишандаги киши эса ҳам жисмонан, ҳам ақлан чекланган бўлади. Ундан дадил ва мустақил фикр чиқиши қийин. Масаланинг шундай эканлигини биз 1989 йил кўкламида матбуотда биринчи марта босилиб чиққан Тил тўғрисидаги қонун лойиҳасининг мазмунида яққол кўрдик. Бу лойиҳа турғунлик даврининг энг изчил анъаналарига суянган ҳолда тузилган эди. Худди шу сабабли халқ оммаси бу матнни ўқиб газабга келди. Кенг омма қай даражада ҳаракатга келганини шундан ҳам билса бўладикки, ярим йил давомида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетига, Тил тўғрисидаги қонуннинг лойиҳасини тайёрлаш Комиссиясига, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига, жумҳурият газета ва журналлари муҳарриратларига, бошқа раҳбар идораларга жами миллионга яқин турли таклифлар, қўшимчалар, мулоҳазалар келиб тушди. Жумҳурият тарихида ҳеч бир қарор лойиҳаси бундай қизиқиш туғдирмаган эди. Бу нарса биз юқорида зикр этиб ўтган фикрлар қанчалик тўғри ва ўринли эканини тасдиқлайди. Бу мисолда биз миллий тил ҳақиқатан ҳам жозоба кучига эга эканлигини яққол кўрдик. Умрида бирор-бир идорага хат билан мурожаат қилмаган юз

минглаб зиёлилар, ишчилар, хизматчилар, колхозчилар, талабалар, уй бекалари, пенсионерлар ва ногиронлар ўзбек тили ўтмишдагидек камситилиш шароитида қолишини сезганларидан сўнг, бир жону бир тан бўлиб, ўз миллий тилларини ҳимоя қилиш ва бунинг учун эса унга давлат тили мақоми берилиши кераклигини ёқлаб чиқдилар. Демак, уларнинг ҳар бирининг қалбида ўз она тилига нисбатан меҳр-муҳаббат, ҳурмат бор экан. Бас, шундай экан, она тилимиз ҳеч қачон ўлмайди, ўз сеҳри-жозибаси билан халқимизни мафтун этиб, абадий яшайверади.

#### МИЛЛИЙ ТИЛЛАРНИНГ ҚУШИЛИБ КЕТИШ НАЗАРИЯСИНИ ТАНҚИД

Тилсиз жамият бўлмайди. Тил ўз-ўзидан эмас, балки фақат жамият таъсирида ривож топади, ўзгаради ва ўз навбатида жамият тараққиётига таъсир кўрсатади. Бу таъсир қанчалик ижобий ёки салбий бўлиши тилнинг ривожланганлиги, яъни такомил даражасига боғлиқ. Шунинг учун жамият ҳамма вақт ўз фикрлашиш воситасини янада ривожлантиришга ҳаракат қилади. Қолоқ, қашшоқ ва ожиз тил жамият тараққиётини секинлаштиради. Тил — жамият ихтиёридаги восита ва қуролдир. Бу қурол ўткир бўлиши, бу восита кенг имкониятли бўлиши керак.

Тил моҳият жиҳатидан фақат фикр алмашиш, мулоқот ва муносабат воситаси бўлиши мумкин. Лекин шакл жиҳатидан эса тил турли-туман бўлиши мумкин. Масалан, баъзида бир тил бир неча миллатга хизмат қилиши мумкин (Айтайлик, инглиз тили инглизларнинг, америкаликларнинг, австралияликларнинг, янги зеландияликларнинг, англо-канадаликларнинг она тилисидир). Баъзида эса мустақил миллий тиллар бир-бирларига ниҳоятда яқин бўладилар ва бу тилларда сўзлашувчилар бир-бирларини тушуна оладилар (рус, украин ва белорус тиллари; ўзбек, қozoқ, қирғиз, татар, бошқирд, озарбайжон, туркман тиллари ва қатор шунга ўхшаш тил гуруҳлари). Айни вақтда шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, бир миллат икки адабий тилда сўзланади (мордвалар, удмуртлар, марилар, осетинлар ва бошқалар). Баъзи миллатларда шевалар орасида фарқ шунчалик каттаки, шу шеваларда сўзлашувчилар бир-бирларини тушунмайдилар (хитой тили, немис тили ва бошқалар) ва ўзаро мулоқотда умуммиллий адабий тилдан фойдаланадилар.

Миллий тилларга ташқаридан эътибор бериб қараганимизда, ана шундай ўзига хос ажиб хислатларни учратамиз. Лекин бу хислатлар жузъий характерга эга бўлиб, умуммиллий тил қандай ранг-баранг намоён бўлишини кўрсатади.

Миллий тилларнинг таркибан ўзларига хос томонлари янада

хайрон қоларлидир. Масалан, рус тилининг ички бойлиги кўп жиҳатдан уч род,— мужской, женский ва средний родлар туфайли пайдо бўлади, чунки уч род рус тилини, рус тилидаги ҳар бир сўзни жилваланиб туришга мажбур қилади. Ўзбек, арман ва бошқа тилларда эса умуман род тушунчаси йўқ. Лекин, шу асосда родлари бор тиллар мукамаллик жиҳатидан имтиёзли экан-да, деган хулоса чиқариш нотўғри бўлади. Ҳар бир тилнинг ўзига хос имтиёзли томонлари мавжуд. Буларни санаб ўтиш анча мураккаб ишдир. Яна бир мисолни олайлик: эстон тилида ўн тўртта келишик бор, ўзбек тилида эса ҳаммаси бўлиб олти келишик мавжуд, холос. Иккала тил ҳам ўзича мукамал миллий тилдир. Бундай мисолларни ўнлаб ва юзлаб келтириш мумкин. Демак, у ёки бу тилнинг бойлиги, мукамаллиги шу тилдаги келишиклар сони, родларнинг бор-йўқлиги, урғуларнинг қўйилиши тартиби ва шу кабилар билан белгиланмайди.

Жаҳонда, кейинги маълумотларга кўра, беш ярим мингдан ортиқ турли тиллар бор<sup>1</sup>. Ҳар бир тил — ўзига хос янги бир дунё. Ҳар бир тил лугат бойлигидан ташқари грамматик, фонетик ва бошқа қоидалардан ва шу қоидалардан чекинишлардан иборатдир. Бу қоидалар ва улардан чекинишлар ўзаро манتيқан боғлиқ бўлган муайян тил тузилмасини ташкил қилади. Жаҳонда нечта тил бўлса, шунча ўзига хос тузилма мавжуддир. Ҳеч вақт бир тил иккинчи тилни қайтармайди. Тиллар ўзаро яқин бўлиши мумкин, лекин ҳеч вақт иккита тил айнан бўлиши мумкин эмас. Бу мисолда фикрлар плюралиزمи, яъни серфикрлик тил тарихида ҳам намоён бўлганини кўраемиз. Тарихан аста-секин ташкил топа туриб, тил системаси ҳар бир халқда турлича ҳал этилган. Ҳар бир халқ ўз тилининг қоидаларини ижодий руҳда ярата олган.

Тилларнинг ички ўзига хослиги ниҳоят даражада яққол ифода этилганки, шу сабабли уларни бир-бирига қўшиб, ўрганча тил яратиш бўлмайди. Албатта, яқин тилларни бир-бирига қўшиш мумкин. Аммо бундай қўшиш ҳам асосан иккала қўшилаётган тилнинг ташқи томонинигина қамраб олади, уларнинг сўз қатламига, атамаларига, мавжуд сўзларни бир-бирига янгичасига улаб, янги сўз бирикмалари яратишга, баъзи бир суффикс ва префиксларни қисман, маълум бир соҳа учун қабул қилиб олиш билан чекланади, холос. Тил тарихини ўрганар эканмиз, ўтмишда муайян шароитларда тиллар бир-бирига қўшилганини учратаемиз. Лекин, шуниси диққатга сазоворки, бундай қўшилишлар ҳеч бир вақт ихтиёрий равишда бўлган эмас. Фақат зўравонлик, зулм орқалигига бир неча тиллар қўшилиб кетган.

---

1 "Комсомольская правда" газетаси, 1987 йил, 27 июнь.

Янги пайдо бўлган тил халқларнинг, тилларнинг ҳалокати, тарихий фожиаси натижасида юзага келган.

Ҳеч бир халқ ҳеч вақт ўз она тилидан воз кечган эмас. У ўз ҳаёт тарзидан, ўз тарихидан, ўзи яратган қадриятлардан воз кечмайди. Миллий тил ана шу қадриятлар орасида энг баҳосидир.

Мана шу оддий ва табиий хулосаларни барча улуг мутафаккирлар тушунганлар. Биз улардан ибрат олишимиз ва тилга ниҳоятда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишимиз тўғри бўлади. Тиллар назарияси соҳасида биз кўп қийинчиликларга дуч келишимиз табиийдир. Чунки биз билган ва биз суянган энг изчил илмий таълимот — марксизм-ленинизм асосан сиёсий тузумлар, ижтимоий алоқалар ва маънавий муносабатларнинг эскиларини ўтмишнинг қолдиқлари сифатида барбод қилиб, янгиларини юзага келтиришни ўзига мақсад қилиб қўяди. Тил эса ё сиёсий тузум, ё ижтимоий алоқалар ва ёки маънавий муносабатларга кирмайди. Тил бу тушунчалар ва ҳаётий воқеалардан кенг ва устун. Шу сабабли бизнинг таълимотимизнинг асосчилари тил масаласида жуда оз тўхталганлар. Марксизм-ленинизмнинг бу "камчилиги"ни машҳур тилшунос академик Н. Я. Марр "тузатмоқчи" бўлди. У 1864 йилда Грузияда туғилиб, Октябрь инқилобидан аввалги давридаёқ, XIX асрнинг охиридан бошлаб Кавказ — Иберия тилларини ўрганиш соҳасида улкан ишларни амалга оширди, тилшуносликка тегишли жиддий фикрларни олға сурди ва лингвист олимларнинг диққатини ўзига тортди. Октябрь инқилоби бошланганда Н. Я. Марр мамлакатда ва унинг ташқарисида танилган олим эди.

Тилшунослик социологияси тарихида Н. Я. Марр даражасида бу фанни сохталаштирган, сунъий ва мавҳум назарияларга бўйсинтирган инсон бўлган эмас. Бу сунъий ва мавҳум назария ҳамда тушунчалар мамлакат тилшунослик фанига ниҳоятда жиддий зарар келтирди. Фақат ўша даврни, мамлакатдаги ҳолатни чуқур ўрганибгина, нима учун Н. Я. Марр таълимоти ҳаётда ўзига жой ишғол қила олганлигини ва бу билан чекланиб қолмай, бутун тилшунослик фанида узоқ йиллар давомида яккаҳокимликка эришиб, ҳукмронлик қилганини тушуна оламиз.

Октябрь Россия тупроғига "зулмат дунёсин буткул тагидан ағдариб, сўнгра янги дунёмизни қурамир" деб келди. Шу мақсадда минглаб ишлаб чиқариш ташкилотчилари, капиталистлар, помешчиклар, муштумзўрлар, давлат хизматчилари қамоққа олиндилар, сургун қилиндилар, отиб ташландилар, бадарға бўлдилар. Инқилоб ўз олдига революцион ғояларни жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларигача етказиб боришни вазифа қилиб қўйди. Шу сабабли ижтимоий фанларда, яъни сиёсий иқтисодда,



тарих фанида, адабиётшуносликда, ҳуқуқшуносликда, фалсафада ўтмишдаги қоидалар, хулосалар, назария ва қарашлар тубдан қайта кўриб чиқиладиган бўлади.

Аммо, бу туб ўзгаришлар тилшунослик фанини четлаб ўта бошлади. Тилшунослик фани Октябрь инқилоби ўртага ташлаган оламшумул-тарихий шиорларни сезмагандай бўлиб, эски қоидаларга рўй қилиб қолаверди. Лингвистлар ўша-ўша келишиклар, содда ва мураккаб жумла, тил тарихи ва шевалар билан овора эдилар. Тилшунослик фанида ном чиқарган олимлар Октябрь инқилобини умуман хайрихоҳлик билан кутиб олдилар, чунки янги ҳукумат саводсизликни йўқ қилишни, фанни кўтаришни, маданиятни ривожлантиришни ўзига мақсад қилиб қўйган эди. Аммо янги дунёқарашни тилшуносликка қай йўсинда татбиқ этиш керак,—буни ҳеч ким билмас эди. Тилшунослик фани янги дунёқарашни, марксизмни-ленинизмни лингвистикага сингдирадиган даҳога ёки даргага муҳтож эди. Акс ҳолда бу фаннинг инқилобий янгиликдан узилиб қолиш хавфи бор эди.

Ана шу "дарга"ликни Н. Я. Марр ўз зиммасига олди. Лекин, фожиа шундан иборат эдики, у диалектик материализм назариясини ва таълимотини жуда юзаки билар эди. У ҳали бу дунёқараш ва фалсафий таълимот йўқ вақтларда ўқиган ва умуман фалсафа фанини бутун бир фан сифатида ўқиб-ўрганмаган эди. Фақат Совет ҳокимияти йилларидагина Н. Я. Марр янги ҳукуматга беғараз ва яхши ният билан хизмат қилиш мақсадида марксизм фалсафасини ўргана бошлади. Бу вазифа у даврда жуда ҳам мушкул иш эди, чунки ҳали бу янги фалсафий таълимотни содда ва айни вақтда ҳар томонлама тушунтириб берадиган китоблар, қўлланмалар йўқ эди. Шу билан бир вақтда инқилобий муҳит ҳукмрон бўлганлиги туфайли фикрлар, нуқтаи назарлар, турли назариялар кўп эди. Янги фалсафий таълимот яхлит бир қоидалар, қонунлар, хулосалар мажмуи сифатида мавжуд эмас эди. Унинг асосчиларининг кўпдан-кўп фикрлари ва хулосалари "Коммунистик партия манифести", "Капитал", "Материализм ва эмпириокритицизм", "Давлат ва революция" каби ўнлаб асарларда бўлак-бўлак изҳор этилган эди. Табиийки, ана шундай шароитда янги фалсафий таълимотни ўзлаштириш учун йиллар давомида қунт билан ва ёрдамчи ҳамда маслаҳатчи кўмагида ишламоқ тўғри бўлур эди. Аммо бунинг учун вақт йўқ эди. Инқилобий ўзгаришлар тўлқини шоширар эди. Бу таълимотни Н. Я. Марр ана шу даврнинг шароитларида ўта сохталаштирилган равишда ўзлаштириб олган, яъни марксизм, бу — ўтмишни инкор қилиш, социалистик инқилобгача бўлган барча илмий хулоса ва фан қонунларини улоқтириб ташлаш, бундан бўён жамият ривожланишини, барча фанларнинг илга-

рилашини диалектика қонунларига мажбуран бўйсундиришдир, деб тушунган эди.

Н. Я. Марр тушунчасида жамият ҳаёти фақат ижтимоий синфлар курашидан иборат. "Жамиятда ҳамма нарса, шу жумладан тил ҳам синфийд<sup>ки</sup> — дер эди у. Ўзининг ана шу эътиқодларига суянган ҳолда, у "Тил тўғрисида янги таълимот" яратди. Бу таълимотга биноан, тил синфий воқеа бўлиб, у устқурмага киради. Шу сабабли ҳар бир революциядан сўнг эски тил инқилобий равишда ўзгартирилади, унда янги ҳукмрон синфнинг манфаатларини акс эттирувчи сўзлар, сўз бирикмалари, тушунчалар юзага келтирилади. Ҳамма тиллар, дейди Н. Я. Марр, тарихан тўрт товушнинг ўзаро турли-туман бирикиши натижасида пайдо бўлган. Социализм даврида миллий тиллар аста-секин яқинлашиб, қўшилиб кетадилар ва келажакда инсоният бир тилда сўзлашажак, — деб таълим беради бу "назария".

Совет тилшунослигида деярли чорак аср давомида Н. Я. Маррнинг "Тил тўғрисида янги таълимот"ини ҳаётга татбиқ этиш учун шафқатсиз кураш борди. Бу "назария" билан ҳамфикр бўлмаган тилшунослар ишдан ҳайдалдилар, тилшуносликка марксизмни киритишнинг душмани, деб эълон қилиндилар. Республикалардаги юзлаб-минглаб тил мутахассислари ўз тадқиқотларида тилнинг синфий эканлигини, миллий тилларнинг қўшилиш томон бораётганини ва шу каби нарсаларни исботлашлари керак эди ва шу йўлда бутун кўпмиллатли давлатимизда Н. Я. Маррнинг "Тил тўғрисидаги янги таълимоти" тасдиқ бўлаётганини кўрсатишлари лозим эди.

Тарихий вазиятнинг фожиавий томони шундан иборат эдики, совет тилшунослигида Н. Я. Маррнинг "Тил тўғрисидаги янги таълимоти" гайриилмий ва ҳаёт талабларига зид назарий қарашларни олга сурди, жумҳуриятлардаги илмий ва педагогик кучларни йўлдан урди, миллий тилларнинг ривожланишини секинлаштирди.

Н. Я. Маррнинг "Тил тўғрисидаги янги таълимот"ни марксизмни тилшунослик соҳасида ўта сохталаштиришдан иборат бўлиб, марксистик таълимотнинг моҳиятини бузишга олиб борар, ҳам марксизмга, ҳам тилшуносликка зарар етказар эди. Табиийки, Н. Я. Марр "таълимоти" охиқ оқибатда совет тилшунослигини боши берк кўчага киритиб қўйди. Бу "таълимот" атрофидаги жанжал ва можаролар, айниқса, Н. Я. Марр вафотидан (1934 йил) сўнг кучайди. Уша давр шароитида назарий масалалар фақат "улуғ доҳий" Сталин томонидан ҳал этилиши мумкин эди.

Маълумки, йигирманчи йилларнинг охириларида бориб Сталин партия Марказий Комитетининг Бош қотиби сифатида ўзини анча тутиб олди ва аста-секин партиянинг, коммунистик

ҳаракатнинг асосий назариятчиси бўлишга даъвогарлик қила бошлади. Шу жумладан, миллат ва тиллар назарияси ҳам унинг эътиборидан четда қолмади. 1929 йилнинг март ойида у "Миллий масала ва ленинизм" асарини ёзди. Асарнинг учинчи қисми "Миллатлар ва миллий тилларнинг келажаги", деб аталган бўлиб, бундай мураккаб ва мулоҳазали масала юзасидан қисқа ва шак-шубҳасиз хулосаларга эга эди: социализм жаҳон системасига айлангани сари "миллий тафовутлар ва миллий тиллар йўқ бўлиб кета бошлайдилар, улар ўз ўринларини ҳамма учун умумий дунё тилига берадилар"

Сталиннинг миллий тиллар тўғрисидаги бу такаббурона ва ғайриилмий фикрлари биттагина асарда айтилганича қолиб кетганда, балки, миллий тиллар истиқболи учун хавф катта бўлмас эди. Лекин, фожиа шундан иборат бўлдики, орадан бир йилдан ортиқроқ вақт ўтиши билан, худди шу "назария"ни Сталин ВКП(б) XVI съездида Марказий Комитетнинг Ҳисобот докладида янада кенгайтириб, қайтарди. Марказий Комитетнинг Ҳисобот доклади съезд томонидан тўла равишда маъқулланди. Шу йўсинда Сталиннинг келажакда, яъни жаҳон социалистик системаси ташкил топиб, мустақкамлангани сари миллий тиллар қўшилиб кетадилар, деган фикри партия съезди тасдиқлаган қарор ва кўрсатмага айланди. Қарорни эса бажариш мажбурий эди. Айниқса, партия ташкилотлари учун съезд қарори шубҳасиз ва иккиланмасдан бажариладиган кўрсатма бўлди.

30-йиллар давомида съезд қарорлари қайта-қайта ўрганилди, ҳар бир коммунистнинг онгига етказилди. Натижада "Маркс, Энгельс ва Ленин ишининг улуг давомчиси" Сталиннинг социализм қуриш даврида миллий тиллар гуллаб-яшнаши керак, лекин жаҳон социалистик системаси улғайгани сари, миллий тиллар қўшилиб кетади, деган "доҳиёна фикри" миллионлаб совет кишиларининг миясига шундай сингиб кетдики, ундан ҳозир ҳам қутилиш жуда қийин бўляпти.

Атоқли совет шоири Расул Ҳамзатов 1988 йил 29 мартда "Комсомольская правда" газетаси мухбири билан суҳбатда "тилларнинг қўшилиб кетишини биз бир вақтлар халқлар дўстлигининг энг юксак тантанаси, деб тушунарлик. Энди эса бу фикр қулоққа ёт нарса бўлиб эшитилади", дейди. Демак, бу атоқли шоир ва жамоат арбобининг ҳам миясида тилларнинг қўшилиб кетиш назарияси узоқ йиллар жой олиб турган. Мамлакатимизда ва ундан ташқарида маълум бўлган чукча ёзувчиси Юрий Ритхэунинг фикри билан танишайлик. 1988 йил 19 май куни "Комсомольская правда" газетасида чоп этилган

1 И. В. Сталин. Соч., 11 том, 349-бет.

мақоласида у "тилларнинг ва маданиятларнинг қўшилиши табиий жараён бўлиб, уларнинг ҳаёт-мамотини муносиб равишда яқун-лаяжак", деб бу назарияга мадҳиялар ўқийди.

Кўриниб турибдики, Сталин олға сурган "назария" осонликча онгимиздан чиқиб кетмаяпти. Бу ҳолатнинг икки сабаби бор: бири — марксча-ленинча назарияга биноан киши онги борлиқдан орқада қолади, иккинчиси шундан иборатки, жаҳон узра амалга ошадиган байналмилаллашув жараёни миллатлар ва миллий тилларнинг қўшилиб кетиши гўёки муқаррар эканлигини ҳар кун, ҳар соатда бизга эслатиб туради. Техниканинг ўсиши, фан ютуқлари, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши мамлакатлар, давлатлар ва қитъалар орасидаги масофаларни қисқартириб юборди, халқларнинг ўзаро муносабатларини иқтисодий, ижтимоий ва маданий-маънавий жиҳатлардан мисли кўрилмаган даражада юксалтирди, кўпайтирди. Демак, халқларнинг ўзаро муносабатлари шу даражада жадаллашмоқдаки, миллий тилларнинг ўрнига умум миллатлараро тилга бўлган талаб ошиб бормоқда. Шу асосда "ҳозирги шароитларда миллий тилларга бўлган эҳтиёж пасайиши муқаррар ва табиий", дейдиганлар орамызда учраб туради.

Бу қарашлар, албатта, маълум бир асосга эга. Ҳақиқатан ҳам умумжаҳон байналмилаллашув жараёнини инкор қилувчиларни ҳозир топиш қийин. Лекин масаланинг мураккаб томони шуки, у чуқур ички зиддиятга эгадир. Ҳозирги замон ҳаёти, инсониятнинг тараққиёти икки қарама-қарши йўналишнинг доимий кураши натижасидагина амалга ошиши мумкин: бир томондан, ишлаб чиқариш кучларининг узлуксиз ва жадал тараққиёти натижасида бутун ҳаётимизнинг байналмилаллашуви, яъни кундалик ҳаётимизда умуминсоний томонларнинг (машиналар, радио, телевидение, транспорт, musiқа, санъат, уй-жойлар қурилиши ва ҳоказолар) кўпайиб бориши ва, иккинчи томондан эса, асрлар давомида ташкил топган миллий тилимиз, миллий маданиятимиз, миллий анъаналаримиз, миллий турмуш тарзимиз, миллий урф-одат ва удумларимизни сақлаб қолиш, уларни янада бойитишга интилиш. Масаланинг ички зиддияти шундан иборатки, биринчи йўналишга, яъни байналмилаллашув тамойилига бўйсунмасдан иложимиз йўқ. Бу — давр талаби, социализм ва миллатлар манфаатларига монанд талабдир. Байналмилаллашув халқлар, мамлакатлар ва қитъаларни бир-бирига яқинлаштириб; умуминсоний қадриятлар, қарашлар, фикрлар ва ҳаракатларнинг ташкил топиши ва янада бойишига хизмат қилади. Ҳаётимиздаги ҳар қабила, элат ва миллат чегарасида учраган биқикликни инкор этиб, уларнинг ўрнига ҳозирги даврда бутун инсоният бир бутун эканлиги, барча элатлар ва миллатлар ўзаро чамбарчас

боғлиқ эканлиги, уларнинг қисмати ва тақдирини алоҳида-алоҳида кўришга ҳаракат қилиш нотўғри эканлигини билиб қўйиш ва кундалик ҳаётда инобатга олиш — тарихий заруриятдир.

Айни вақтда, байналмилаллашув таъсирига берилиб, ҳар бир миллат ўзининг узоқ тарихи давомида юзага келтирган моддий ва маънавий қадриятларни назар-писанд қилмаслик энг кечириб бўлмас хатолардан биридир. Байналмилаллашув жараёнида миллий ўзига хос моддий ва маънавий томонларни янада тараққий эттириш, уларнинг энг яхшиларини умуминсоний даражага кўтара билиш миллатнинг ҳар бир вакилининг муқаддас бурчидир. Умуминсоний қадриятлар ўз-ўзидан пайдо бўлиб, осмондан ёғилиб тушмайди. Улар ҳамма миллатларнинг энг яхши фазилатлари, ҳислатлари, моддий ва маънавий бойликлари ҳисобига пайдо бўлади. Демак, ҳар бир миллий маданиятни, ҳар бир миллатни ривожлантирар эканмиз, уларнинг ўзига хос томонларини умуминсоний талаблар даражасига кўтарар эканмиз, биз чинакам социализмга хизмат қилган бўламиз.

Байналмилаллашув ва миллийлашув бири-бирисиз мавжуд бўлолмайди. Бу икки жараён миллатлар бор экан, давом этаверади. Миллатлар эса тарихан ташкил топган барқарор, тургун ва мустақкам бирлик бўлиб, инсоният тараққиётида ижобий ўрин эгаллади ва эгаллаб боражак.

Юқорида таъкидланганидек, ҳар бир миллат тарихан ташкил топган бирлик бўлиб, у маълум тил, ҳудуд, иқтисодий ҳаёт ва маданият бирлигига суянади. Бу тўрт белгисиз миллатни фараз қилиш қийин. Ана шу тўрт белги қаторида тил биринчи ўринда туради. Чунки, маълум бир ҳудудни эгаллаб, моддий ва маънавий марказлар яратиш учун шу ҳудудда яшовчи одамлар биргалашиб меҳнат қилишлари, ўз ҳаракатларини бир мақсадга қаратиб олиб боришлари, бунинг учун эса доимий мулоқотда бўлишлари керак. Демак, тил миллатнинг шаклланишида ва ривожланишида жуда муҳим ўрин тутаяди.

Бир неча минг тилда сўзлашувчи турли миллат, элат ва миллий гуруҳлар халқаро миқёсда мулоқот ва муносабатлар ўсгани сари умумжаҳон тилларига муҳтождирлар. Бундай умумжаҳон тиллари аста-секин тарихан ташкил топдилар. Бу тиллар инглиз, француз, испан, немис ва рус тилларидир. Уларнинг умумжаҳон тилларига айланишларининг сабаби асосан икки омилга боғлиқ: биринчидан, бу тиллар жаҳон миқёсида кенг тарқалган, иккинчидан эса бу тилларда ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган даражада илмий, техникавий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа адабиётлар мавжуд, улар илғор фан, техника, иқтисод ва маданият тилларидирлар. Бу тиллардан

йирик бўлган ҳинди ва хитой тиллари бундай сифатларга эга эмас: хитой тиллари шевалари орасидаги чуқур фарқлар сабабли етти бўлакка бўлиниб кетган, ҳинд тили ҳам шу каби камчиликларга эга. Умумжаҳон тиллари орасида инглиз тили биринчи ўринда туради, чунки бу тил инглиз, америка, канада, австралия, янги зеландия халқларининг она тили бўлиб, ўтмиш инглиз мустамлакаларида кенг тарқалган.

Ҳар бир тил ўзига хос тизимни ташкил қилади. Бу тизимнинг ички "архитектураси", унинг қисмларининг бир-бири билан муносабати, боғлиқлиги, ўзаро таъсири — буларнинг ҳаммаси ўнлаб ва юзлаб қондалар ёрдамида белгиланади ва аниқланади. Бу жиҳатдан тарихан ташкил топган тилларни худди шундай тарзда, тарихий эволюция натижасида юзага келган ҳайвон ва ўсимлик турлари билан қиёслаш ўринли бўлади. Худди чўртан балиқ билан лаққа балиқ, атир гул билан гулсафсар, булбул билан қалдирғоч қўшилиб, янги зот бермагандек, миллий тилларни ҳам бир-бирига қўшиб, янги тил пайдо қилиб бўлмайди. Табиатдаги хилма-хиллик, ранг-баранглик натижасида беқиёс турфа олам юзага келган. Гуллар оламига атр гул ҳам, гулсафсар ҳам ўз рангини, ўз ҳидини қўшади. Гуллар қанчалик кўп ва хилма-хил бўлса, олам шунчалик жозибалидир. Жониворлар ҳам қанчалик турли-туман бўлса, жонли табиат шунчалик кўп қизиқиш уйғотади. Лекин уларни қўшиб, бир хилликка интилиш ташқи дунёни фақат қашшоқлаштиради.

Олам шунинг учун қизиқки, у ранг-баранг ва турли-туман. Миллий тиллар олами ҳам худди шундай. Ҳар бир миллатнинг ёки элатнинг тили бутун бир олам. Тил орқали унинг даҳоси, яратувчилик қобилияти ва борлиқнинг нозик томонларини илғаб ола билиши маълум бўлади. Ижтимоий ҳаёт ва тарих шунини кўрсатадики, миллий тиллар ёнма-ён мавжуд экан, улар бир-бирларини бойитишлари, бир-бирларига таъсир кўрсатишлари табиийдир. Биз ҳар бир тилни ўрганар эканмиз, у асрлар оша, ўзгариб борганини, бошқа тиллар таъсирида бойиб борганини, ўз ички имкониятларидан янада кенгроқ ва янада кўпроқ фойдаланиш йўлларини топаётганини кўрамиз. Ана шу йўл тарихий тараққиётнинг шоҳ кўчасидир.

#### МИЛЛИЙ ТИЛЛАР МАЪМУРИЙ-БУЙРУҚБОЗЛИК СОЦИАЛИЗМИ ИСКАНЖАСИДА

Ўтмиш йиллик давр ичида давлатимиз қаҳрамонона меҳнат ва ҳаракатга қарамай, қолюқ мамлакатлар қаторидан чиқиб кета олмади. Саксонинчи йилларнинг ўрталарига келиб СССР сан-оатида ишлаб чиқариш унумдорлиги Америка Қўшма Штатла-

ридагига нисбатан ҳаммаси бўлиб 45 фоизни ташкил қилган. Қишлоқ хўжалигида эса меҳнат унумдорлиги АҚШга нисбатан ҳаммаси бўлиб 9 фоизни ташкил этган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бунинг асосий сабаби — маъмурий-буйруқбозлик социализмидир. Жамият тараққиётини режали равишда йўналтириш ва шу йўлда тарихий силжишни тезлаштириш мақсадида турли программалар, беш йиллик режалар тузилиб, барча тарғибот ва ташвиқот кучлари шу программа ва режаларнинг жамиятга, меҳнаткашларга қанчалик хизмат қилишга қаратилганини, жаҳонда энг адолатли ўзгаришларни кўзлаганини кун сайин тушунтириб борардилар. Шунинг натижасида жамият аъзолари бу режа ва программаларни одатда тўла ишонч билан қабул қилардилар.

Бу нарса — жамиятни илмий асосда, марксча-ленинча бошқариш деб, аталиб келинди. Ҳолбуки, аслида жамиятга бундай раҳбарлик қилиш жамият қонунларини тўла инкор этишдан бошқа нарса эмас эди. В. И. Ленин вафотидан сўнг амалга оширилган "жамиятга илмий раҳбарлик" олтимиш йил давомида тўла равишда ўзининг ғайриилмий эканлигини фош қилди. Бундай раҳбарлик жамият аъзоларини ҳукмрон тузумнинг қулларига айлантирди, уларни юқоридан кўрсатма, буйруқ, туртки, тавсиянома ва бошқа йул-йўриқларни кутишга ўргатди.

Охир оқибатда халқ оммасининг қанотини қайирди, ихтирочилик, ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларини доимий такомиллаштириш йўлидан оғдирди. Бутун мамлакатдаги ер-сув, корхонаю муассаса умумхалқ мулкига айланди ва кўпинча у хўжасиз, қаровсиз қолди. Ана шу сабабли йилдан-йилга меҳнат интизоми сусайиб, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифати пасайиб бораверди.

Бу хулосалар мамлакатимиз ва социализм йўлига ўтишга ҳаракат қилиб кўрган Шарқий Европа давлатлари мисолида жуда яққол тасдиқ бўлди.

Мамлакатимизда иқтисодий аҳволнинг ҳозирги даражага келиб қолиши сабабларидан бири шундан иборатки, ўтган давр мобайнида марксча диалектиканинг асосий қонуни бузилди, шу қонунга мамлакат раҳбарияти риоя қилмади. Марксча диалектиканинг асосий қонуни шундан иборатки, қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши жамият тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучидир. Иқтисодиёт яхши ривожлансин учун жамият бир-бири билан доимо курашиб турувчи иқтисодий кучлардан иборат бўлиши лозим. Бу ўзаро курашувчи кучлар рақобат асосида ягона эркин бозорда ўртага чиқадилар. Улар заводлар, фирмалар, кооперативлар, яқка хўжаликлар, ижарачилардан ташкил топади. Агар биз ўтмишдагидек фақат давлат режаси асосида иш юритмоқчи

бўлсак, завод ва фабрикалар, давлат ташкилотлари давлат ва партия ёрдами ва қўллаб-қувватлашига ишониб, яна хўжа кўрсинга ишлайдиган бўлиб қоладилар.

Иқтисодий аҳволнинг шу даражагача боришининг иккинчи сабаби шундан иборатки, иқтисодни ривожлантириш умумхалқ иши эканлиги унутилди. Иқтисодни юқоридан келган режа, кўрсатма ёки буйруқ билан ривожлантириб бўлмайди. Режалаштириш фақат маълум шароит, вақт ва вазиятлардагина ўринли бўлиб, акс ҳолда иқтисодийни бўғди, ўсишга қўймайди. Бизнинг мамлакатимизда эса планлаштириш иқтисодий тараққиётнинг умуммамлакат мажбурий қонунига айлантириб юборилди ва шу сабабли энг жиддий фожиаларга олиб келди.

Маъмурий-буйруқбозлик социализми ва иқтисодий тараққиётимиз ҳақида шунинг учун кенг сўзладикки, бу нарсалар миллий тиллар соҳасига ҳам ғоят салбий таъсир кўрсатди. Худди иқтисодиёт ёки ижтимоий-сиёсий ҳаёт сингари, тиллар ҳаёти ҳам планлаштирилади бошланди: миллий тиллар социализм шароитида янги ҳокимият ва янги мафқуранинг таъсирисиз ривожланиши мумкин эмас, деб уқтирилди. Коммунистик партия кўрсатмаларида миллий тиллар "илмий асосда" ривожлантирилиши кераклиги, бунинг учун биринчи навбатда уларни эскилик ва қолюқлик томон судрайдиган ёзувлардан, жумладан араб ёзувидан воз кечишга ундаш лозимлиги, иккинчидан, араб ва форс тилларидан кирган сўз ва иборалардан озод бўлиб, кўпроқ миллат ҳамда элатларни илғор ва улуғ миллатга яқинлаштирийдиган сўзларга кўчиш мақсадга мувофиқлиги, учинчидан, миллат ва элатларнинг ҳамкорлиги, дўстлиги ва ўзаро ёрдамини енгиллаштирувчи умумий тилни тезроқ ўзлаштиришга эришиш ягона тўғри йўл эканлиги айтилди.

Миллий тиллар ана шундай, "марксизм-ленинизм бизга аниқлаб берган шак-шубҳасиз тўғри ва асосли қонун-қоидалар"га суяниб ривожланиши керак эди. Ана шу йўл билан миллий тиллар жиловлаб қўйилди. Энди улар давлат сиёсатига қараб ўзгаришлари мумкин эди. Давлат сиёсати эса охир оқибатда ягона шахснинг нима дейишига боғлиқ бўлиб қолди. Бундай шароитда миллий тилларни ривожлантириш ва такомиллаштириш — бу биринчи навбатда халқ оммасининг ишидир, деган материалистик диалектикага суянган хулоса учун ўрин қолмади. Бу вазиятни расмий тарғиботимиз маъқуллади, кўкларга кўтариб мақтади. Лекин амалда эса аҳвол бутунлай бошқача бўлди.

Марксизм-ленинизм таълимотида миллий масала иккинчи ўриндаги масала, деб ҳисобланади. Биринчи даражали масала ишчилар синфи масаласидир. Социалистик инқилобни тайёрлашда, уни амалга оширишда, ҳимоя қилишда ва социализм



қуришда етакчи куч ишчилар синфидир. Эзилган миллат ва элатлар эса ишчилар синфи раҳбарлигида зулм ва нотенгликка қарши курашади. Аммо, деган эди Ленин, миллий масалалаг эълтибор берилмаса, ишлар ўзибуларчиликка тащлаб қўйилса, миллий масала биринчи ўринга чиқиши мумкин. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда худди шундай аҳвол юзага келди.

В. И. Ленин ҳаётлиги вақтида, граждандлар уруши тугаши биланоқ, партиянинг X съездида (1921 йил) ва партиянинг XII съездида (1923 йил) мамлакатда миллий масалани қандай ҳал этиш йўллари кўриб чиқилди ва батафсил қарор қабул қилинди. Шундан сўнг олтмиш беш йил давомида, то партиянинг Бутуниттифоқ XIX конференциясигача (1988 йил), миллий муносабатлар масаласи бирор марта ҳам умумпартиявий анжуман кун тартибига қўйилгани йўқ, таҳлил этилгани йўқ, этилиб турган масалалар бўйича қарорлар қабул қилингани йўқ. Ана шу сабабли мамлакатда миллий муносабатлар соҳасида жуда кўп муаммолар йиғилиб қолди.

Миллий муносабатларда гарчи қатор соҳаларда шубҳасиз муваффақиятларга эришилган бўлса-да, лекин кўпгина соҳаларда жиддий камчиликлар ва хатоликларга йўл қўйилди. Тўғри, 1960—1985 йилларда ўзбек тилида чиқадиған журналларнинг тиражи 6,5 баравар, ҳажми эса деярли 8 баравар ошган. Худди шу даврда ўзбекларнинг сони деярли 2,5 марта ўсганлиги назарда тутилса, киши бошига олганда журналларнинг сони 2,5 баравар, ҳажми 3,2 марта ошганлиги маълум бўлади<sup>1</sup>. Бироқ айни шу вақтда, ўзбек тилини аста-секин ҳаётнинг энг ҳал қилувчи соҳалари бўлмиш саноат, давлат ва партия аппаратидаан сиқиб чиқариш кенг тус олди.

Энг ачинарлиси шуки, биз, олимлар буни билар эдик, кўриб турар эдик, лекин сезиларли бир ўзгариш киритиш имкониятидан маҳрум эдик. Норозилик, фош қилиш, ўз безовталигини очиқ-ойдин айтиш ҳеч қандай ўзгаришга олиб келмас эди. Билъакс бундай ҳол танқидий мулоҳаза айтган кишининг тақдири тез кунда "ҳал этилишига" сабабчи бўларди. Сталинизм ва турғунлик даврида олимлар, тадқиқотчилар худди аравага қўшиб қўйилган отга ўхшардилар,— аравакаш қайси томонга бурса, шу томонга юришга мажбур эдилар, араванинг икки шотиси орасидан ҳар қанча ҳаракат қилганда ҳам чиқиб кета олмасдилар. Албатта, бундай шароитда ҳар бир тилшунос ё адабиётшуноснинг нафаси ичида эди, ҳаққоний фикрини бошқалардан беркитишга мажбур эди.

1 Қаралсин: "Печать СССР в 1960 г." ва "Печать СССР в 1985 г." 131 ва 190-бетлар.

Масаланинг ички томони ана шундай кўринишга эга эди.

Масаланинг ташқи, яъни очиқ-ойдин айтиладиган томони ҳам бор эди: ҳаётимизнинг биринчи кунидан то охириг кунигача биз ҳар кун, ҳар соат: "Биз социалистик мамлакатда яшаймиз. Социализм эса жаҳонда энг одил, энг демократик, энг оқил жамиятдир. Бу жамиятда миллий қарама-қаршилик, миллий ғайрлик ва низо бўлиши мумкин эмас"— деган қондани қайтардик ва шунга кўпчилигимиз самимий ишонардик. Юртимиз, элимиз, Ватанимиз тўғрисида фақат ижобий фикрлар айтишга ўрганган ва шунга ўргатилган эдик. Бундан бошқача фикр-мулоҳаза айтиш социализм ишига эътиқодсизлик ва шикоят деб тушуниларди. Шу тарзда иш кўриб, яъни ўзимизни-ўзимиз мақтаб, "доно миллий сиёсатимиз"ни кўкларга кўтариб мақтаб, аста-секин мамлакатни боши берк кўчага киритиб қўйдик.

Демак, ўтмишни ўрганар эканмиз, гапни ўша даврда ҳукмрон бўлиб турган ижтимоий-сиёсий муҳитга қаратиш мақсадга мувофиқдир, чунки маъмурий-буйруқбозлик социализми даврида қамалган, бадарға қилинган, отиб ташланган ёзувчилар, шоирлар, илмий ходимлар, ўзбек зиёлиларининг бошқа вакиллари миллий тилимизнинг ривожланишига, бойишига, такомиллашувига ўз ҳиссаларини кўпроқ қўша олмадилар. Бу нарса — масаланинг бир томони, холос. Масаланинг иккинчи томони шундан иборатки, фаол ижодий жараёндан четлатиб қўйилган минглаб зиёлиларимиз ўзбек тили соҳасидаги мутахассис ва билимдонларни тайёрлаш ишига қатнашишдан маҳрум бўлдилар. Ўзбек тили зарур кадрларни етарли даражада ололмади, тилшунослик янги кучлар билан таъминловчи манбаларсиз қолди, бу манбалар сезиларли равишда заифлашди.

Лекин, бу билан ҳақиқатнинг бир томонигина айтилди. Унинг иккинчи томони ҳам бор: кам сонли кадрлар ҳам тўла куч-ғайрат ва шижоат билан ишлай олмадилар, чунки уларнинг бошида доимо миллатчиликда айбланиш хавфи турар ва бу эркин фикрлаш имкониятини бермас эди.

Кўпчилик илмий ходимлар ва тадқиқотчиларнинг оёқ-қўли боғлиқ, тафаккури озод эмас, чш суръатлари суст эди.

Бундай вазият ўзбек тилшунослигида узоқ йиллар давомида ҳақиқий ишчанликнинг етишмаслигига сабаб бўлди: бир томондан, гўёки ҳамма ишлар режалаштириларди, бажариларди, янги монографиялар, коллектив тадқиқотлар, кўп жилдли китоблар чиқиб турарди. Иккинчи томондан эса, бу асарлар ҳам сони, ҳам тиражи ҳам ўзбек тилининг жиддий масалаларини кўтариши

жиҳатидан миллатимиз талабларига, ҳақиқий социализм эҳтиёжларига жавоб бермас эди.

Ҳар бир тилнинг қанчалик яхши ва ҳар томонлама илмий жиҳатдан ишланаётганини кўрсатувчи мезон шу тилнинг изоҳли луғатидир. Изоҳли луғатга шу тилдаги ҳамма сўзлар кирадигина эмас, балки ҳар бир сўзнинг ҳар томонлама изоҳи ҳам берилади, яъни ҳар бир сўз қайси вазиятда қайси маънода ишлатилиши адабий асарлардан олинган мисоллар ва халқ ижодидан келтирилган масаллар ва маталлар, топишмоқлар ёрдами билан очиб берилади. Бундан ташқари, ҳар бир сўз қайси тилдан кириб келганлиги ва бошқа маълумотлар берилади.

Жаҳон тилшунослиги узоқ ва мураккаб йўлни босиб ўтиб, изоҳли луғатлар соҳасида ҳам катта тажриба орттирди. Табиийки, ҳар бир миллий тилнинг изоҳли луғати, жаҳон лингвистикасининг тажрибасига суянган ҳолда, нисбатан тез суръатлар билан тайёрланиши ва чоп этилиши зарур. Аммо, ўзбек тилининг изоҳли луғати фақат 1980—1981 йиллардагина биринчи марта чоп этилди, яъни уни тайёрлаш учун Октябрь инқилобидан сўнг олтмиш йилдан ортиқ давр керак бўлди! Шуниси ачинарлики, минг йилдан ортиқ тарихга эга тилнинг изоҳли луғати бор-йўғи икки жилдан иборат бўлиб, бу икки жилда фақат олтмиш минг сўзнинг изоҳи берилган, холос!

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тилшунослик институти тайёрлай бошлаган ўн жилли "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" умуммиллий ишга айлантрилиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун эса изоҳли луғат умуммиллий миқёсда кенг тарғиб этилиши, бу асарнинг гоёси, ўрни, аҳамияти, миллат ҳаётидаги мавқеи, ўзбек миллий тили, адабиёти ва умуман маданиятини янги поғонага кўтаришда энг асосий ҳаракатлантирувчи кучлардан бири эканлиги ҳар бир ўзбекнинг онгига етказилиши даркор. Бу — масаланинг бир қисми. Иккинчи ва янада жиддийроқ қисми шундан иборатки, она тилимизнинг ойнаси, унинг бойлигини, баркамоллигини акс эттирадиган нашр бўлмиш изоҳли луғатни тузиш ишига ўзбек миллатининг бутун онгли ва саводли қисми жамоатчилики асосида ўз ҳиссасини қўшмоғи зарур.

Изоҳли луғатни тайёрлаш ва чоп этиш — миллатимизнинг, жумҳуриятимизнинг доимий вазифаларидан бири бўлмоғи керак, чунки тил доимо ўзгаради, бойийди. Бу жиҳатдан рус тилининг тарихий тажрибасини кўзда тутиш ёмон бўлмайди. Рус тилининг биринчи изоҳли луғати XVIII асрнинг иккинчи ярмидаёқ чиққан эди. Бу луғат ўз сўз бойлиги жиҳатидан анча чекланган эди ва унинг номида "изоҳли" деган сўзнинг йўқлиги тушунарли

эди. Рус тилининг ҳақиқий бойлигини рус сайёҳи, этнограф олим, тилшунос ва фольклорчи В. И. Даль ўзининг "Толковый словарь живого великорусского языка", деб аталган лугатида кўрсатди. Бу лугат устида у 53 йил давомида иш олиб борди. 1861—1867 йилларда бу лугат чоп этилди. Инқилобдан олдинги даврда бу лугат бир неча бор қайта-қайта нашр қилинди. Революциядан сўнг В. И. Ленин таклифи билан рус тилининг "Пушкиндан Горькийгача" бўлган ҳолатини кўрсатувчи тўрт жилдли лугат юзага келтирилди ва Д. Н. Ушаков раҳбарлигида 1935—1940 йилларда китобхонларга тақдим этилди. Ниҳоят, 1957—1961 йилларда 4 жилдли Рус тили лугати чоп этилди.

Ҳар бир миллий тилнинг изоҳли лугати устидаги иш ҳеч бир вақт тугамаслиги ва тўхтатилмаслиги керак. Янги сўзларни тўплаш, уларни тартибга солиш, ҳар бир сўзнинг маъноларини очиб берадиган мисолларни адабий, илмий, техникавий ва кундалик адабиётдан тўплаш каби ишлар доимий бажарилиб бориши мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги замон илғор мамлакатларининг тажрибаси шуни кўрсатадики, уларда ҳақиқий миллий лугатлар яратиш ва чоп этиш соҳаси юзага келтирилган бўлиб, изоҳли, икки тилли ва кўп тилли, бир жилдли ва кўп жилдли, кичик ва катта ҳажмли ҳамда бошқа хил лугатлар ҳар йили кетма-кет чиқиб туради. Бу жиҳатдан биз, афсуски, жуда орқадамиз. Бунинг сабаби, биринчидан, шундан иборатки, совет матбаа саноати илғор жаҳон даражасидан энг камда ярим аср орқада қолиб кетган. Иккинчидан, СССРда киши бошига АҚШга нисбатан олти баравар кам қоғоз ишлаб чиқарилади. Шу сабабли қоғоз танқислиги бизнинг доимий камчилигимиздир. Учинчидан эса, СССРда ишлаб чиқариладиган қоғоз ва картоннинг сифати ниҳоятда паст, матбаа саноати машина ва жиҳозларнинг техникавий даражаси жиҳатидан ўта қолоқ ва бу нарса лугатлар сифатига ҳам таъсир қилмасдан иложи йўқ.

Жумҳуриятимизда лугат яратиш соҳаси яхши шаклланмаган. Фақат айрим ташаббускорлар, жонкуярлар, фидойилар бўлган ва ҳозирда ҳам бор. Бу ерда А. К. Боровков, Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий, Рустам Абдураҳмонов, Олим Усмон, Зокир Маъруфов, С. Ақобиров, А. Хўжахонов, Гелий Михайлов, Ренат Дониёров, Насим Маматов, В. В. Решетов, Отақўзи Азизовларни биринчилар қаторида аташ керакдир. Афсуски, уларнинг кўпчилиги ёшени яшаб, ошини ошаб бўлди, баъзилари фоний оламдан боқий оламга кўчдилар. Жумҳуриятимизда лугатлар масаласида асли моҳияти билан бўҳрон вазияти юзага келди, десак ҳақиқатдан узоқ бўлмасмиз. Фақат фавқулудда чоралар кўрибгина, вазиятни ўзгартира олиш мумкин.

Бўхрон вазияти ҳақидаги фикр асосли эканини билмоқ учун "луғат хўжалигимиз"га бир кўз ташлайлик. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти тайёрлаган ўзбекча-русча луғат 1959 йилда биринчи нашр бўлиб чоп этилган эди. Иккинчи марта бу луғат 29 йилдан сўнг, 1988 йилда чоп этилди. Луғатни иккинчи нашрга тайёрлаш учун деярли ўттиз йил керак бўлди! Русча-ўзбекча луғат Рустам Абдураҳмонов раҳбарлигида 1954 йилда нашр этилган эди. Ундан кейин икки жилдди русча-ўзбекча луғат эса ўттиз йилдан сўнг, яъни 1983—1984 йилларда пайдо бўлди. Бундай ачинарли аҳвол ўзбек халқининг тараққиёт сурьатларига салбий таъсир этмасдан иложи йўқ, албатта. Турғунлик даврида бундай "сурьатларга" чидаб келган бўлсак ҳам, энди бундай аҳвол давом этиши мумкин эмас.

Луғатлар — масаланинг муҳим жиҳатларидан биридир. Умуман эса турғунлик даврида ҳамма миллий тиллар исканжада бўлдилар ва бу аҳволни ёритиш учун миллий тилларда китоб чоп этиш 1960 ва 1985 йиллар орасида қандай ўзгарганини қийслаб кўрамиз (1-жадвалга қаранг).

#### 1-жадвал

Иттифоқдош жумҳуриятларга ном берган миллатларнинг тилларида китоб нашр этишининг қисқариши (1960—1985 йиллар)

№№ т/б	Миллий тиллар	Китоблар сони			Шу жумладан таржима китоблар		
		1960 йилда	1985 йилда	Ўсиш ёки қисқ. %%	1960 йилда	1985 йилда	Қисқа- риш %%
1.	Украин	3852	1892	49,1	482	306	63,5
2.	Белорус	430	395	91,9	104	85	81,7
3.	Ўзбек	1060	996	93,9	608	293	48,2
4.	Қozoқ	577	719	124,6	295	189	64,1
5.	Грузин (гуржи)	1889	1775	90,8	462	241	52,2
6.	Озарбайжон	1010	925	91,6	324	189	53,3
7.	Литва	1773	1981	111,7	585	268	45,8
8.	Молдаван	409	527	128,9	247	218	88,3

1 Жадвал қуйидаги статистик тушунчалар рақамлари асосида тузилган: "Печать СССР в 1960 году", М., 1961, 60-бет; "Печать СССР в 1985 году", М., 1986, 24-бет. Фоизларни муаллиф ҳисоблаган. Рус тили миллатлараро мулоқот воситаси бўлгани учун рўйхатта киритилмади, чунки бу тил Иттифоқимизда алоҳида ўрин олади.

9.	Лотиш	1513	1074	70,9	491	211	42,9
10.	Қирғиз	474	433	91,4	270	190	70,4
11.	Тожиқ	477	351	73,6	301	102	33,9
12.	Арман	1067	764	71,6	323	218	67,5
13.	Туркман	397	258	64,9	252	95	37,7
14.	Эстон	1191	1256	105,5	381	273	71,7
	Жами	16119	13287	82,4	5125	2878	56,2

Бу жадвалда келтирилган рақамлар кўп нарсани тушунишга ёрдам беради. Миллий тилларни аста-секин тарих саҳнасида суриб чиқариш сиёсати, айниқса, китоб нашр этиш соҳасида яққол билинди. Яъни чорак аср давомида миллий тилларда китоб нашр қилиш 17,6 фоиз камайган. Демак, бир йилда камайиш суръати 0,7 фоиз бўлган. Агар ўртача камайиш доим шундай суръатда бўлса, майли эди-я! Масаланинг безовта қиладиган томони шундан иборатки, мустақил жумҳуриятларга ном берган миллатларнинг тилларида китоб нашр этиш йил сайин камайибгина қолмай, бу жараён тезлашиб борган. Бу фикримиз яққол бўлсин учун, рақамларга мурожаат қилайлик. Масалан, 1975 йилда юқорида санаб ўтилган тилларда китоб нашр этиш 1960 йилга нисбатан 5 фоиз камайган бўлса, 1975—1985 йилларда 13,2 фоиз камайган, яъни пасайиш суръати тўрт баравар тезлашган<sup>1</sup>.

Жадвалдан кўриниб турибдики, ўн тўртта республикадан тўрттасида (Қозоғистон, Литва, Молдавия ва Эстония) асосий ерли миллатнинг тилида нашр этилган китоблар сони 1960—1985 йиллар давомида ўсган. Аммо, бундай хулоса фақат юзаки қарагандагина пайдо бўлиши мумкин. Кейинги ўн йилни олсак, яъни 1975—1985 йилларда, китоб чоп этиш бу жумҳуриятларда ҳам камайиб борган: қозоқ тилида чиққан китоблар 752 дан 719 тагача, молдаван тилида — 619 тадан 527 тагача, эстон тилида эса 1553 тадан 1256 тагача қисқарган<sup>2</sup>.

Демак, айниқса, қайта қуришдан олдинги ўн йиллик давомида миллий тилларни камситиш зўрайди. Бу салбий ўзгаришлар мамлакатимизнинг мухтор жумҳуриятларида янада ёрқинроқ намоён бўлди. Мухтор жумҳурият ва мухтор вилоятларда китоб чоп этиш қандай ўзгараётганини билиш учун қуйидаги жадвални келтирамыз.

1 Юқорида санаб ўтилган манбалардан фойдаланилди.

2 Рақамлар "Печать СССР в 1975 году", М., 1976 ва "Печать СССР в 1985 году" М., 1986, статистик тўпламларидан олинди.

Мухтор жумҳурият ва мухтор вилоят халқларининг тилларида китоб нашр этишнинг ўзгариши (1960—1985 йиллар)

№ № т/б	Миллий тил- лар	Китоблар умумий сони			Тиражи (минг нуска)		
		1960 йилда	1985 йилда	1960 йил- га нисба- тан ўсиш ё қисқариш (% ҳисо- бида)	1960 йилда	1985 йилда	1960 йилга нисбатан ўсиш ё қисқа- риш (% ҳисо- бида)
1.	Абхаз	45	74	164,4	63	93,5	148,4
2.	Авар	39	25	64,1	139	108,5	78,1
3.	Адигей	45	20	44,4	60	29,7	49,5
4.	Болқор	34	29	85,3	28	34,0	121,4
5.	Бошқирд	198	133	67,2	836	1103,6	132,0
6.	Бурят	64	39	60,9	193	79,3	41,1
7.	Даргин	33	18	54,6	84	47,5	56,6
8.	Ингуш	48	10	20,8	74	8,5	11,5
9.	Кабардин	65	32	49,2	171	80,2	47,2
10.	Карел	—	1	—	—	18,5	—
11.	Коми	37	21	56,8	124	69,1	55,7
12.	Лак	31	22	71,0	52	27,7	52,3
13.	Лазгин	36	23	63,9	67	62	92,5
14.	Мари	65	31	47,7	230	106	46,1
15.	Мари (тоғ лаҳжаси)	19	10	52,6	43	10	23,3
16.	Мордва-мокша	42	19	45,2	92	43,1	46,9
17.	Мордва-эрзя	34	15	44,1	72	35,4	49,2
18.	Олтой	78	20	25,6	94	49,0	52,1
19.	Осетин	88	70	79,6	173	130	75,2
20.	Татар	395	183	46,3	4086	1771,7	43,3
21.	Тува	68	32	47,1	179	150,3	84,0
22.	Удмурт	48	27	56,3	205	144,5	70,5
23.	Хакас	32	9	28,1	50	28,1	56,2
24.	Черкас	19	7	36,8	13	14,4	110,8
25.	Чечен	48	29	60,4	178	225,7	126,8
26.	Чуваш	232	79	34,1	1198	454,9	38,0
27.	Яқут	153	76	49,7	598	979,8	163,9
28.	Яхүдий	3	8	266,7	38	7,5	19,7

1 Жадвал 36-бетда кўрсатилган статистик гулпламлар асосида тузилган.

29.	Қалмоқ	52	27	51,9	116	31,1	26,7
30.	Қорачой	14	14	100,0	36	42	116,7
31.	Қорақалпоқ	162	127	78,4	555	755,6	136,1
32.	Кўмиқ	42	29	69,1	94	79	84,0
	Жами	2269	1259	55,5	9941	6820,7	68,6

2=жадвалдан кўриниб турибдики, миллий мухториятларда тил масаласи янада мураккаброқ ҳолатдадир. Суверен республикаларда 1960—1985 йиллар давомида китоб нашр этиш 17,6 фоиз камайган бўлса, мухтор жумҳурият ва мухтор вилоятларда бу кўрсаткич 44,5 фоизга тенг бўлган. Демак, чорак аср ичида бу тилларда китоб чоп этиш деярли икки барабар қисқарган! Олтой, ингуш, хакас каби тиллар умуман тарих саҳнасида, ҳаёт соҳаларидан четга чиқиб қолган, тор оилавий доирада ишлатиладиган тилга айланиб қолган. Лекин бу тилларда сўзлашувчилар ўта кам соғли эканлигини кўзда тутиб, бу салбий ўзгаришларни тушунишга ҳаракат қилиш мумкин. Аммо юксак миллий маданиятли ва кўп миллионли татар халқи, қадимлардан маълум бўлиб келган бошқирд ва мордва халқлари ҳамда чувашлар бу жараён тегирмонига тушиб қолганлиги ачинарлидир. Октябрь инқилобидан илгариги даврда нашрлар бўйича татар тили Россияда рус тилидан кейин иккинчи ўринда турар эди, энди эса у 16-ўринга сурилиб қолганини кўриб турибмиз.

Мухтор жумҳурият ва мухтор вилоятларда китоб нашр этишга доир фактларни ўрганар эканмиз, яна бир нарсага эътибор берайлик: санаб ўтилган 32 миллат ва элатдан 30 таси РСФСР таркибиде ва фақат абхазлар билан қорақалпоқлар бошқа жумҳуриятлар, бошқа суверен республикалар таркибидадир. Шуниси диққатга сазоворки, бу икки миллат тилида китоб нашр этиш камайиш ўрнига ўсган. Россия федерациясида эса аҳвол ачинарли, дейишимиз мумкин. Бу энг йирик жумҳуриятдаги мудҳиш манзара узоқ йиллар давомида юқоридан амалга оширилган рушлаштириш сиёсатининг маҳсулидир.

Рушлаштириш сиёсати ўзининг "марксча-ленинча илмий асослари"га эгадир. Албатта, ҳеч қаерда ва ҳеч қачон бизнинг қарор, муружаатнома, маъруза ва илмий тадқиқотларимизда совет миллий сиёсатига нисбатан "рушлаштириш" деган атама ишлатилган эмас, чунки бундай қадам миллий сиёсатимиз асосларига тўғри келмайди. Аммо, аслида эса рушлаштириш сиёсати амалга оширилди. Бу иш зимдан, "халқлар, миллат ва элатларнинг ихтиёрий яқинлашуви" деган шиор остида олиб борилди. Бу жараённинг назарий замини социалистик система мустаҳкамлангани сари миллатлар ва миллий тиллар қўшилиб бораверади, деган ста-



линча қонда эди. Бу жараённи ташкилий жиҳатдан яхши таъмин этиш учун уни маълум бир йирик ўзак атрофида бирлаштириш орқали амалга ошириш маъқул эди. Рус халқи, унинг рози-но-розилигидан қатъи назар, ана шу жараёнда ўзак хизматини ўташи керак эди.

Бошқаришни марказлаштириш ва фан-техникадан кенг фойдаланишга интилиш ўз навбатида тил соҳасида ҳам марказ билан жойлар ўртасидаги борди-келди, олди-берди каби муносабатлар ва алоқаларнинг содда, тўғри, бевосита бўлишини талаб қилади. Бунинг учун эса ҳар қадамда саноат, техникага халақит берадиган миллий тилларни четлаб ўтишга тўғри келади. Миллий тиллар, марксча-ленинча назариянинг баъзи вакиллари фикрича, ижтимоий тараққиётга, фан-техника ривожланишига қўшимча қийинчилик туғдиради, социализмни мустақкамлаш ишига тўғон бўлиб, зид ҳаракат қилади. Жамиятимизнинг моддий асоси бўлмиш саноат, фан-техника, умуман ишлаб чиқариш бир хиллик томон ривожланиб кетаётгани муқаррар экан, ҳамма халқлар умумий физика-химия қонунлари асосида ишлайдиган машина, восита ва жараёнларга суяниб иш кўрар экан, тил ҳам шу йўналишга бўйсунishi керак, яъни кўп миллатли давлат социализм шароитида ягона тилга мумкин қадар тез ва иккиланмай ўтиши бутун жамият, шу жумладан, ҳар бир миллат ва элат манфаатларига тўла жавоб беради, дейдилар бундай жамиятшунослар.

Жамиятшунослик фанининг бу тарзда фикр юритувчи намояндалари гўёки жамият ҳақида, миллат ва элатларнинг манфаатлари ҳақида азият чекадилар ва "Миллат ва элатлар! Тушунинг, бир тиллиликка қанчалик тез кўчсақ, шунчалик коммунизм қуриш иши тезлашади, ҳаётимиз фаровонлиги ошади. Бари бир бориб-бориб ягона тил бўлиши аниқ ва муқаррар. Шундай экан, шуни тезроқ амалга оширганимиз маъқул эмасми?!", дейдилар. Афсуски, бундай олимлар миллий зиёлилар орасида ҳам кам эмас. Улар Россия федерациясининг умумий муҳитида етишиб чиққан "хашаки космополитлар"дан иборат. Улар "бизнинг миллий тилимизга суяниб, юксак малакали инженер, геолог, тарихчи, кибернетик ва умуман замонавий мутахассис бўлмайсиз; шу сабабли русча ўқиб, тезроқ рус тилига кўчганимиз ҳар томонлама маъқул", дейдилар. Уларнинг жиддий хатоси шундан иборатки, жамият ҳаёти, ҳар бир инсон ҳаёти икки ажралмас бўлакдан, — моддий ва маънавий томонлардан иборат эканлигини инobatга олмайдилар, маънавий жиҳатларни инкор қиладилар, моддий жиҳатларга эса ортиқ даражада баҳо бериб юборадилар.

Инсон ҳаётининг маънавий таркибий қисмини узоқ давр

инобатга олмаслик, менсимаслик қандай оқибатларга олиб келишини миллий жумҳуриятларда қайта қуриш эълон қилингандан сўнг бўлиб турган воқеалар кўрсатмоқда.

Норасмий равишда амалга оширилган руслаштириш сиёсати шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларида айниқса хунук тус олди. Бу сиёсат Сталиннинг яккахукмронлик ва мутлақ ҳокимият томон интилишига монанд келарди. Бундай тузумни сақлаб мустақамлашда асосий суянчиқ куч рус халқи бўлиши керак, деб тушунарди "улуғ доҳий". Ўз мақсадини амалга ошириш учун у зимдан кўп марта рус халқига ён босди. Худди ўша даврда "улуғ рус халқи", "беғараз оғамиз", "улуғ рус тили" каби кўпдан-кўп ва беҳисоб мақтов сўзлари ва иборалари пайдо бўлди, рус халқига қаратилган сажда-таъзим кўпайди, бу нарсалар расмий ҳаётимизнинг таркибий қисмига айланди. Ҳолбуки, бундай ҳолат марксизм-ленинизм назариясига, унинг моҳияти ва мазмунига зиддир, миллатлар ва миллий тилларнинг тенг ҳуқуқлилиги ҳақидаги ленинча таълимотни инкор қилади. Турғунлик йилларида рус халқига ва рус тилига сажда қилиш давом этдигина эмас, янада кучайди. "Улуғ рус халқи" деганда қарсак чалиш қоидага айланди. Баъзи вақтда бу мақтовлар кўнгилни оздирадиган даражага етди. Аслида бу нарса рус халқини бошқа халқлардан ажратиб, уларга қарши қўйиш эди. Расмий равишда минбарлардан қайта-қайта айтилган бу иборалар, қарорлар орқали партиявий тус берилган мақтовлар мамлакатимиздаги миллатлар ва элатларни камситиб, уларда ноошкор равишда норозилик туғдирмасдан иложи йўқ эди.

Бу сиёсат жамиятнинг кўпчилик қисмига салбий таъсир кўрсатди, русларнинг етарли даражада ўқимишли бўлмаган қисмининг онгида "мамлакатнинг хўжайини биз эканмиз, буни раҳбарларимизнинг ўзлари қайта-қайта айтишяпти", деган комил ишонч пайдо бўлди. Уларда ўз миллий ери, эли, юрти, деган тушунчалар сусайиб, бутун Совет Иттифоқини ўз ери, ўз эли, деб билиш ҳисси зўрайди. Шунинг натижасида ҳозирги пайтда миллий жумҳуриятлардаги чалкаш ва ечилиши қийин масалалардан бири мамлакатда қандай қилиб миграцияни, яъни аҳолининг кўчиб юришини чеклаш масаласи бўлиб қолди. Ташвиқот ва тарғиботимизнинг изчил ҳаракати натижасида юзага келган бу ўзгаришлар ҳозирги пайтда мамлакатнинг иқтисодий аҳволига салбий таъсир кўрсатмоқда, чунки рус халқининг асл ери бўлмиш Ноқоратупроқ ва Қоратупроқ вилоятларда етмиш мингдан ортиқ қишлоқлар хонавайрон бўлиб, бўм-бўш ётибди, уларни аллақачонлар аҳоли тарк этган. Ҳолбуки, Россияни

Ўтмишда боққан ва Марказий Европани озиқ-овқат билан таъмин этган бу ерлар обод қилинмаса, озиқ-овқат масаласи ҳал бўлмайди ва Ярославль, Нижний Новгород, Смоленск, Рязань, Тула, Тамбов, Курск, Тверь, Воронеж, Брянск ва шу каби вилоятларда, мамлакатимизнинг йирик саноат ва маданий-маънавий марказларида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжи тўла қондирилмай қолаверади.

Озиқ-овқат сиёсати соҳасидаги йирик хатоларимиз биринчи навбатда рус халқига пугур етказди ва бу қийинчиликлардан ниқиш учун руслар мамлакат бўйича тўзий бошлади. Бу эса ўз навбатида баъзи хашаки назариётчилар томонидан олға сурилган миллатларни жадал равишда яқинлаштириб, қўшиб юбориш сиёсатини амалга оширишни тезлаштириш учун йўл очди. Аслида эса бу сиёсат руслаштириш сиёсатига айланиб кетди. Руслаштириш сиёсатини фош қилиш — миллий тилларга уларнинг ҳақиқий ўрнини эгаллашларининг зарурий шартидир. Руслаштириш сиёсатининг йўллари, талаблари миллионларнинг онгига сингиб кетган. Улар ўз тушунчалари ва қомил ишончларини ўзгартиришни истамайдилар, руслаштириш социализмни ривожлантиришнинг таркибий қисми, деб тушунадилар. Қайта қуриш янгича фикр юритишни талаб қилади ва биз бундай қарашлардан воз кечишимиз керак.

Рус халқининг улуглиги, рус тилининг мамлакатимиз миллатлари ва элатлари ҳаётидаги ижобий ўрни шубҳасиздир. Жаҳон моддий ва маънавий маданиятини бойитишда қилган хизматлари, оламшумул кашфиётлари ва ихтиролари, тарихнинг ҳал қилувчи паллаларидаги қаҳрамонлиги билан рус халқи инсониятнинг ҳурмати ва эъзозига эришди. Лекин рус халқига сиғиниш ва рус тилига сажда қилиш рус халқининг обрўсини оширмайди, донгига донг қўшмайди. Рус халқига ва рус тилига бўлган ҳурматимизни сиғиниш ва сажда қилиш билан эмас, рус моддий ва маънавий маданиятининг энг яхши, энг етук томонларини ўрганиш, ўз жумҳуриятимиз, ўз миллатимиз воқелигига уларни татбиқ этиш орқали билдиришимиз тўғри бўлади.

Миллий тиллар соҳасида бу сиёсат тилларнинг ривожланишини кўпинча сунъий ва бир томонлама йўлга буришга тиришди. Миллий тиллар маъмурий-буйруқбозлик социализми даврида тилнинг моҳиятига ёт ва зид бўлган кўрсатмалар, қоидалар ва тақиқлар исканжасида эдилар. Бу давр қайта қуриш туфайли ниҳоясига етмоқда. Ҳар бир мустақил жумҳурият асосий ерли аҳолисининг тилини давлат тили даражасига кўтариш учун кураш шу даврнинг тугалланишини тезлаштиради.

Қайта қуриш даврида миллатлараро муносабатлар соҳасида кўп кескин ва мураккаб масалалар ўртага ташланди. Шулар орасида энг кўп диққатни жалб этувчи масала давлат тили муаммоси десак, хато бўлмайди. Нима учун? Чунки турғунлик йилларида миллий тиллар кўп томонлама камситилди ва кўп миллатли жамиятимиз шу тарзда иш олиб борар экан, келгусида ҳам тилларнинг камситилиши янада давом этиши ўз-ўзидан аён бўлиб қолди. Қайта қуриш олға сурган қоидаларга суянган ҳолда, миллий тилларнинг ривожланиш йўллари кенгайтириш, уларни ҳимоя қилиш масалалари ҳар бир миллатнинг энг масъулиятли ва кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидан бирига айланди.

Миллий тилларнинг истиқболларини очиш ҳамда тараққий эттириш йўллари кенгайтириш масалаларини ўртага қўйиш ва ҳал этишда Болтиқ бўйи республикалари — Латвия, Литва ва Эстония — ташаббускор бўдилар. Бунинг ўз сабаблари бор. РСФСР, Украина ва Белоруссияда руслар, украинлар ва белоруслар тил жиҳатидан ниҳоятда яқин бўлгани учун бу масала кун тартибига қўйилмади. Кавказорти республикаларида — Грузия, Арманистон ва Озарбайжонда шу жумҳуриятларга ном берган миллатлар тиллари аллақачон давлат тили, деб эълон қилинган эди ва шунинг учун улар бу масалани ўртага қўйишлари ортиқча бўлур эди. Ўрта Осиё жумҳуриятлари эса ижтимоий-сиёсий ташаббускорлик соҳасида старли тарихий тажрибага эга бўлмаганликлари сабабли, кўпроқ бошқаларга ва юқорига қараб иш кўришни маъқул топдилар. Бундан ташқари, Ўрта Осиё жумҳуриятларида турғунлик йилларининг совуқ нафаси ўтмишдан мерос бўлиб қолган андиша, эҳтиёткорлик билан қўшилиб, давлат тили масаласига гоят даражада ҳадиксираб қарашга олиб келди. Бу нарса, айниқса, раҳбар муассасаларнинг ва миллий зиёлиларнинг юқори табақаларида анча вақт давомида билиниб турди ва давлат тили ғоясининг тарқалишида тўсиқ бўлди, бу жараёни секинлаштирди.

Давлат тилига бундай муносабат тасодифий эмас. Унинг сабаби давлат тили масаласининг назарий жиҳатдан ишланмаганлигидадир. Бизнинг кўп назарий масалаларга қарашимиз сталинизм даврида ташкил топган ва биз назарий соҳаларда ҳамон турғунлик асири бўлиб қолмоқдамиз. Сталинизм даврида эса биз фақат бир нарсани ўзлаштириб олганмиз, яъни гўёки В. И. Ленин давлат тилига қарши бўлган. Давлат тили масаласи ҳақидаги бу нотўғри қараш фикримизда ҳукмрон бўлиб келди. Ҳолбуки, 1922 йилдан 1953 йилгача Сталин В. И. Лениннинг давлат тили ҳақидаги ниҳоятда қимматбаҳо сўзларини яшириб

келган. Бу нарса партия XX съездида очиқ айтилди. Фақат 1956 йилдагина Ленин фикрлари "Коммунист" журнаги саҳифаларида чоп этилди.

В. И. Лениннинг "Миллатлар тўғрисидаги ёки "автономлаштириш" тўғрисидаги масалага доир", деган хати асл моҳияти билан кўп миллатли Совет давлатини, суверен республикалар федерациясини қандай сақлаб қолиш, мустақкамлаш ва ривожлантиришнинг ҳақиқий программасини беради. Ленин жаҳонда биринчи социалистик кўп миллатли давлат учун миллий тиллар масаласи нихоятда жиддий аҳамиятга эга эканлигини қайта-қайта уқтариб ўтади. Биз В. И. Ленин фикрларидан уchtасига эътибор берайлик: 1) миллий тилларни республикаларда "ишлатиш тўғрисида жуда қатъий қоидалар жорий қилиш ва бу қоидаларни жуда пухта текшириб туриш керак" (курсив бизники — Қ. Х.); 2) республикаларда миллий тиллар соҳасида суниестемолларга қарши курашмоқ учун батафсил ишланган қонунлар мажмуаси керак" (курсив бизники — Қ. Х.); 3) бу қонунлар мажмуасини фақат шу республикада яшовчи миллат кишиларигина... муваффақият билан туза олади"<sup>1</sup> (курсив бизники — Қ. Х.).

В. И. Ленин айтган фикрларнинг моҳиятини "қатъий қоидалар" ва "қонунлар мажмуаси" сўзлари очади. У тил тўғрисидаги қоидалар қатъий бўлсин, дейди. Бу нарсага эътибор беришимиз керак, чунки кўпинча қабул қилинган қарорлар қоғозда қолиб кетиши ҳаммамизга аллақачон маълум. Жумҳуриятимизда ўзбек тили давлат тили деб эълон қилинганга икки йил бўляпти. Маълум бир хулосалар яшаш учун вақт келди, десак бўлади. Шу нарса маълум бўлдики, ушбу Қонунни ҳаётга татбиқ этиш тарафдорлари орасида изчиллик ва қатъийлик етишмаётгани аниқ. Ҳа, Владимир Ильич шундай бўлишини ўша даврдаёқ сезган, чунки у улуг давлатчилик тазйиқида халқлар қанчалик ўз соясидан ўзи чўчишини билган. Бундан ташқари, ярим асрдан ошиқ давр ичида раҳбарият изчиллик билан омма орасида ва, биринчи навбатда, фирқа ҳамда давлат идораларида ишлайдиганлар онгидан миллий тилни, бу тилга бўлган муҳаббатни, мойиллиқни ва ҳурматни сиқиб чиқаришга интилиб келди. Шунинг натижасида миллатимиз вакиллариининг катта бир қисми ўз миллий тилидан узоқлашди, унинг сўзлари, иборалари, сўз бирикмаларини унутиб қўйди, кўпинча русчадан таржима қилиб гапирадиган бўлиб қолди. Уларнинг ўзбекча сўзлашишларини эшитиб, кулишингни ҳам билмайсан, йиғлашингни ҳам...

В. И. Лениннинг "қатъий қоидалар" ҳақидаги фикри яна

1 В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 45-жилд. 399—406, 405-бетлар.

шунинг учун ўринлики, жумҳуриятимизнинг Давлат тили тўғрисидаги Қонунини менсимайдиганларга нисбатан Ленин айтган ана шу қатъий қоидалар қўлланилмаяпти. Ҳолбуки, масаланинг энг нозик томонларидан бири худди шу қатъий чораларни кўра билишдадир. Рус тилида сўзлашувчи аҳоли чин маънода байналмилал тарбия олмай келган, ʘ чунки биз байналмилал тарбия рус бўлмаган аҳолигагина тегишли деб иш олиб борганмиз. Шунинг натижасида мамлакатимизда чор Россияси давридаги улуг давлатчилик сиёсати асл моҳияти билан совет ҳокимияти йилларида ҳам давом этиб келган. Ана шу боисдан рус тилини она тили деб билувчиларнинг кўпчилиги ўзини тил ҳақидаги ҳар қандай қоида ва қонундан холи деб билган ва билади. Улар учун ўзбекча ёки бошқа тилни билиш, ўрганиш қандайдир ноқерак ва ғайритабиий иш бўлиб кўринади. Давлат тили тўғрисидаги Қонунни улар олқишсиз кутиб олдилар.

Тарихда биринчи марта рус тилида сўзлашувчи аҳоли бошқа тилни ўрганишга даъват этилмоқда. Табиийки, мамлакатдаги миллатлараро муносабатларни қайта қуришда ҳар бир жумҳуриятда қабул қилинаётган ёки қабул қилинган Тил тўғрисидаги Қонун катта ўрин тутади. Рус тилида сўзлашувчи аҳоли вакиллари эса тил тўғрисидаги Қонун лойиҳаси муҳокамаси жараёнида асосан уч омилни олға суришни маъқул кўрадилар.

*Биринчидан*, дейдилар улар, совет социалистик жамиятида фуқарони бошқа тилни ўрганишга мажбур этиш мумкин эмас. Мажбурийлик — социализмга ёт нарса. Ким қайси тилни хоҳласа, ўша тилни ўргансин, хоҳламаса — ўрганмасин, — мана бу жамиятимизнинг демократик устунларидан бири, дейдилар улар. Бундай ўртоқларга жавобан айтиш керакки, ҳа, биз демократик ва инсонпарвар жамият учун курашмоқдамиз. Лекин, бу жамиятни қуришдан олдин нодемократик, ғайридмократик ўтмишимиз қолдирган "мерослар"дан қутилишимиз лозим бўлади. Буни эса мажбурийлик принциписиз амалга ошириб бўлмайди. Ана шу "мерос"лардан бири — жумҳуриятларда, шу жумладан, бизнинг жумҳуриятимизда миллий тилимизнинг камситилиши, унинг аста-секин иккинчи даражали тилга айланиб қолиши бўлди. Бу эса миллатимиз кенг доираларининг норозилигини ва, кўпинча ғазабини келтирмай иложи йўқ эди. Дарвоқе худди шундай вазият ва шундай муносабатлар деярли ҳамма жумҳуриятларда кўзга ташланди. Қайта қуриш бошлангандан сўнг миллатлараро муносабатлардаги кескинликлар ҳамма вақт ва ҳамма жойда тилларнинг тенглигини таъмин этишга бағишланган талабларни ўртага ташлашдан бошланди. Эстонлар, латишлар, молдаванлар, украинлар, тожиклар, ўзбеклар ва бошқа миллатлар биринчи нав-

батда ўзларининг миллий тилларини оёқ ости қилишни тўхтатишни талаб қилдилар.

Миллий тилларнинг бундай тенгсизлик ҳолатига тушиб қолиши ва уларнинг жамиятдаги мавқеи йилдан-йилга пасайиб боришини кўрган миллатлар қайта қуриш қондаларига суянган ҳолда ўз фикрларини ва талабларини олға сура бошладилар. Бундай кескин вазиятда фақат фавқулодда қарорлар қабул қилибгина муҳитнинг ўзгаришига эришиш миллатлараро муносабатларда пишиб етилаётган улкан можароларнинг олдини олиш мумкин эди. Қатор жумҳуриятларда ушбу республикага ном берган аҳолининг тилини давлат тили деб эълон қилиш бирдан-бир тўғри ва ўринли қадам бўлди. Эллик йилдан ортиқ давр давомида мамлакатда рус тилини, аслини олганда, мажбурий ўқитиш ва ўргатиш сиёсати амалга оширилди. Ва айна вақтда миллий тилларни ҳар томонлама камситиш сиёсати олиб борилди. Шундай экан, эндиликда йўл қўйилган хатоларни тузатиш, ҳамма тилларнинг ҳақиқий тенглигини таъминлаш учун ҳар бир жумҳуриятда яшайдиган аҳолини шу республиканинг давлат тилини ўрганишга ундаш ва шу соҳада изчиллик билан иш олиб бориш миллий сиёсатни амалга оширишнинг самарали йўлидир.

Ҳозирги миллатлараро муносабатларни яхшилашни истайдиган ҳар бир фуқаро, миллатидан қатъи назар, давлат тили тўғрисидаги Қонунни тўла равишда амалга ошириш учун ўз ҳиссасини қўшиши даркор. Вазифа Қонуннинг қайси банди яхши, қайсиниси ёмон деб гап сотишда эмас, балки шиддат, ҳаракат ва изчиллик билан шу Қонунни амалга оширишдан иборатдир. Давлат тили тўғрисидаги Қонун қанчалик муваффақият билан ҳаётга сингдирилар экан, миллатлараро муносабатлар соҳасида янги тўқнашувлар ва низоларга шунчалик кам ўрин қолади. Зеро мазкур Қонун бутун жумҳуриятимиз халқининг иродасини билдиради.

Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисидаги Қонунида "мажбур" деган сўз йўқ. Лекин, Қонуннинг бутун руҳи, йўналиши ва мақсади мажбурийлик маъносини билдиради. "Мажбур" деган сўз ўрнига ўзбек тилини билмайдиган шахслар "давлат тилини етарли даражада билишлари шарт", "билишлари лозим", бу тилдан "битирув имтиҳонлари топширилади" ва шу каби иборалар, сўзлар ишлатилганки, улар бизнинг фикримизни тасдиқлайди.

Демак, тилни мажбурий ёки ихтиёрий ўрганиш керакми деган саволни умуман ва мавҳум равишда қўйиш мумкин эмас. Бу савол, илм-фан талаб қилганидек, муайян ва аниқ вазиятга боғлиқ ҳолда қўйилиши мақсадга мувофиқдир. Масала ана шу тарзда ҳал этилса, маълум бўладики, жумҳуриятлар миллий

тилларини давлат тили деб эълон қилиш ва шу асосда уларни ўрганиш ва билиш шу жумҳуриятда яшаш, истиқомат этишнинг зарурий ва узвий шарт и эканлиги бутунлай табиий экан.

Рус тилида сўзлашувчи аҳолининг маълум қисми жумҳурият миллий тилининг давлат тили сифатида эълон қилинишини ноқерак нарса деб топиши гўёки яна бир жиддий асосга эга. Бундай фуқаролар "нима учун давлатимиз молиявий тангликда қийналиб турганда, Ўзбекистон жумҳурияти давлат тилини киритиш учун миллион-миллион сўмлаб маблағ сарфлаши керак экан?!" деб, ўз норозиликларини билдирдилар. Бу — рус тилида сўзлашувчи аҳоли олға сураётган *иккинчи омилдир*. Албатта, тил тўғрисидаги жиддий ва нозик масалани фақат пулга, маблағга боғлаш нотўғри бўлади. Тил сиёсатини қўпол тарзда бузиш натижасида миллатлараро муносабатлар янада кескинлашди. Бу кескинликлар қонли тўқнашувларга ва фалокатларга олиб келди. Юзлаб ҳалок бўлганларнинг жонини қанчага баҳолаймиз?! Минглаб майиб ва ногирон бўлганларни-чи?! Минглаб кўкка созурилган хонадонлар, вайрон бўлган оилалар, ҳаётдаги суянчигидан жудо бўлган оналар ва болалар, пароканда бўлган маҳаллалар, тўхтаб қолган корхоналар ва ҳоказолар, — буларнинг ҳаммасини қандай ўлчов билан ўлчаш мумкин?! Бундай фожиалар натижасида жамиятимиз кўп-кўп миллиардларсиз қолди.

Миллат, миллий онг, миллий ўзига хослик, миллий тил, миллий маданият — буларнинг ҳаммаси ҳеч қандай пул ва маблағ билан ўлчаб бўлмайдиган қадриятлардир, бсбаҳо нарса-лардир. Агар биз иккиланмай туриб, шубҳаланмай туриб миллион-миллион сўмни ўзбек миллий тилининг мавқисини тиклаш ва кўтаришга сарфласак ва шу йўсинда жумҳуриятимизни, халқимизни, миллатимизни қонли ёки қонсиз фожиалардан сақлаб қола билсак, шу миллионлар ўрнига ўн ва юз баравар кўп самара оламиз.

Лекин, умуман олганда, давлат тилини ҳаётга татбиқ этиш, уни кундалик турмушимизга сингдириш пул кучи билан эмас, балки бутун миллат, халқ ғайрати, ҳаракати, жонқуярлиги, ташаббуси натижасида амалга ошиши тўғри бўлади. Ўз миллий тилини тарқатишга хизмат қилиш — ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Бу олижаноб вазифанинг ўзига ярашиқ нозик томони бор. У ҳам бўлса шундан иборатки, у биздан жуда катта сабр-тоқат, изчиллик ва совуққонликни талаб қилади. Тилни ўрганиш ва, айниқса, ўзга тилни ўзлаштириш жаҳонда энг мураккаб вазифалардан биридир. Ўзга тилни билиб олдим дейиш учун энг камда унинг бир ярим мингта сўзини ўзлаштириб билиб олиш керак. Шу бир ярим мингта сўзининг қандай ёзилишини, қандай талаффуз этилишини, оғзаки нутқда бошқа



сўзлар билан қандай мослашиб келишини, барча келишикларни, феълларнинг қандай тузилишини ва шунга ўхшаш ўнлаб бошқа қоидаларни билиб олиши керак бўлади. Шу қоидалар сонини юқорида айтиб ўтилган бир ярим мингга зарб қилсак, жуда улкан рақамнинг пайдо бўлганини кўрамиз. Демак, битта тилни "ўргандим" дейиш учун бир неча минг сўз, қоида ва хулосаларни ўзлаштириб олиш лозим бўлади ва уларни янги тилда сўзлашган пайтда бира тўла ишлата билиш, қўллай билиш лозим бўлади. Шундай экан, рус тилида сўзлашувчилар ўзбек тилини ўзлаштириб олишлари учун анча-мунча вақт талаб қилинади. Шу нарсаларни инобатга олишни истамаган кишилар рус тилида сўзлашувчилар миллий тилимизни ҳозироқ ўзлаштириб олишларини шарт қилиб қўймоқчи бўладилар. Ҳолбуки, бунақа талаблар тилни ўзлаштиришни тезлатиш ўрнига бу жарафни секинлаштиради, одамларни ўзбек тилидан бездиради.

Рус тилида сўзлашувчи аҳолининг ўзбек тилини ўзлаштириши яна бир сабабга кўра аста-секин бориши аниқдир. Бунинг сабаби ўқув-ўрганув воситаларининг етишмаслиги, ўқув қўлланмаларининг камлиги, дўғатларни топиш қийин муаммо эканлигидадир. Бунинг устига устак рус мактаблари учун ўзбек тили муаллимлари тайёрлаш ҳали йўлга қўйилган эмас.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, рус тилида сўзлашувчи аҳолидан ўзбек тилини ўрганишни талаб қилганимизда, юқорида санаб ўтилган нарсаларни кўзда тутиш мақсадга мувофиқ бўлади. Албатта, бу фикрлар ўзбек тилини ўрганишни туя гўшти еган бир муаммога айлантириш деган гап эмас. Рус тилида сўзлашувчи аҳоли шундай Қонун борлигини билиши, уни бажариш лозим эканлигини ва бунинг учун бу ишга ҳар куни диққат-эътибор ажратиш кераклигини ёдидан чиқармаслиги долмиш ва ҳаётий талабга айланиши керак бўлади.

Рус тилида сўзлашувчи аҳолининг анчагина қисми ўзбек тилини ўрганиш тўғрисида сўзлаб, яна ўз фикрларини исботлаш учун *учинчи омилни* келтирадилар. "Нима учун, дейдилар улар, биз Совет Иттифоқида худди Америка Қўшма Штатларидагидек тартиб ўрнатмаймиз? Ахир, уларда битта давлат ва битта тил мавжуд. Улар тил масаласини жуда осон ва оддий йўл билан ҳал қилганлар. Маҳаллий шароитларда ҳар бир америкалик хоҳлаган тилида сўзлашаверсин, лекин жамиятда ҳамма учун умумий бўлган битта тил бор. Уни ҳамма билиши шарт. Маҳаллий тилларни эса хоҳлаган фуқаро билади, аммо кимдидир мажбур қилиш мумкин эмас. Биз ҳам АҚШдагидек тартиб ўрнатсак бўлмайми?"

Табиийки, биз бундай "маслаҳатни" қабул қилишимиз мумкин эмас, асло. АҚШ билан биздаги шарт-шароитни қиёслаш бутун-

лайн нотўғри бўлур эди. АҚШ — кейинги икки юз йил давомида юзага келган давлатдир. Унинг аҳолиси асосан Европадан ва шунингдек, Африка қитъасидан кўчиб келган ёки мажбуран кўчириб олиб келинган аҳолидан иборат. Мамлакат аҳолиси ўнлаб миллат ва элатлар вакилларининг аралашиб кетиши натижасида ташкил топган. АҚШ ҳудудига кўчиб келган ҳар бир одам ўзининг ўтмиши билан видолашиб, тарихий илдиэларини узиб, кейин келади ва янги миллатнинг аъзосига айланади, шу миллатнинг тили, маданияти, урф-одатларини ўзлаштиради.

Бизнинг мамлакатимизда эса шарт-шароит ва аҳвол бутунлай бошқачадир: ҳар бир миллат ва элат ўз тили, ўз ҳудуди, ўз маданияти, урф-одатлари ва аъёналарига эгадир. У шу ҳудудда асрлар давомида яшаган ва ривожланган. Унинг илдиэлари чуқур ва кенг ёйилиб кетган. Ҳар бир миллат ва элат тарихий тараққиёт жараёнида аста-секин ўз миллий хусусиятларини, ўзига хос томонларини шакллантирган. У ўз тарихи, ғалабалари, фан, техника, санъат ва адабиёт соҳаларидаги муваффақиятлари билан мағрурланади. Ҳар бир миллат ва элат ўз тили ва адабиёти, санъати ҳамда иқтисодини эркин ва ҳар томонлама ривожлантиришга ҳаракат қилади. Шунинг учун бу ранг-баранг тилларни, маданиятларни, урф-одат ва аъёналарни бирлаштириб қўшиб юборишга ҳаракат қилиш энг ғайритабиий, ғайриинсоний ва ғайриилмий иш бўлур эди...

Ҳар томонлама гуллаб-яшнаш ва ихтиёрий равишда яқинлашиш сиёсати умуман тўғри йўл бўлиб, жуда узоқ даврларга чўзилиши табиийдир. Ўтган олтмиш-етмиш йил давомида биз бу сиёсатни юзаки ва сохталаштириб тушунганмиз. Яъни оддий геометрия даражасидагина фарз қила олганмиз: "Чексиз яқинлашиш мумкин эмас, яқинлашиш қўшилишга олиб келмасдан иложи йўқ". Ҳолбуки, миллатларнинг яқинлашиши мактаб геометрияси қонунларига бўйсунмайди: миллатнинг гуллаб-яшнаши аслида унинг бошқа миллатлардан узоқлашишисиз мумкин эмас. Бу жараён тушунарли бўлсин учун бир нарсани фарз қилайлик: агар завод кенгайса, яъни ривожланса, унинг цехлари бир-биридан узоқлашади, чунки цехларни кенгайтириш шуни талаб қилади. Миллатлар ҳам шундай. Шу билан бир вақтда ишлаб чиқариш кенгайгани сабабли цехлар орасидаги борди-келди муносабатлар жадаллашмасдан иложи йўқ. Демак, ривожланиш натижасида улар, бир томондан, бир-бирларидан узоқлашадилар ва, иккинчи томондан, улар бир-бирлари билан яқинлашадилар. Лекин цехларнинг бир-бирларига қўшилиб кетиши қайтанга эҳтимолдан янада узоқлашади. Миллатларнинг гуллаб-яшнаши ва ихтиёрий яқинлашиши ҳам ана шундай нисбий ҳаракатга эга бўлиб, аслида уларнинг қўшилиб кетишига сабабчи бўлмайди.

Демак, совет воқелиги шундайки, мамлакатимиз кўп миллат-лилигича қолаверади. Шундай экан, вазифа миллат ва элатларни қандай қилиб тезроқ бир-бирига қўшиб юбориш тўғрисида эмас, қандай қилиб уларнинг орасида бир-бирига ишонч, бир-бирига ҳурмат ва ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш тўғрисида бориши керак. Бу ўзаро ҳурмат ва ҳар томонлама ҳамкорлик фақат илғор техникага, фанга суянганидагина ҳақиқий ва самарали бўлиши мумкин. Утган етмиш йил давомида халқлар дўстлиги ва жумҳуриятлар ҳамкорлиги шунинг учун дабдабали ва сунъий бўлдики, у кўпроқ оғизда, қоғозда бўлди, чунки жумҳуриятлар, миллат ва элатлар орасидаги ўзаро иқтисодий мажбуриятлар ҳар йили, тез-тез бузилди. Бу эса ўз навбатида маҳсулот сифатига, халқ фаровонлигининг ўсишига салбий таъсир кўрсатди, халқлар дўстлигига жиддий пугур етказиб келди. Афсуски, бу ўз-ўзидан аён нарсаларни тушунмайдиغانлар орамизда бор. Бу тоифадаги киши, айниқса, хўжалик ходимлари орасида кўплаб учраб туради.

Бу нозик масалани тушунтиришда катта миллат билан кичик миллат ёки элат психологияси орасидаги фарқни ҳам инобатга олишга тўғри келади. Жамият тарихини, шу жумладан, ўз мамлакатимиз тарихини синчиклаб ўрганиш шуни кўрсатадики, йирик ва катта миллат нима учундир ҳамма вақт яқинлашиш ва қўшилиш тарафдори бўлиб майдонга чиқади, майда миллатлар ва элатлар эса бундан озми-кўпми бош торгадилар. Шунинг учун бизнинг ташвиқот ва тарғиботимиз байналмилал тарбиянинг асосий кучларини майда миллатлар ва элатлар томон йўналтирганлар.

Катта миллат шунинг учун ҳар томонлама яқинлашиш ва қўшилиб кетиш тарафдоридирки, бу қўшилиш натижасида у фақат ютади, чунки янада йириклашади. Кичик миллат ёки элат эса бу катта миллатнинг ичида йўқ бўлиб кетиш ва миллат ёки элат сифатида тарих саҳнасидан ғойиб бўлиш хавфи остида бўлади. Бу нарсани ўзимизнинг етмиш йиллик тарихимиз сабоқларида кўриб турибмиз. Демак, миллат ёки элат қанчалик кам сонли бўлса, уларнинг дарди шунчалик катта. Шундай экан, миллий сиёсатни амалга оширишда биринчи навбатда эътибор майда ва кам сонли миллат ва элатларга қаратилиши тўғрироқ бўлади.

В. И. Ленин миллий масала, шу жумладан, миллий тиллар масаласига эътибор бериб, ҳар бир жумҳуриятда бу тўғрида "қонулар мажмуаси" бўлиши керак дейди, яъни бир эмас, бир неча қонулар бўлиши лозимлигини уқтириб ўтади. Лениннинг бу фикри ҳам жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Гап шундаки, Ўзбекистон жумҳурияти пайдо бўлгандан сўнг ўтган олти беш

йил ичида биринчи марта янги мураккаб вазиятда тил тўғрисида Қонун қабул қилинди. Бу — биринчи жиддий қадам. Лекин шу билан жумҳуриятимизда миллий тилга тегишли ҳамма масалалар ҳал бўлди, дея олаимизми? Йўқ, албатта. Биринчидан, ўзбек тили тўғрисидаги Қонунда миллий тилларга тегишли ҳамма муаммолар ҳал қилинди, дея олмаимиз. Миллий тилимизга бўлган эътибор пасаймасин учун вақти-вақти билан янги қонун, қонунга қўшимча ёки ўзгартишлар қабул қилиниши лозим бўлади. Бундан ташқари, ўзбек миллий тили билан бир қаторда жумҳурият аҳолисининг бошқа миллатларга мансуб вакиллари тилларига тегишли қарор ёки бошқа давлат ҳужжатлари қабул этилиши мақсадга мувофиқдир.

В. И. Ленин берган ана шу маслаҳатлар матбуотда эълон қилинмай, 1956 йилгача, яъни Сталин шахсига сиғиниш КПСС XX съездида фош қилинмагунча, унинг пўлат сандиғига беркитиб қўйилган. Айни вақтда 30-йиллар давомида миллий тилларни камситадиган учта жиддий қарорлар қабул қилинди. Уларнинг биринчиси ВКП(б) ХУІ съездида маъқулланган миллий тилларнинг қўшилиб кетиш назаъияси эди. Биз бу тўғрида юқорида сўзлаб ўтдик. Иккинчи қарор 1938 йил 13 февралда "Миллий жумҳуриятларда рус тилини мажбурий ўқитиш тўғрисида" деган ном билан чиқди. Унда рус тилининг кўпмиллатли Совет давлати фаолияти ва ҳаётидаги ўрни очиб кўрсатилган; унинг, биринчидан, жумҳуриятларнинг ўзаро ҳамкорлигидаги воситачилиги, иккинчидан, республикалар учун фан, техника, sanoat соҳасида кадрлар тайёрлашдаги ижобий таъсири ва, учинчидан, мамлакат мудофаасини кучайтиришда, ерли ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашдаги зарурлиги таъкидлаб ўтилган эди. Табиийки, ўз вақти учун бу қарор жуда керак ва зарур эди. Бу қарор асосида барча республикалар партия ташкилотлари жуда катта иш бошлаб юбордилар. 1938 йил 19—27 апрель кунлари Тошкентда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Ўз КП(б) МК нинг биринчи котиби Усмон Юсупов катта маъруза қилди. Масала ҳар томонлама муҳокама этилиб, кенг қарор қабул қилинди. Шу қарор асосида рус тилига бўлган эътибор тубдан ўзгарди. 1938—1941 йиллар давомида ўзбек ўрта мактабларида рус тилига ажратилган соатлар сони 400—450 соатдан 1100—1300 соатга етказилди. Бу масала билан бевосита партия комитетлари шуғуллана бошладилар ва аста-секин рус тили миллий мактабларда "1-ўриндаги ўқув предмети"га айланди. Рус тилига ажратилган ўқув соатлари кейинчалик 1300 соатдан 1650—1800 соатгача кўтарилди. Ўрта мактабда рус тилини ўрганишга бутун ўқув давомида ўқув вақтининг 14,8 фоизи ажратиладиган бўлди.

Қарор мамлакатнинг урушга тайёрланишида, кадрлар тайёрлашда ва жумҳуриятларнинг ҳамкорлиги мустаҳкамланишида ижобий роль ўйнади. Шу билан бирга, бу қарор аста-секин ўзининг ижобий таъсирини йўқотди ва ҳатто рус тилининг мамлакат бўйлаб тарқалишига салбий таъсир кўрсата бошлади. Чунки бу қарор асл моҳияти билан тиллар тўғрисидаги ленинча таълимотга зид эди. У рус тилига расмий имтиёз бериб, тилларнинг тенг ҳуқуқлиги қондасини қўпол равишда бузди, миллий тилларнинг камситилишига йўл очди, миллий мактабларнинг рус тилидаги мактаблардан орқада қолиб кетишининг сабабларидан бири бўлди. Бунга ишонч ҳосил қилиш қийин эмас: ўн йил давомида дарслар она тилида ўтиладиган мактабларда болалар деярли 15 фоиз вақтни рус тилини ўрганишга сарф этиб турганларида, рус тилидаги мактаблар талабалари худди шу соатларда ўзларининг математика, физика, химия ва бошқа ўқув йўналишлари бўйича билимларини янада чуқурлаштирадидлар. Бу нарса, айниқса, ўтмишда қолоқ бўлган халқларга салбий таъсир кўрсата бошлади. Бундай ачинарли аҳволни кўрган ота-оналар ўз фарзандларини кўпинча рус тилидаги мактабларга беришни маъқул кўрдилар.

Қар бир жумҳурият раҳбарлигининг рус тилига бўлган муносабати шу раҳбариятнинг иш юритиш даражасини баҳолашда асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб қолди. Қар бир раҳбар ташкилот рус тили бўйича қарор қабул қилишни, рус тили соҳасида қандайдир кичкина бўлса ҳам ташаббус кўрсатишни ўзининг фахрли бурчи, деб биладиган бўлди. Айни вақтда миллий тилларни ўқиш-ўқитишни яхшилаш тўғрисида, ёмонларни жазолаб, яхшиларни рағбатлантириш тўғрисида қарор қабул қилишнинг ўзини миллий чекланганликнинг маълум бир кўриниши, деб баҳолашгача борилди. Бу сиёсат охир оқибатда миллий тилларнинг иккинчи даражали тилга айланишига олиб келди. Миллий зиёлиларнинг анчагина қисми ўз миллий тилидан онгли ёки онгсиз равишда чекина ва узоқлаша бошлади. Уларнинг фарзандлари эса кўпинча этник ва ирқий жиҳатдан ўз миллатига мансуб бўлса ҳам, тил, тарбия, шарм-ҳаё, муомала жиҳатидан ўз миллатидан узоқ бўлиб ўса бошлади.

Афсуски, бу ўзгаришлар асл моҳияти билан руслаштириш сиёсати эди, сталинча миллатлар ва миллий тилларнинг қўшилиб кетиши сиёсатининг ҳаётга тадбиқ этилиши эди. 1939 йилдан 1941 йилгача давр ичида кўпчилик иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятларда амалга оширилган янги, русча алифбога ўтиш натижасида юқорида айтиб ўтилган жараёнлар янада тезлашди.

Суверен республикаларда шу жумҳуриятга ном берган миллатнинг тилини давлат тили, деб эълон қилиш масаласи Сталин вафотидан сўнг бошланган "илиқ ўн йиллик" даврида қўйилиши ва ҳал этилиши мумкин эди. Лекин Н. С. Хрущев бошчилигидаги раҳбарлар ўзлари сталинизм шароитларида тарбияланган, шаклланган ва шу сабабли ўша давр маромида иш кўрадиган кишилар эдилар. Улар сталинизм даврида тилдан тилга, қарордан қарорга кўчиб юрган "халқлар дўстлиги тантана қилди", "республикалар ҳамкорлиги мустаҳкамланмоқда" каби умумандаза гапларни қайтаравердилар. Ундан кейинги бошланган турғунлик йилларида эса халқлар дўстлиги мавзуи жамиятимиз аъзоларининг хиргойисига, умумий тадбирларнинг нақоратига айланиб қолди, дессак янглишмаймиз.

Миллий тил қошонаси ва истеҳкомини юзага келтириш ва мустаҳкамлаш осон иш эмас. Бу қошона ва истеҳкомни ярим асрдан ошиқ давр ичида мунтазам равишда барбод этмоқчи бўлдилар. Лекин у қамал қийинчиликларидан бутун чиқа олди.

Мамлакатимиздаги ҳар бир мустақил жумҳуриятга ном берган миллатнинг тилини давлат тили деб эълон қилиш, шубҳасиз, тарихий заруриятдир. Ҳар бир тилни давлат тили даражасига кўтариш жамият қаърида янги туйғу; янги куч, янги кўтаринкиликни юзага келтирадигани, бусиз ривожланиш жараёни секинлашади ёки ҳатто таназзулга юз тутаяди.

Ҳали В. И. Лениннинг миллий тиллар ҳақидаги маслаҳатлари ва васиятларига амал қилинган кезларда, яъни 20-йилларнинг ўрталарида барча жумҳуриятларда миллий тиллар давлат тили деб эълон қилинган эди. Шу жумладан, 1925 йилда Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитаси жумҳуриятда ўзбек тилини давлат тили деб эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Шу асосда анчагина ижобий иш амалга оширилди, ўзбек тилидан қайси соҳаларда, қай тартибда фойдаланиш, тилни ўргатиш ва бошқа масалалар ҳал этила бошлади.

Демак, ҳозирги пайтда давлат тили тўғрисида гап борар экан, биз бу масалада биринчи кашфиётчилар эмасмиз. Жамиятимиз қайта ҳуриш оқимидан фойдаланиб, В. И. Ленин ўртага қўйган масалани, кечикиб бўлса ҳам, ҳал қилди, норасмий равишда бекор қилинган давлат тили ҳақидаги қарорларни тиклади. Лекин давлат тили масаласи деярли олтинчи йил давомида тадқиқот ва муҳокама мавзуи сифатида ҳуш кўрилмагани, бу тўғрида ҳеч нарса ёзилмагани учун кўпчилигимиз 1925 йилги қарор ва бошқа тадбирлар ҳақида деярли ҳеч нарса билмаймиз. Айни бир вақтда

В. И. Ленин давлат тилига қарши бўлган, деган фикр жамия-тимизда кенг тарқалиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

В. И. Ленин давлат тили ғоясига қарши эди, дейиш маълум шахсларнинг манфаатларига монанд бўлган, чунки шу фикр орқали умуман миллий тиллар тўғрисида қабул қилинган қонунлар ва қарорлар нотўғри эканлиги худди ўз-ўзидан кучини йўқотарди.

Масалага ойдинлик киритиш учун бу ҳақда батафсилроқ тўхталиш жоиздир, албатта. В. И. Ленин давлат тили масаласида иккита бир-бирини инкор этувчи фикрни айтиши мумкин эмас эди. У инқилобдан илгари Россия империясида рус тилини умумдавлат мажбурий тили, деб эълон қилинишига кескин равишда қарши чиққан<sup>1</sup>. Давлат тили тарафдорлари "рус тилини норус халқларга мажбурий ўргатиш уларнинг жаҳон маданияти билан яқиндан танишишига хизмат қилади, ўзаро мулоқотларини енгиллаштиради, Россиянинг бир бутун давлат сифатида мавжуд бўлишига ҳам монандир", дея гўёки қолақ халқлар ҳақида азият чеккандек бўлардилар. В. И. Ленин бундай фикрларнинг пуч ва асоссиз эканлигини кўрсата олди. "Ўзининг ҳаёт ва иш шароитлари жиҳатидан рус тилини ўрганишга эҳтиёжи бўлган кишилар бу тилни калтаксиз ҳам ўрганиб оладилар"<sup>2</sup>, деб ёзди у. Демак, масаланинг тўғри ҳал этилиши учун мамлакат халқлари яшаб турган кундалик ҳаёт шароитларини асос қилиб олиш керак, дейди В. И. Ленин. У бу фикрларини 1913 йил сентябрида ёзилган "Тиллар масаласида либераллар ва демократлар" мақола-сида, ўша йили Коммунистик партиянинг фаол назарийчилари-дан бири С. Г. Шаумянга йўлаган хатида ҳар томонлама асослади. Айниқса, 1914 йилда эълон қилинган "Мажбурий давлат тили керакми?" деб номланган мақоласида В. И. Ленин ўз фикрини қуйидагича ёритади: "...Мажбурий давлат тили мажбур қилишга, уриб ўргатишга олиб боради. Биз, улуг ва қудратли рус тилини ҳеч бир кишининг калтак остида ўрганиши учун ҳожат йўқ, деб ўйлаймиз". У ўз фикрини давом эттириб: "Мажбур қилиш (калтак) эса фақат биргина нарсага сабаб бўлади: у бошқа миллий группаларнинг улуг ва қудратли рус тилини ўрганишини қийинлаштиради, ҳаммадан ҳам кўра — душманликни кучайтиради, сон-саноқсиз низолар туғдиради, бир-бирини тушунмаслик ва ҳоказоларни кучайтиради", дейди<sup>3</sup>.

1 В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 24-жилд, 329—332-бетлар.

2 Ўша жойда, 331-бет.

3 Ўша жойда, 331-бет.

Демак, В. И. Лениннинг бу фикрлари тасодифий бўлган эмас, уларни қайта-қайта атрофдагиларга уқтирган. Яъни, чоризм шароитида, миллий тенгсизлик, миллий эзиш мавжуд жамиятда катта миллат тилини мажбурий давлат тили, деб эълон қилиш ниҳоятда ноўрин қадам бўлади ва, Ленин айтганидек, рус тилини норус аҳоли томонидан ўрганишни қийинлаштиради, улар ўртасида сон-саноқсиз низолар туғдиради, газабланиш, бир-бирини тушунмаслик ва ҳоказоларни кучайтиради. Бу эса турли миллат меҳнаткашларининг инқилобий курашда жипслашишини секинлаштиради, уларнинг куч-гайратини ижтимоий-сиёсий кураш соҳасидан миллатлараро тўқнашувлар ва можаролар томонга буради.

В. И. Лениннинг юқоридаги фикрларини яхши ўзлаштириб олган баъзи ўртоқлар, "ҳақиқатда ҳам чор Россияси шароитида рус тилини давлат тили, деб эълон қилиш нотўғри бўларди. Буни бизга Ленин тушунтириб берди. Шундай экан, миллий зулм ва миллий нотенглик йўқ совет жамиятида рус тилини республикалар миллий тиллари билан бир қаторда давлат тили, деб эълон қилиш мумкин", дейдилар ва ўз фикрларини жонжаҳдлари билан исботлашга уринадилар. Бундай фикрлаш бутунлай нотўғри бўлиб, на ялмий ва на амалий асосга эга. Совет кўп миллатли давлатидаги аҳволни таҳлил қиларкан, В. И. Ленин масаланинг янги намоён бўлган жиддий томонларига эътибор берди: социалистик жамият шароитида миллатларнинг мавҳум расмий тенглигига суяниб иш кўриш катта хато бўлади, чунки ҳаётда катта миллат фойдасига ҳақиқатан тенгсизлик юз беради. Катта миллат ва кам сонли миллатлар ўртасидаги ҳаётий тенгсизликни бартараф қилиш учун, дейди Ленин, катта миллат кам сонли миллатларга нисбатан ён бериши, эҳтиёткорлик, тадбиркорлик ва илтифот кўрсатиши керак<sup>1</sup>.

Бу нарсалар, ҳақиқатан жуда жиддий маъно касб этади. Масаланинг ана шу томонини кўзда тутиб, В. И. Ленин бундай деган эди: "Буни тушунмаган киши миллий масалага ҳақиқатан пролетарларча муносабатда бўлишни тушунмайди, ундай киши аслда майда буржуа нуқтаи назарида қолган бўлади ва шунинг учун минут сайин буржуа нуқтаи назарига тойиб кетмасдан қололмайди"<sup>2</sup>.

Кўп миллатли совет давлатида рус тилини давлат тили, деб эълон қилиш ана шу, Ленин ибораси билан айтганда, "ҳаётда

1 В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 45-жилд, 402—403-бетлар.

2 Уша жойда.



ҳақиқатан юз берадиган тенгсизлик"ни янада жиддийлаштиради, чуқурлаштиради, катта миллат билан кам, сонли миллатлар ўртасида зимдан янги зиддиятлар юзага келтиради. Биз рус тилини Совет давлатининг расмий давлат тили, деб эълон қилиш йўлидан эмас, балки Ленин айтган йўлдан, яъни жамиятимизда "рус тилини ҳимоя қиладиган ва тарқатадиган иттифоқларни ўн баравар (минг баравар)"<sup>1</sup> ошириш йўлидан олға бормоғимиз керак.

В. И. Лениннинг рус тилининг чоризм давридаги ўрни қандай бўлиши керак ва совет даврида бу масала қай тарзда қўйилиши лозим, деган саволларга жавоби, кўриниб турибдики, жуда аниқ бўлган. Нима учун у чоризм вақтида рус тилининг давлат тили, деб эълон қилинишига қарши бўлатуриб, социалистик жамиятда миллий тилларга нисбатан бутунлай бошқа фикрни олға сурди, деган савол туғилади. Чунки, социалистик жамиятда ҳамма миллий тиллар, шу жумладан рус тили, тенг ҳуқуқли, деб эълон қилинади. Агар кўп миллатли социалистик жамият шу тенгликни эълон қилиш билан чекланса, тиллар нотенглиги ўтмишдагидек ўзгармай қолаверади: шубҳасиз, катта миллат тилининг имкониятлари кенгроқ ва кўпроқ, унинг илмий ишланиш анъаналари, луғатининг бойлиги ва бошқа гомонлари бу тилни ўз-ўзидан имтиёзли даражага кўтаради. Ана шу сабабли кам сонли миллатларга нисбатан "ҳаётда ҳақиқатан юз берадиган тенгсизлик" катта миллат тилининг тенгсизлиги ҳисобига қопланиши лозим. Ленин ғояси бўйича, бундай аҳволга эришишнинг фақат бир йўли бор: социалистик жамиятда кам сонли миллатларнинг тиллари давлат тили, деб эълон қилингани ҳолда, катта миллатнинг тили, аксинча, давлат тили, деб эълон қилинмаслиги мақсадга мувофиқдир.

Мана шу масалала ҳам В. И. Ленин тилларнинг тенглиги масаласига мавҳум эмас, ҳаётий, реалистик ёндошишнинг ёрқин мисолини намойиш қилди.

Яна бир диққатга сазовор нарсa шундан иборатки, В. И. Ленин миллий тилларга нисбатан "давлат тили", деган иборани ишлатмаган. Унинг эҳтиёткорлиги асосли бўлган: чор Россиясида давлат тили мақоми рус тили учун ҳужум қуроли эди, совет жамиятида эса давлат тили мақоми миллий тиллар учун ҳимоя қуролига айланди. Демак, инқилобдан сўнг "давлат тили" иборасининг маъноси тубдан ўзгарди ва шу сабабли В. И. Ленин "миллий тил тўғрисида батафсил қонулар мажмуаси", деган

1 В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 48-жилд, 279-бет.

сўзлар билан "давлат тили"нинг маъносини бермоқчи бўлди. Хуллас, совет жамиятида бу қонунлар миллий тилларни ҳимоя қилиш, шу йўсинда уларни катта миллат тили билан тенглаштиришга хизмат қилади. Бу чораларсиз СССРда тилларнинг ҳақиқий тенглиги ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас; расмий тенглик эса тиллар орасидаги зиддиятларнинг чуқурлашишига олиб боради, холос.

Ҳар бир жумҳуриятда асосий ерли аҳолининг тилини давлат тили, деб эълон қилиш Совет ҳокимиятининг ўтган етмиш йиллик тарихи давомида миллий сиёсат соҳасида йўл қўйган қўпол ҳатоларини тузатишда энг муҳим қадамлардан биридир. Ҳозирги пайтда биз давлат тили масаласида тарихий ҳақиқат ва ижтимоий адолатни тиклаб, Ленин қолдирган васиятни ва унинг тавсияларини, кечикиб бўлса ҳам амалга оширмоқдамиз, холос. Бу ерда ҳеч қандай миллатчилик, миллий чекланганлик тўғрисида сўз бўлиши мумкин эмас.

Ўзбек тилини давлат тили, деб эълон қилиш масаланинг биринчи ва энг осон томонидир. Агар шу тўғрида қонун қабул қилинса-да, лекин бу қонун қоғозда қолиб кетаверса, унинг ҳеч кимга кераги йўқ, чунки вазият ўзгармай қолаверади. Давлат тили тўғрисидаги қонунни амалга ошириш қатта ирода ва изчил меҳнатни талаб қилади. Бу меҳнатга бутун миллат тортилиши лозим. Бунинг учун ҳар бир киши биринчи навбатда ўз она тилини мукамал ва бекаму кўст ўзлаштириб олиши, юксак тил ва нутқ маданиятига эга бўлиши шарт.

Давлат тили амал қилиши муносабати билан пайдо бўладиган жиддий масалалардан бири жумҳуриятдаги давлат тилини ерли бўлмаган аҳоли томонидан ўрганишни йўлга қўйишдир. Давлат тилини ўрганиш ва билиш шарт. Бу — шубҳасиз. Лекин шу масала атрофида жуда қарама-қарши фикрлар изҳор қилинмоқда. Биринчи ва энг асосий қарши эътироз шундан иборатки, давлат тилини ўрганишга мажбур қилиш тиллар тенглиги қонидасини бузар эмиш. Аммо, юқорида қайд қилиб ўтдикки, биз агар фақат тилларнинг тенг ҳуқуқлигини расмий эълон қилиш билан чеклансак, В. И. Ленин айтганидек, тилларнинг ўтмишдаги нотенглигини сақлаб қолган бўламиз, чунки катта миллат тили кенг тарқалгани, илмий жиҳатдан яхши ишланганлиги туфайли беихтиёр имтиёзли ва ҳукмрон ҳолатда бўлиб қолаверади.

Миллий республиканинг тилига давлат тили мақоми берилишини ва ўрганиш зарурлигини бундай кишилар жумҳуриятларнинг ортиқча эркалиги ва тантиқлиги, деб тушундилар. Уларнинг норозилиги кўпинча очиқдан-очиқ намоён бўлди.

Тил ўрганиш осон иш эмас. Шундай экан, бу мураккаб ишни ким ихтиёрий равишда бажаргиси келади, дейсиз! Ана шунинг учун биз бу фикрни рус тилида сўзлашадиган аҳолига сингдиришда оқилона ҳаракат қилмоғимиз мақсадга мувофиқдир.

Демак, республикаларда давлат тилини жорий қилиш масаласи оғир ва мураккаб муаммолардан биридир. Унинг зиддиятли томонлари жуда кўп. Деярли олтмиш йил давомида миллатлараро тилни миллий тиллар ҳисобига кенг тарқатишга ҳаракат қилинди. Энди бу нодialeктик, яъни ғайриилмий ёндошишга чек қўйишимиз керак. Биринчидан, ўзбек тилига бўлган муносабат тубдан ўзгариб, жумҳуриятимизда тил маданияти, нутқ маданияти, ўзбек тилини илмий ишлаш, ўзбек тили тўғрисида турли тадқиқотларгина эмас, балки кўплаб илмий-оммабоп китоблар яратиш йўлга қўйилиши лозим. Шу билан бир вақтда, жумҳуриятимизда яшайдиган ҳар бир ўзбек бўлмаган киши давлат тилини билиши, ўрганиши кераклиги қоидага, турмуш тарзимизнинг таркибий қисмига айланиши даркор. Бунинг учун эса таъзимкорлик одатимиздан воз кечиб, синги шимариб, рус тилида сўзлашувчи аҳолига тилимизни ўргатишимиз талаб қилинади. Ўзбек тили бўйича қўлланмалар, луғатлар, сўзлашгичлар яратиб, енгилликлар тугдириш керак.

Жумҳуриятнинг миллий тилини давлат тилига айлантириш масаласи миллий масаланинг таркибий қисмларидан биридир. Миллатлараро муносабатлар эса ўз навбатида жумҳуриятимизда яшайдиган ҳар бир миллат вакилига тегишлидир. Миллатлараро муносабатларда энг муҳим томони — бошқа миллат вакиллари билан мулоқотда фаросатли бўлиш, яъни "кишидаги тез ва тўғри фаҳмлай олиш қобилияти, заковат, дид"<sup>1</sup> жуда юксак даражада бўлиши керак. Бу жиҳатга, айниқса, В. И. Ленин катта эътибор берган. У психологияни миллий масалада "жуда муҳим ўрин тутадиган"<sup>2</sup> омил, деб билган.

Демак, давлат тили амал қилиши муносабати билан кун тартибда пайдо бўлаётган масалалар кам сонли миллатлар билан катта миллат ўртасида мулоқотларнинг кучайишини талаб қиладди. Бундай мулоқотларда давлат тили тарихан пишиб етилган зарурият эканлигини, бу кўп миллатли социалистик давлатнинг ўсиши ва мустақамланишига хизмат қилишини ҳаммага тушунтириш мумкин ва керак.

1 Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II-жилд, 296-бет.

2 В. И. Ленин. Тула асарлар тўплами. 48-жилд, 279-бет.

Мамлакатимизда кун сайин ва ой сайин инқилобий янгиланиш жараёни кенгайиб ва чуқурлашиб бормоқда. Бу янгиланишнинг илк қадамларидан бири миллий тилларга бўлган диққат-эътиборни тубдан ўзгартиш бўлди. Бу соҳада талай ижобий ишлар амалга оширилди. Аммо, ҳали бажарадиган вазифалар бечисобдир.

Миллий тилларни такомиллаштириш масаласи ҳамма вақт диққат марказимизда бўлиши лозим. Миллий тилларнинг янада ривожланишини биз қайта қуриш давридаги тил жараёнларининг бир қаноти деб билсак, унинг иккинчи қаноти эса умумий икки тиллиликка эришишдир. Гап шундаки, биз қайта қуришгача бўлган даврда бир томонлама икки тиллиликни тарғиб қилганмиз, яъни ҳар бир рус миллатига мансуб бўлмаган фуқаро ўз миллий тилини ва миллатлараро рус тилини билиши шарт, деб уқтирганмиз. Бунинг натижасида миллатларнинг тенглилиги ҳуқуқи бузилган, чунки рус тилини она тили деб билувчи аҳоли имтиёзли аҳволда бўлган. Бундан ташқари, тил муаммосининг бундай ҳал этилиши миллатларнинг норозилигига олиб келган, миллатлараро муносабатларнинг кескинлашувига зимдан асос тайёрлаган.

Қайта қуриш даврида ана шу нотўғри йўл, ҳаёто йўналишдан воз кечишимиз керак ва миллий тиллар соҳасида шундай сиёсатни амалга оширишимиз керакки, бу сиёсат миллатлараро муносабатларнинг мустақкамланишига хизмат қилсин. Бунинг энг асосий шартларидан бири шундан иборатки, биз умумий икки тиллиликка эришишимиз лозим бўлади. Яъни жумҳуриятимизда яшайдиган, истиқомат қиладиган ҳар бир фуқаро, миллатидан қатъи назар, икки тилни — жумҳурият давлат тилини ва миллатлараро мулоқот воситаси бўлган тилни билиши шарт. Фуқаронинг мақсади ушбу жумҳуриятда истиқомат қилиш экан, — марҳамат, тилимизни, маданиятимизни, урф-одат ва анъаналаримизни ўрганинг, эринманг, совуққонлик қилманг, — деймиз биз.

Жумҳуриятлар кўп миллатли ҳудудлардир. Ҳозирги замонда ер юзида бир миллатли давлатлар ва мамлакатлар қолмади. Агар биз Ўзбекистон жумҳуриятини олсак, 1989 йил аҳоли рўйхати бўйича бу ерда 19 миллион 808 минг киши яшайди. Шулардан 14 миллион 123 минги ўзбеклардир. Бу умум аҳолининг 71,3 фоизини ташкил қилади. Жумҳуриятимизда яна 1652 минг рус миллатига мансуб фуқаролар истиқомат қиладилар, бу эса жумҳурият умум аҳолисининг 8,34 фоизини ташкил қилади. Бундан ташқари, жумҳуриятимизда 931 минг тожик (4,7 фоиз), 808 минг қozoқ (4,1 фоиз), 467 минг татар (2,4 фоиз), 411

минг қорақалпоқ (2,1 фоиз) яшайди. Қолган миллий гуруҳларнинг ҳар бири бир фоиздан камни ташкил қилади, шу жумладан 182 минг корейс, 174 минг қирғиз, 154 минг украин, 122 минг туркман, 106 минг турк, 50 минг арман, 35,7 минг уйғур, 34,7 минг бошқирд, 28,2 минг бухоро яҳудийлари ва бошқалар жумҳуриятимизда яшаб турибди.

Худди шундай манзарани барча бошқа жумҳуриятларда ҳам кўрамиз. Албатта, баъзи жумҳуриятларнинг кўп миллатлилик даражаси юқори, баъзилариники эса пастроқ. Лекин уларнинг ҳаммаси кўп миллатлидир. Ҳозирги даврда, яъни бозор иқтисодиётига ўтишдек масъулиятли жараён чоғида биринчи навбатда жумҳуриятларда сиёсий, маънавий ва ташкилий барқарорликка эришмоқ керак. Умумий икки тиллилик шунга хизмат қилади.

Жумҳуриятимизда истиқомат қилувчи миллат ва элатларнинг деярли 89 фоизи (ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, озарбайжонлар, тожикларнинг кўпчилик қисми, уйғурлар, татарларнинг кўпчилиги ва бошқирдлар) учун ўзбек тили ё она тили, ёки тушунарли тилдир. Шу сабабли ўзбек тили давлат тили, деб эълон қилингандан сўнг, албатта, жумҳуриятимиз миқёсида у миллатлараро тил бўлиши шарт. Рус тили бутун мамлакат миқёсида умумфикр алмашиш воситасидир. Демак, у Ўзбекистонда ҳам ўзбек тили билан бир қаторда миллатлараро фикрлашиш воситасидир.

Ўзбек тилини ЎзССРда давлат тили, деб эълон қилишдан келиб чиқадиган энг асосий қийинчилик — рус тилида сўзлашувчи ва ўзбек тилини билмайдиган аҳолига ўзбек тилини ўргатишдир. Бу ўзгаришнинг тарафдорлари кўп, лекин муҳолифлари ҳам оз эмас.

Биринчидан, бу ўзгаришнинг ғанимлари ўз ораמידан чиққан, яъни ўзбек бўлатуриб ўзбек тилини билмайдиган кимсалардир. Бу ҳол турғунлик даврининг маҳсулидир. Ўсиб-улғайиб, ўз она тилларига нисбатан бефарқ қолаверганлар. Уларда миллий тилимизга нисбатан ички ҳурмат уйғонмаган, биз эса шу ҳис-туйғуни уйғотишда уларга зарур таъсирни кўрсатмаганмиз. Бундай кишилар аслини айтганда, чала ўзбеклардир, чунки ҳар бир инсон ўзининг маълум бир миллатга мансублигини тасдиқлаш учун ўз тилини билиши шарт. Биз, ўзбек зиёлилари, бу жиҳатдан миллатимиз олдида қарздормиз. Яқин йилларда шундай қилишимиз керакки, ўзбеклар орасида ўз она тилини билмайдиганлар истисно сифатидагина учрасин. Истисно сифатида учрайдиганлар ҳам Ўрта Осиёдан узоқда туғилиб-ўсиб, жумҳуриятимиз ва ўзбек халқи билан бевосита мулоқотда бўлиш имкониятига эга бўлмаган кишилар бўлсин. Ўзбек тилида сўзлашувчилар қанчалик кўп бўлса, улар ўз миллий тилларини

қанчалик яхши билсалар, унинг равнақи устида жон куйдирсалар, она тилимизнинг тараққиёт суръатлари ва мустақамланиш жараёнлари шунчалик самарали бўлади. Аксинча, ўзбек миллатига мансуб кишилар миллий тилимизга қанчалик лоқайдлик билан қараб, ўз тиллари устида ишламасалар, "қайси тилда гаплашимнинг нима фарқи бор, асосий нарса — мени тушунсалар етарли" — десалар, ўзбек миллий тили шунчалик қувватсизланиб, ўз мавқеини йўқотиб бораверади. Орамизда ана шундай фикр юритадиганлар турғунлик йилларида йилдан-йилга кўпайиб борди. Натижада жумҳуриятимизнинг ёши улғайгани сари шу билан баравар равишда миллий тилимизга бўлган қизиқиш ўсиб борди, деёлмаймиз. Масалан, ўзбек тилшунослигини олсак, йил сайин олий малакали мутахассисларнинг, фан докторларининг сони ва салмоғи камайиб бормоқда, илмий-тадқиқот ишлари кўпинча расмий равишда, ҳафсаласизлик билан олиб борилмоқда.

Юқоридаги фикрларимизни ўқиган баъзи кишилар кескин эътироз ва норозилик билдиришлари мумкин. Бу нарса табиийдир. Чунки биз ҳаммамиз турғунлик даврининг маҳсулимиз ва бу давр бизнинг онгимизга эҳтиёт бўлиш, ҳадиксираш, ҳақиқатни яримта-юримта қилиб гапиришни изчиллик билан сингдирган. Қайта қуришнинг асосий талабларидан бири шундан иборатки, биз ўзимизни турғунлик даврида ҳар бир ҳужайрамизга жойлашиб қолган қўрқинч, ҳадиксираш, биқиклик каби хислатлардан озод этишимиз керак. Миллатимизни кўтариш, гуллаб-яшнатиш, унинг тилига зарур сифатларни бахш этиш ўз-ўзидан бўлиб қолмайди. Бунинг учун юракли, шиддатли, ғайратли кишилар талаб қилинади. Шу жумладан, ўзбек бўла туриб, ўз миллий тилини билмайдиганлар тўғрисида масалани кескин кўя олиш биздан маълум жасоратни талаб қилади. Чунки узоқ йиллар давомида биз бунақа йигит-қизларни миллатимизнинг илғор вакиллари, деб тарғиб қилганмиз.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, замонамизнинг илғор миллати бўлмоқ учун ўз миллий тилимиздан ташқари миллатлараро рус тилини ва яна бир ажнабий тилни билишимиз мақсадга мувофиқдир. Демак, ҳар бир ўзбек уч тилни билиши бизнинг олижаноб мақсадимиздир. Бунинг учун эса узокни кўзлаб, ниҳолларимизни биринчи қадамлариданоқ ўз миллий тилини ва рус тилини биладиган, яъни ҳақиқий икки тилли этиб тарбиялашимиз яхши бўлади. Ҳар бир инсон ҳақидаги таассуротимиз биринчи навбатда унинг ташқи кўриниши асосида юзага келади. Лекин, унинг тили, тил маданияти эса ички дунёси, тафаккур салоҳиятидан дарак беради. Бу қобилиятлар эса фақат бир тилни билган кишиларда анча чуқланган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Демак, жумҳуриятимизда умумий иккитиллиликка эришишнинг бошлангич ва зарурий шарты — ўзбек халқи орасида ўз она тилини билмайдиганларнинг бўлишига йўл қўймасликдир. Бу эса тўла равишда бизнинг ўзимизга, қатъият билан иш олиб боришимизга боғлиқ.

Ҳақиқий икки тиллиликка эришишнинг шартларидан бири миллатимизнинг тўзиб кетишига йўл қўймасликдир. Шу ўринда ўзбекларни Ноқоратупроқ ерларга ва яна қандайдир узоқ юртларга кўчиб боришга ундовчи кишилар аслида навбатдаги иқтисодий зиён келтирадиган ишга қўл урганликларини афсус билан қайд этиб ўтиш жоиздир.

Тўғри, "Ўзбекистонда аҳоли жуда зич яшайди, ер стишмайди. Ерсиз қийналиб юрганларнинг маълум қисмини одамга муҳтож ерларга, яъни биринчи навбатда Ноқоратупроқ ва Қоратупроқ ерларга, Сибирь ва Узоқ Шарқ томонларга кўчириш маъқул иш бўлади", деб ҳукуматга нотўғри ақл ўргатадиганлар ҳозир ҳам учрайди. Лекин улар бу хатти-ҳаракатлари билан миллатларнинг асл манфаатларига зид иш тутаётганликларини тан олгилари келмайди. Ахир, яқин-яқинда қолмиқлар ва чеченлар, қорачойлар ва ингушлар, қрим татарлар ва Волга бўйи немислари, месхети турклари ва курдларни сарсон-саргардон қилганимиз аён-ку!

Шу нарсани кўзда тутиш керакки, миллатларни тўзитиб юбориш сиёсатининг ташаббускорлари, тадбиркор ижрочилари ўз мудҳиш ниятларини "миллатлар бир-бирларига дўстона равишда беғараз ёрдам беришлари лозим", деган баландпарвоз гаплар билан бежайдилар. Бундай "тадбиркорлар"нинг попугини пасайтириш учун Японияни ва унга ўхшаш мамлакатларни мисол тариқасида келтириш керак. Япониянинг ҳудуди Ўзбекистон ҳудудидан анчагина кам. Лекин шу кичиккина ҳудудда Ўзбекистондагидан олти баравар кўп аҳоли истиқомат қилади. Японлар еримиз кам деб шикоят қилганини ким эшитган?! Демак, ҳамма нарса ишни тўғри ташкил қилишга боғлиқ, холос.

Хуллас, ўзбек миллатига мансуб бўлатуриб ўз миллий тилини билмайдиганларнинг бўлмаслигига эришиш, турли даъват ва ташвиқотларга учиб, ўз туғилган юртини тарк этиб кетишга чоғланувчи кишиларнинг сонини камайтириш миллий тараққиётимизнинг яна бир муҳим шартларидандир.

Лекин бундан миллий биқиқликни, миллий чекланганликни тарғиб этиш керак экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак, асло. Илғор миллат бўлмоқ учун, биринчидан, ушбу миллат ўзининг барча имконият ва кучларини, барча фарзандларини бир жойга йиғиб, уларга бош-қош бўлиши лозимдир. Иккинчидан эса, илғор миллат бўлмоқ учун ҳамма вақт ва ҳар бир соҳа бўйича бошқа миллатларнинг илғор тажрибасини, уларнинг

қанчалик яхши  
лар, она тили  
жараёилари  
латига манс  
билан қараш  
гаплашиши  
салар етар  
сизланиш  
дай фи  
кўпайи  
сари  
қизи  
гин  
доам  
ти

илликка эришиш  
ўш орасида ўз  
қўймаслиқдир.  
илан иш олиб  
ридан бири  
Шу ўринда  
узоқ кўрт-  
ти иқти-  
майди.  
ўтож  
иш  
ам

чи муттасил равишда ўрганиб ва  
тай иш олиб борилмаса, миллат  
чиқларга учраши муқаррардир.  
ки томонлама икки тилли-  
таш мақсадга мувофиқдир.  
чзнинг миллий оиламиз-  
из лозим бўлади ва  
гиш учун асос тайёр

ллиликни жорий қилиш-  
гомони, юқорида таъкидлаб  
увчи аҳолининг ўзбек тилига  
дир.

аҳолининг ерли миллат тилини  
ланинг ҳал этилишини мумкин қадар  
ур ўйлаб амалга ошириладиган тадбир-  
давлат тилини "юмшоқ мажбурийлик" сиз  
лмайди. Тилни юмшоқ илтимос орқали  
из даражада узоққа чўзилиб кетиши мумкин.  
ар бир меҳнат жамоасида, маҳаллада, жамоат  
ўзбекча сўзлашув муҳитини юзага келтиришга  
алмоқ зарур. Яъни, рус тилида сўзлашувчиларга  
д эмас, балки рус тилида сўзлашувчиларнинг ўзбек  
мослашишига қулай муҳит яратиб бериш лозим. Давлат  
га ўтиш жараёнида, маълум бўлишича, орамизда муросачи-  
ар ҳаддан ташқари кўп экан, яъни иложи бориша рус тили  
фойдасига ён босиш бизнинг турмуш нормамизга айланиб қолган  
экан. Ваҳоланки, В. И. Ленин бунинг тескарасини гапирган эди:  
катта миллат вақиллари кам сонли миллатларга нисбатан жуда  
ҳам эҳтиёткорлик, тадбиркорлик, ён бериш ва илтифот кўрсатиш  
йўли билан боришлари керак. Катта миллат томонидан ана шу  
тадбиркорлик ва илтифот кўрсатишнинг кўринишларидан бири  
ерли миллат тили, маданияти ва тарихини ўрганишдир.

Ҳар бир корхонада, ҳар бир муассасада, ҳар бир маҳаллада  
ва турар жойдан фойдаланиш идораларида ўзбек тили  
тўғараklarини янада кўпроқ очиш керак. Худди 20-йилларда  
саводсизликка қарши қандай кураш олиб борган бўлсак, ҳозир  
ҳам шу тарзда иш олиб боришимиз тўғри бўлади, биринчи  
навбатда ўзбек зиёлилари ўқитувчилик вазифаларини бажаришни  
ўз зиммаларига жамоат иши сифатида олишлари лозим.

Албатта, ўзбек бўлмаган аҳоли томонидан ўзбек тилини  
ўзлаштириш мактабдан бошланади. Афсуски, русча мактабларда  
ўзбек тилини ўқитиш танқиддан тубан, десак янглишмасмиз. Бу  
муҳим соҳа асосан ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган. Рус



синфларида ишлаётган ўқитувчилар биладиларки, ўзбек тили дарсларидаги камчиликлар, етишмовчиликлар, ҳаммага маълум, лекин ҳеч ким жазо бермайди, чунки рус синфларидаги ўзбек тили дарслари хўжакўрсинга ўтилади, баҳо ўқувчининг кундалигида ижобий бўлса бас. Қолган нарсаларнинг аҳамияти йўқ. Худди ўқувчиларда ҳам шундай муносабат,— ижобий баҳо олинса кифоя... Улуғ Ватан уруши тамом бўлгандан сўнг ўтган қирқ беш йил давомида Ўрта Осиё жумҳуриятларининг бирортасида ҳам миллий тилларни ўқитишни яхшилаш тўғрисида қарор қабул қилинмади, ваҳоланки худди шу давр ичида рус тилини ўқитишни яхшилаш, тубдан ўзгартириш ва ҳоказолар ҳақида ўнлаб қарорлар қабул қилинди, конференциялар, кенгашлар, симпозиумлар, сессиялар, фестиваллар, Дўстлик кунлари ва ҳафталари ташкил этилди. Рус мактаблари ва синфларида ўзбек тилини ўқитиш, агар шундай дейиш жоиз бўлса, ўтай боладек диққатимиздан, меҳр-оқибатимиздан четда қолиб келган ва ҳозир ҳам аҳвол қувонарли эмас.

Русча мактабларда миллий тилларни ўқитишни тубдан яхшилаш қайта қуришнинг жиддий талабларидан биридир. Бу масала мактаб педагогика кенгашларида, ноҳия ва вилоят даражасида, ҳар бир жумҳуриятнинг партия ва совет идораларида муттасил равишда муҳокама қилиниши, ўз вақтида чоралар кўрилиши энг масъулиятли вазифалардандир. Шу иш таъмин этилмаса, ўзбек тилини давлат тили, деб эълон қилиш тўғрисидаги Қонун қоғозда қолиб кетиши эҳтимолдан холи эмас. Бу борадаги ҳаракатлар биринчи навбатда атрофимиздаги "майда-чуйдалар"дан бошланиши керак: ҳар бир эълон, жадвал, қоида, кўрсатма, рўйхат, кўчалар, ошхоналар, кафелар, муассаса ва бошқаларнинг номи миллий тилда ёзилиши мажбурий қоидага айланиши зарур. Жумҳурият раҳбариятининг социалистик байналмилалчиликка садоқати, маълум вилоят ёки ноҳия советларининг фирқа йўлидан изчиллик билан бориши уларнинг миллий тилга муносабати, катта ишда ҳам, кичик ишда ҳам миллий тилга бўлган ҳурматлари орқали намён бўлиши ва ўлчаниши лозим. Бу масалалар шу даражада кескин қўйилмас экан, аҳвол ўзгармай қолаверади.

Юқорида айтилган фикрларнинг ҳаммаси асосан мактабда ўқиш-ўқитиш муносабати билан пайдо бўлган мулоҳазалардир. Аммо ўзбек тили ЎзССРнинг давлат тилига айлантирилиши муносабати билан ҳал этилиши лозим бўлган энг мураккаб масала,— бу русча сўзлашувчи аҳолининг ишлаб чиқаришда банд бўлган ёки уй ишлари билан шуғулланувчи қисмини ўзбек тилига ўргатишдир. Бу жойда биз жуда катта бефарқликка дуч келмоқдамиз ва бундан кейин ҳам дуч келаверамиз. Бу ёшдаги

Ўзбек бўлмаган фуқаролар халқ хўжалигининг турли соҳаларида кўпинча ҳал қилувчи жойлар ва лавозимларда ишлайдилар, шу билан бир қаторда кўп миллатли совет давлатини фақат рус тилида иш олиб борадиган давлат, деб фараз қиладилар. Улар учун миллий масала, миллий тиллар ва шунга ўхшаш масалалар кишини асосий ишдан чалғитадиган, охир оқибатда бизни социализмнинг яхлит, йирик иқтисодий масалаларидан четлатувчи иккинчи даражали муаммолар бўлиб кўринади. Улуғ давлатчилик руҳи сталинизм ва турғунлик даврида, яъни миллатлар ва миллий тиллар қўшилиб кетиши муқаррар, деб эълон қилинган йилларда бу кишиларнинг жони-танига сингиб кетган, шу сабабли қандайдир бошқа халқнинг тилини ўрганиш, маданиятини ўзлаштириш уларга малол келади. Албатта, бу фикрларни улар очиқ айта олмайдилар. Улар бошқа баҳоналарни қидирадилар. Шундай кишилардан бири ЎзССРнинг тиллар тўғрисидаги Қонуни лойиҳаси муҳокамасида "Ўзбек тилига давлат тили мақоми берган билан, магазинларда гўшт ва пишлоқ пайдо бўлиб қолардимиз?!— деб, ўз фикрини асослаган".

Ҳар бир корхона, муассаса, маҳалла раҳбари, колхоз раиси ва совхоз директори шуни яхши билиши керакки, у раҳбарлик қилиб турган коллективда ўзбек тилини ўрганиш ва ўргатиш иши учун ҳам давлат олдида, халқ олдида, жамият олдида жавобгардир. Бундан олтмиш-етмиш йил муқаддам биз халқимизни саводли қилиш учун ялпи кураш бошлаган эдик. Энди эса рус тилида сўзлашувчи аҳолининг ўзбек тили бўйича саводсизлигига қарши курашиш даври келди, фаол ишлаш навбати келди. "Мақсадингиз жумҳуриятимизда доимий яшаш экан, еримизнинг иқлими, табиати, халқи, миллатимизнинг сизга муомаласи маъқул экан, марҳамат, ушбу жумҳуриятга ном берган халқнинг тилини, маданиятини, тарихини, анъана ва урф-одатларини ўрганинг. Бу йўл билан сиз халқимизнинг юксак ҳурматиغا, самимий муносабатига эришасиз, халқларнинг дўстона муносабатлари янада мустақкам бўлишига ўз ҳиссангизни қўшасиз",— деб, бу фикрни ҳар бир ўзбек бўлмаган гражданнынг онгига синдириб, турмуш тарзининг таркибий қисмига айлантиришга интилишимиз тўғри бўлади.

Умумий икки тиллилик — давр талаби, қайта қуришни муваффақиятли амалга оширишнинг зарурий шартларидан биридир. Умумий икки тиллилик изчиллик ва қатъият билан амалга оширилгандагина биз қайта қуриш эҳтиёжларига жавоб берадиган тил сиёсатига эга бўламиз. Бу деган сўз, Ўзбекистонда яшайдиган ҳар бир ўзбек ўз она тилини ва миллатлараро мулоқот воситаси бўлмиш рус тилини билиши шарт. Ўзбек бўлмаган аҳоли эса, қайси миллат ёки элатга мансублигидан қатъи назар, ўз она

тилидан ташқари ўзи яшаб турган жумҳуриятдаги туб аҳолининг, аниқроғи, шу жумҳуриятга ном берган миллатнинг тилини ва ундан ташқари миллатлараро мулоқот воситаси бўлмиш рус тилини билиши шарт.

Фақат давлат тили мақомигина миллий тилларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш имкониятини беради. Шу нарсани кўзда тутиб, КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил сентябрь Пленумида М. С. Горбачев қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: "Биз шунга асосланамизки, шубҳасиз, барча республикаларнинг туб аҳолиси ўз тилини давлат тили, деб белгилашга, бошқача қилиб айтганда, уни сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга тўла ҳақлидир"<sup>1</sup>.

### Ўқиш-ўқитиш тилини танлаш эркинлиги

Қайта қуриш миллий муносабатлар соҳасида йиғилиб қолган муаммоларни муҳокама қилиш ва одилона ҳал этиш учун кенг имконият очиб берди. Шу билан бир қаторда кўп масалалар тўғрисида чуқурроқ фикр юритиб, етмиш йиллик тажрибага суянган ҳолда, уларга аниқлик ёки ўзгартишлар киритиш вақти ҳам келди.

Шулардан бири ўқиш-ўқитиш тилини танлашдаги эркинлик қондасидир.

Социалистик демократия асосларига риоя қилиб, мамлакатимизда ўқиш-ўқитиш тилини танлашда тўла эркинлик амалга оширилиб келинмоқда. Яъни ҳар бир ота-она ўз фарзандларини ўқишга жойлашда ўз ихтиёри билан хоҳлаган тилидаги мактабига олиб бориши мумкин. Ёки ўрта мактабни битирган йигит-қиз, техникумда, махсус ўрта ва олий ўқув юртида қайси тилда ўқишини ўзи белгилайди. Мана етмиш йилдирки, биз шу қоида асосида иш кўрмоқдамиз. Энди босиб ўтилган йўлни ўрганиб, таҳлил этиб, баъзи бир хулосаларни яшаш вақти келди.

Ўқиш-ўқитиш тилини танлашдаги эркинлик ўз вақтида анча-мунча ижобий воқеа сифатида ҳаётимиздаги муаммоларни ечишда бизга ёрдам берди. Ўзбек миллатининг орасидан рус тилини мукамал билувчи минглаб мутахассислар етишиб чиқди. Рус тили ўзбек зиёлиларининг талай қисми учун иш тили, ишчанлик тили ва ҳатто она тилига айланди. Ўқиш-ўқитиш ишларидаги бу эркинликдан фойдаланиб, жумҳуриятимизда яшайдиган қозоқлар, қирғизлар, татарлар, уйғурлар ва бошқаларнинг маълум бир қисми ўз хоҳиши билан ўзбекча мактабларда

1 "Совет Ўзбекистони" газетаси, 1989 йил 20 сентябрь.

ўқиб, тарбия олди. Бунинг тескараси ҳам бўлди, яъни ўзбек фарзандлари ўша миллатларнинг мактабларида ўқишди ва ўқиш-моқда.

Ўқиш-ўқитишдан мақсад фарзандга ва келажакдаги мутахассисга фақатгина ўқиш-ёзишни ўргатиш эмас, балки унга кенг истиқбол йўлини очадиган маълумот беришдир. Шундай экан, табиийки, ота-оналар кўпинча ўз манфаатлари ва фарзандлари келажagini ўйлаб ва кўзлаб, уларни русча мактабларга юборадилар. Масалан, Белоруссияда белорус миллатига мансуб ўқув ёшидаги болаларнинг 96 фоизи русча мактабларда ўқийди. Белорус тилидаги мактаблар Белоруссиянинг ғарбий қисмидаги энг чеккадаги ва энг узоқ қишлоқлардагина сақланиб қолган. Украинада ҳам бу жараён анча-мунча чуқурлашган, Қозоғистонда эса деярли оммавий тус олган. Ўрта Осиё жумҳуриятларида ҳам бу жараён маълум даражада тарқалган. Афсуски, бу тўғрида биз аниқ рақамлар келтира олмаймиз, чунки 70-йилларнинг биринчи ярмидан бошлаб маорифимиз мактабда ўқийдиган болаларни миллий жиҳатдан ажратмайдиган бўлди; асосий мақсадимиз ўқитиш экан, демак, гап болаларнинг миллатида эмас, ўқишида, дейилди. Бу "янгилик" ўқув-ўқитув ишларига байналмилалчилик ғояларини сингдиришда навбатдаги "ижобий қадам" деб баҳоланди.

Шу сабабли биз 70-йилларнинг биринчи қисмига, тегишли рақамлар билан чекланишга мажбурмиз. Умуман бутун Иттифоқ бўйича масала билан танишадиган бўлсак, шу нарса маълум бўладики, турғунлик илдиэ отган даврда, яъни 1974—1975 ўқув йилида мамлакатдаги кундузги мактабларда 43,1 миллион талаба ўқиган. Шулардан 27,7 миллиони, ёки 64,3 фоизи рус тилида, 15,4 миллиони, яъни 35,7 фоизи бошқа миллий тилларда ўқитилган. Ваҳоланки, руслар мамлакат аҳолисининг 53,4 фоизини ташкил қилади. Демак, рус миллатига мансуб бўлмаган талабаларнинг деярли учдан бир қисми рус тилида ўқитилган. Бу нисбат асосан Россия Федерацияси ҳисобига пайдо бўлган: РСФСРда туб рус аҳоли 82,8 фоизни ташкил қилади, лекин мактаб ёшидаги талабаларнинг 96 фоизи русча ўқитилган. Бу жумҳуриятда яшайдиган 17,2 фоиз норус аҳоли юздан ортиқ кам сонли ҳамда ўта кам сонли миллат ва элатлардан иборатдир.

РСФСРдан ташқари иттифоқдош жумҳуриятларга ҳам кўз ташлайлик. Қозоғистон ССРда, масалан, руслар аҳолининг 42,4 фоизини ташкил қилади; русча мактабларда эса барча мактаб ёшидаги болаларнинг 68 фоизи ўқийди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Умумий манзара ва умумий хулоса шундайки, ўз миллий тилини ташлаб, русча мактабга қатнаб ўқиш бутун мамлакат бўйича урушдан олдинги йилларда бош-

ланиб, турғунлик йилларида оммавий тус олди. Бу жараён йил сайин чуқурлашиб ва кенгайиб, миллатларнинг ўсишида, ривожланишида, уларнинг қаторидан халқ хўжалигининг юксак малакали мутахассислари етишиб чиқишида ижобий ўрин тутди.

Бундай жараён тарихий нуқтаи назардан қараганда ҳам зарур, ҳам табиий эди. Бошқа миллатлар тилларини ўрганиш ва билиш уларнинг тажрибасини ўрганишга ва шу орқали ўз миллатининг тез сурьатларда ривожланишига хизмат қилган. Янги тилни билган киши янги дунёни очади, бошқаларнинг ҳаётий тажрибасини қабул қилиб олади ва ўз миллатига шу тажриба асосида самаралироқ хизмат эта олади.

Аmmo биз бу жараёнга ўтмишдагидек фақат ижобий тусда қарашимизни давом эттираверишимиз ўринли бўладими? Ҳаётни ўрганиш шунга кўрсатадики, бу саволга биз ижобий жавоб бера олмаймиз. Гап шундаки, Фридрих Энгельс айтганидек, энг ҳаққоний ва тўғри қоида ҳам, атрофдаги шарт-шароит ўзгаришини инobatга олмай ҳаётга татбиқ этилаверса, ўзининг тескарисига айланиб, жамиятга салбий таъсир кўрсата бошлаши мумкин. Ҳар бир миллатнинг энг илғор ва имтиёзли қисми одатда фарзандларини рус тилида ўқитишга ҳаракат қилади. Бу фарзандлар озми-кўпми ўз миллий маданиятидан, миллий тилидан узоқлашади ва миллий-маънавий ҳаётнинг жадал тараққий этишида кўнгилдагидек қатнаша олмайди. Демак, бу ёшлар ўз миллатининг тили, маданияти, маънавий ҳаёти гуллаб-яшнашига, янада бойишига етарли даражада хизмат қилолмайдилар ва охир оқибатда ўз миллатларининг ногиронлашишига, ички қувватидан жудо бўлишига сабаб бўлаётган кучлардан бирига айланадилар.

Лекин юқорида биз айтган фикрлар — масаланинг бир томони, холос. Масаланинг янада жиддийроқ томони шундан иборатки, ўз фарзандларини рус тилида ўқитаётган раҳбарлар, зиёлилар беихтиёр равишда русча мактабларга кўпроқ вақт, кўпроқ эътибор ажрата бошлайдилар. Ўзбекча мактаблар эса, хоҳланг-хоҳламанг, маълум бир даражада ўгайдек бўлиб қоладилар. Айниқса, рус тилини ўқитиш масаласи давлат ва партия сиёсати даражасига кўтарилган бир даврда миллий тилларга бўлган муносабат шундай бўлиши табиий эди. Маълумки, турғунлик даврида миллий тиллар Иттифоқ миқёсида иккинчи даражали тилларга айландилар. Бунга КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил сентябрь пленуми ҳам таъкидлаб ўтди.

Ўқиш-ўқитиш тилини танлаш эркинлиги биринчи навбатда жумҳуриятимизда истиқомат қилиб турган бошқа миллат ва миллий гуруҳларга тегишлидир. Жумҳуриятимизда, масалан, юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшаётганлиги қайд этилган. Шулардан фақат ўзбеклар, руслар, тожиклар, қozoқлар,

қирғизлар, туркманлар, қорақалпоқлар, корейслар, қрим татарлар учунгина она тилида ўқитадиган мактаблар ёки синфлар очилган. Бу миллатлар жумҳурият аҳолисининг 93,6 фоизини ташкил қилади. Қолган 6,4 фоиз аҳоли ўз ичига юздан ошиқ миллат ва элат вакилларини қамраб олади. Улар жумҳурият ҳудудида тарқоқ ҳолда яшагани сабабли, махсус мактаблар ёки ўқув синфлари очиш қийин. Улар ўз фарзандларини юқорида санаб ўтилган тўққиз тилдан бирида ўқитадилар. Ўз фарзандини ўзбек тилида ё рус тилида, қорақалпоқ тилида ёки бошқа бир тилда ўқитиш масаласини ота-оналар ўзлари ўз ихтиёрлари билан ҳал этадилар. Улар ўқиш-ўқитиш тилини танлаш эркинлигидан тўла фойдаланишлари табиий ва зарурийдир.

Лекин ўз жумҳуриятида яшаб туриб, ўқиш-ўқитиш тилини танлашда бошқа тилга имтиёз бериш миллат талаб ва эҳтиёжларига тўла жавоб беради, дея олмаймиз. Мақсадимиз ўзбек тилини камситилиш доирасидан эркин тараққиёт йўлига олиб чиқиш экан, унинг чораларидан биттаси ўқиш-ўқитиш тилини танлашда миллат манфаатларини кўзда тутишдир.



Жамиятимизнинг янгиланиши кун сайин ва ой сайин чуқурлашиб, кенгайиб бормоқда. Бу инқилобий жараённинг таркибий қисмларидан бири — миллий тиллар жабҳасидир. Бу жабҳада бораётган курашнинг баъзи бир жиддий ва диққатга сазовор томонларига Сиз, ҳурматли китобхоннинг фикри-зикрини жалб этишга ҳаракат қилдик. Миллий тилларнинг, шу жумладан, она тилимизнинг равнақини кўзлаб айтган фикрларимиз дилингизда акс садо берган бўлса, тилга нисбатан меҳр-муҳаббатингизни бироз бўлса-да оширган бўлса, қилган саъй-ҳаракатимиз зое кетмабди, деб ҳисоблаймиз.

## МУНДАРИЖА

Муқаддима . . . . .	3
Миллий тилнинг жозиба кучи . . . . .	8
Миллий тилларнинг қўшилиб кетиш назариясини танқид . . . . .	20
Миллий тиллар, маъмурий-бўйруқбозлик социализми исканжасида . . . . .	28
Давлат тили муаммоси . . . . .	42
Умумий икки тилликка эришиш — асосий вазифа . . . . .	58
Ўқиш-ўқитиш тилини танлаш эркинлиги . . . . .	65

Бўшаник ўқув маъмуриятининг 1974 йил 12-сентябрдаги қарори билан "Ўқув-таълим" қўшма маълумотида эълон қилинган. 1974 йил 12-сентябрдаги қарорнинг 4-б. 1-қисми, 4-б. 2-қисми билан қўшма маълумотда эълон қилинган.

Ўқув-таълим қўшма маълумотида эълон қилинган. 1974 йил 12-сентябрдаги қарорнинг 4-б. 1-қисми, 4-б. 2-қисми билан қўшма маълумотда эълон қилинган.

Ўқув-таълим қўшма маълумотида эълон қилинган. 1974 йил 12-сентябрдаги қарорнинг 4-б. 1-қисми, 4-б. 2-қисми билан қўшма маълумотда эълон қилинган.

Ханазаров Кучкар

**ЯЗЫК — ДУША НАРОДА**

На узбекском языке

Издательство "Узбекистан"—1991,  
700129, Ташкент, ул. Навои, 30.





Хоназаров Қ.

Х - 74 Тил ва дил.—Т.: Ўзбекистон, 1991.— 69 б.

ISBN 5-640-01096-7

Таниқли олим, фалсафа фанлари доктори Қ. Хоназаровнинг мазкур китобида она тилимизнинг мавқеини мустаҳкамлаш, унинг жозиба кучини тўла намоён этишга доир масалалар қаламга олинади. Шунингдек, китобда миллий тилларнинг ривожланишига халақит бериб келган салбий омилларни барҳараф этиш, давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг муваффақиятли амал қилишини таъминлаш муаммолари хусусида сўз юритилади. Ундаги айрим фикр-мулоҳазалар муаллиф таҳририда берилди.

Хоназаров К. Язык — душа народа.

ББК 81.2+66.017.83

№ 671—91

Навоий номи ЎзССР

Давлат кутубхонаси.

X  $\frac{4602000000-140}{351 (04) 91}$  91





433

„ЎЗБЕКИСТОН“